

O'ZBEKISTON ISSN 2181-502X

QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

№12. 2021



29

Азиз ватандошлар,
аграр соҳа меҳнаткашлари,
ирригатор ва чорвадорлар,
барчангизни бахтимиз
қомуси – Конституция
байрами ҳамда Қишлоқ
хўжалиги ходимлари
куни билан самимий
муборакбод этамиз!





Ватанимиз равнақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган илм аҳлини, аграр соҳада фидокорона меҳнат қилаётган ходимларни, саховатли халқимизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини билан самимий табриклаймиз.

Юртимиз осмони ҳамини мусаффо, ҳаётимиз янада фаровон бўлсин.

Дон ва дуккакли экинлар ИТИ жамоаси.



ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли ватандошлар!

Муҳтарам деҳқон ва фермерлар, аграр соҳа ходимлари!

Бугунги қутлуғ айём – Қишлоқ хўжалиги ходимлари қуни муносабати билан сизларни, бутун халқимизни чин қалбимдан муборакбод этаман.

Саховатли заминимизда гўзал ҳосил байрами нишонланаётган шу файзли дамларда янги Ўзбекистон равнақи ва аҳоли фаровонлиги йўлида фидо-корона меҳнат қилаётган, қадоқ қўли ва фидойи қалби билан элимизнинг ризқ-насибасини яратаётган, ўз ишининг устаси бўлган моҳир деҳқон ва фермерлар, боғбонлар, чорвадор ва пиллакорлар, сувчилар ва ирригаторлар, агроном ва механизаторлар, агрокластерларнинг раҳбарлари ва ишчи-ходимлари, деҳқон хўжалиги раҳбарлари, соҳанинг жонкуяр олимлари ҳамда мутахассисларига самимий миннатдорчилик билдираман.

Азиз дўстлар!

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида узоқни кўзлаган ҳолда амалга ошираётган туб ислохотларимиз тизимда салмоқли натижаларга эришишда муҳим омил бўлмоқда.

Биз бу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттириб, мамлакатимизда қўлай агробизнес муҳитини яратиш, бу борада инвестициявий жозибдорликни ошириш, соҳани саноатлаштириш масаласига устувор аҳамият қаратмоқдамиз.

Ўз навбатида, омилкор деҳқон ва фермерларимиз энг сўнги илм-фан ютуқларини пухта ўрганган ҳолда, кўп йиллик бой билим ва тажрибалари билан соҳа тараққиёти учун азму шижоат кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ҳаммамизга аёнки, деҳқончилик ер юзидаги энг шарафли, айна вақтда машаққатли касблардан биридир. Юртимиз қишлоқ хўжалик соҳаси бу йил ҳам турли қийинчиликларга дуч келганига барчамиз гувоҳимиз.

Авалло, дунё миқёсида давом этаётган пандемия таъсири, қолаверса, баҳорда ёғингарчиликнинг кам бўлгани, ёз чилласининг ўта иссиқ келиши, сув ресурсларининг ҳар йилгидан сезиларли даражада танқислиги деҳқонларимизнинг ирода ва матонатини яна бир бор синовдан ўтказди.

Лекин мавжуд муаммоларга қарамасдан, барча тармоқларда мўл

ҳосил етиштириб, аввалги йилларга нисбатан юқори марраларга эришганингиз учун сиз, азизларга ҳар қанча таҳсин айтсак, арзийди.

Бу йил республикаимиз бўйича 20 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот, 7,4 миллион тоннага яқин дон, 3,4 миллион тоннадан зиёд пахта хом ашёси, 23 минг тонна пилла, 2,6 миллион тонна гўшт, 11 миллион тоннадан ортиқ сут маҳсулотлари, 8,3 миллиард дона тухум, 400 минг тонна балиқ етиштирилгани йил бўйи туну кун қилинган машаққатли меҳнатнинг муносиб самарасидир.

Бу ҳақда гапирганда, ғалланинг ҳар гектарида 95-100 центнердан ҳосил олган Марҳамат туманидаги “Сотволдиев Ҳошимжон”, Бувайда туманидаги “Исломжон Шуқурулло”, Оҳангарон туманидаги “Нажмиддин Фаҳриддин файз”, Дўстлик туманидаги “Фарҳод”, Ромитан туманидаги “Кўҳна Бухоро”, Қарши туманидаги “Мўл ҳосил сифат”, Риштон туманидаги “Моҳинур файзли гавҳари”, Қўмқўрғон туманидаги “Паданг”, Элликқалъа туманидаги “Сахтиён Азамати”, Тўрақўрғон туманидаги “Шоҳида бургут” каби фермер хўжаликларининг номларини мамнуният билан эътироф этамиз.

Аграр соҳанинг яна бир муҳим тармоғи – пахтачиликда олиб борилаётган ислохотлар натижасида жорий мавсумда ўтган йилга нисбатан 422 минг тонна кўп пахта хом ашёси етиштирилди. Ҳосилдорлик эса ўртача 6,3 центнерга ошгани айниқса эътиборлидир.

Бундай улкан хирмонни яратишга салмоқли ҳисса қўшган Қўмқўрғон туманидаги “Термиз Жайхун”, Дўстлик туманидаги “Санзор-текстиль”, Зафаробод туманидаги “Жиззах кентекс”, Боёвут туманидаги “Боёвут текстиль кластер”, Қоракўл туманидаги “Қоракўл кумуш калава”, Фиждувон туманидаги “Бухоро агро кластер”, Тўрақўрғон туманидаги “Наманган тўқимачи кластер”, Пахтачи туманидаги “Пахтачи кластер”, Оққўрғон туманидаги “Оққўрғон агро кластер”, Янгиариқ туманидаги “Янгиариқ текс”, Боғот туманидаги “Коботекс” каби пахта-тўқимачилик кластерлари, шунингдек, Жарқўрғон туманидаги “Хушбоқ бобо”, Шароф Рашидов туманидаги “Норқозок ота”, Юқори Чирчиқ туманидаги “Тангиберди ота”, Қўрғонтепа

туманидаги “Савай кўрки”, Пешку туманидаги “Варахшо нурли замини”, Беруний туманидаги “Раҳматулла Чаман” фермер хўжаликлари ҳаммага намуна бўлганини миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Қадрли юртдошлар!

Бугунги кучли рақобат шароитида қишлоқ хўжалиги тизимида ҳам янги-ча ёндашув, инновациялар ва илғор ишланмаларни, интенсификация ва ресурс тежайдиган технологияларни изчил татбиқ этишни замоннинг ўзи тақозо қилмоқда.

Кейинги пайтда бутун дунёда бўлгани каби минтақамизда ҳам юз бераётган иқлим ўзгаришлари, сув ресурсларининг тобора тақчил бўлиб бораётгани, экологик муаммолар соҳада илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш нақадар долзарб эканини кўрсатмоқда.

Ана шу омилларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси соҳада ислохотларни янада чуқурлаштириш ва инновацион технологияларни қўллаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига сифатли маҳсулотлар етказиб бериш, экспорт географиясини кенгайтиришдек устувор масалаларда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида бозор механизмига асосланган, бош-қарувнинг мутлақо замонавий шакли бўлган кластер тизими жорий этилаётгани амалда ўзини тўла оқламоқда. Ушбу инновацион тизим аграр соҳани ривожлантиришнинг муҳим воситасига, қишлоқ аҳолисининг кафолатли даромад манбаига айланиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда юртимизда барча йўналишларда 651 та агрокластер фаолият юритиб, пахта ва ғалланинг 100 фоизи, мева-сабзавотнинг 40 фоизидан ортиғи айнан ана шундай корхоналар улушига тўғри келмоқда.

Агрокластерлар қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, соҳани саноатлаштириш, маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш, пировардида четга хом ашё эмас, қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот экспорт қилиш, бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш каби асосий вазифаларни самарали амалга оширмоқда.

Натижада биргина пахтачиликда толани қайта ишлаш кўрсаткичи 2,5 бараварга ошди. Ҳосилнинг 100 фоизи мамлакатимизда қайта ишланиши туфайли ип-калава ишлаб чиқариш 2 бараварга, тайёр маҳсулот ҳажми 3 бараварга ортди. Бу борадаги йиллик экспорт миқдори қарийб 3 миллиард долларни ташкил қилди.

Ер қадрини биладиган, унинг ҳар қаричидан унумли фойдаланадиган, доимо изланиб, ноёб тажриба мактаби яратган кластер раҳбарлари, фермер ва деҳқонларимиз, шунингдек, мева-сабзавот, шולי, доривор гиёҳлар етиштириш, чорвачилик ва бошқа соҳаларда ҳам юқори натижаларни қўлга киритиб келаётгани ғоятда аҳамиятлидир.

Ҳурматли соҳа вакиллари!

Сизларга маълумки, сўнги йилларда қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини ошириш, оборотдан чиққан экин майдонларини қайта фойдаланишга киритиш, лалми ерларни ўзлаштириш ишларига жиддий эътибор қаратилмоқда. 2020-2021 йилларда 369 минг гектар ер қайта фойдаланишга киритилди. Сув тежайдиган технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан субсидия ажратиш тизими йўлга қўйилди.

Шунингдек, янги иссиқхоналар ташкил этиш, озиқ-овқат маҳсулотлари таннархининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳам ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Хусусан, биргина 2021 йилнинг ўзида 797 гектар майдонда қиймати 2,3 триллион сўмлик 398 та замонавий иссиқхона ишга ту-

ширилиб, 11 мингдан ортиқ кишининг бандлиги таъминланди.

Буларнинг барчаси ички бозор эҳтиёжини қондириш билан бир қаторда, экспорт имкониятларини кенгайтириб, қишлоқ жойларида кўркам ва қулай бўлган савдо, логистика марказлари ва қайта ишлаш корхоналарини ривожлантирмоқда Хорижий мамлакатлар бозорларига янги истиқболли йўналишлар очилиб, қарийб 1,5 миллион тонна мева-сабзавот маҳсулотлари 65 та давлатга экспорт қилинди.

Бу ўринда, экспорт кўрсаткичларида ўтган йилга нисбатан дуккакли маҳсулотлар 122 фоизга, узум маҳсулотлари 142 фоизга, сабзавотлар 103 фоизга ҳамда ёнғоқ маҳсулотлари 1,8 баробарга ўсганини алоҳида қайд этиш лозим.

Айни пайтда, янги лойиҳалар устида ишлаш, бозор механизмлари тамойилларини кенг жорий этган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш, малакали мутахассисларни тайёрлаш масалалари диққатимиз марказида бўлиши лозим. Ана шу талаб ва мезонлардан келиб чиққан ҳолда, соҳада кенг қўламли ислохотларни жорий этиш режалаштирилмоқда.

Жумладан, маҳсулот етиштириш таннархини 30-35 фоизга қисқартириш, ер унумдорлигини ошириш, деҳқон ва фермерлар даромadini камида 2 бараварга кўпайтириш, экспортбоп маҳсулотлар етиштиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш,

агросаноат корхоналарини хом ашё билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ўстириш, чорвачилик тармоқлари фаолиятини такомиллаштириш, сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида бошқариш тизимида ўтиш келгусида ўзининг ижобий самарасини кўрсатади, албатта.

Олдимизда турган бундай масъулиятли вазифаларни бажаришда барчангиз елкама-елка туриб, бир тану бир жон бўлиб, бор малака ва тажрибангизни, куч-ғайрат ва салоҳиятингизни сафарбар этишингизга ишонаман.

Муҳтарам дўстларим, қадрдонларим!

Мир Алишер Навоий ҳазратларининг бободехқонларни улуғлаб, улар ерга уруғ сочиб, эл-юрт учун ризқ йўлини очадилар, деб айтган сўзларида теран ҳаётий маъно борлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Сизларни ушбу файзли ва шукуҳли айём билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, хонадонларингизга тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Қириб келаётган янги – 2022 йилда ҳосилимиз янада мўл бўлсин!

Халқимиз, элимиз дастурхонидан тўкин-сочинлик ҳеч қачон аримасин!

Умрингиздан, меҳнатингиздан баракат топинг, танти ва бағрикенг, яратувчан ва она заминни севиб ардоқлайдиган азизларим!

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

ШУКУҲ

КАСБ БАЙРАМИ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

Президентимиз ташаббуси билан бошланган “зарбдор 40 кунлик” кўчат экиш ойлигини халқимиз ниҳоятда кўтаринки руҳда, ҳамжиҳатликда ўтказди. Кекса-ю ёш, турли касб соҳиблари мазкур тадбирда фаол иштирок этди. Мана



шундай кўтаринки руҳда бахтимиз қомуси – Конституция байрамини кенг миқёсда нишонладик. 10 декабрда эса давлатимиз рамзларидан бири бўлмиш мадҳиямиз қабул қилинганлиги муносабати билан жойларда турли тадбирлар бўлиб ўтди.

Маълумки, “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ҳар йили декабрь ойининг иккинчи якшанбаси Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини сифатида кенг нишонланади. Мазкур сана муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида турли тантанали тадбирлар, ҳосил байрамлари ўтказилмоқда. Яъни байрамлар байрамларга уланмоқда.

Ана шундай тадбир Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлигида ҳам бўлиб ўтди. Тадбирда соҳа вакиллари касб байрамларини улкан меҳнат ютуқлари билан қарши олаётгани алоҳида эътироф этилди.

(Давоми 10-бетда.) ►►

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОИ

ПАХТА ХОМАШЁСИНИ ЕТИШТИРИШ ВА УНИНГ ЙИҒИМ-ТЕРИМ ХАРАЖАТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Пахта хомашёси етиштириш ва унинг йиғим-терим харажатларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, пахта хомашёси етиштирувчиларнинг манфаатдорлигини ошириш ҳамда маҳсулотни чуқур қайта ишлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. **2022 йил** ҳосилидан бошлаб пахта хомашёсини етиштиришни ва пахта йиғим-теримини **Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағларидан молиялаштиришнинг қуйидаги тартиби жорий этилсин:

а) пахта хомашёсини етиштириш ва пахта йиғим-теримини имтиёзли молиялаштириш пахта-тўқимачилик кластерлари ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликлари орқали амалга оширилади;

б) тижорат банклари томонидан Жамғарма ресурслари ҳисобидан қуйидагилар учун имтиёзли кредитлар ажратилади:

пахта-тўқимачилик кластерларига пахта етиштириш учун – пахта хомашёси қийматининг **60 фоизигача миқдорда йиллик 10 фоиз** (шундан, 2 фоизи банк маржаси) **ставкада 24 ойга, шу жумладан, 18 ойлик имтиёзли давр** ва **19-ойдан бошлаб** сўнги 6 ой давомида тенг улушларда қайтариш шarti билан;

Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликларига пахта хомашёси етиштириш учун – пахта хомашёси қийматининг **60 фоизигача миқдорда йиллик 10 фоиз** (шундан, 2 фоизи банк маржаси) **ставкада 14 ойга;**

пахта-тўқимачилик кластерлари ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликларига пахта йиғим-теримини молиялаштириш учун – пахта хомашёси қийматининг **20 фоизигача**

миқдорда йиллик **10 фоиз** (шундан, 2 фоизи банк маржаси) **ставкада 12 ойга, шу жумладан, 3 ойлик имтиёзли давр** билан.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра пахта-тўқимачилик кластерларига пахта хомашёси хариди бўйича якуний ҳисоб-китоб учун **12 ойгача муддатга миллий валютада ажратилган** тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, лекин **10 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун Жамғарма ҳисобидан компенсация тўланади**. Бунда, якуний ҳисоб-китоб учун ажратилган тижорат кредитлари бўйича компенсация харажатлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилади.

3. Белгилансинки:

2023 йил ҳосилидан бошлаб пахта-тўқимачилик кластерлари ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликларининг пахта ҳосилини етиштириш харажатларини молиялаштириш тегишли ҳосил йили учун олдинги йилнинг **1 октябридан бошланади;**

пахта хомашёсини етиштириш мақсадида пахта-тўқимачилик кластерларига ажратилган имтиёзли кредитлар пахта хомашёси етиштириш билан боғлиқ агротехник тадбирларни молиялаштириш учун фермер хўжаликларига йўналтирилади, бундан пахта-тўқимачилик кластерларига улар томонидан ижарага олинган қишлоқ хўжалиги ерларида пахта хомашёсини етиштириш учун ажратилган кредитлар мустасно;

пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан фермер хўжаликларига пахта хомашёси етиштириш учун олдиндан тўлов пул шаклида амалга оширилади. Бунда, олдиндан тўловни натура шаклида амалга оширишга йўл қўйилмайди;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

етиштирувчилар томонидан **минерал ўғит, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, техника ва техника хизматларига** (ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларидан ташқари) **оид масалалар, шу жумладан, уларни импорт қилишни мустақил ҳал қилинади**, бунга ҳар қандай тарзда аралаштириш тақиқланади.

4. Жамғарма томонидан ажратилган маблағлардан самарали фойдаланилиши ва кластерларнинг молиявий ҳолати устидан доимий мониторингни ташкил этиш мақсадида Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги мавжуд штат бирликларини қисқартириш ҳисобига **Жамғарма таркибида 5 штат бирлигидан иборат бўлим ташкил этилсин**.

Жамғармага ўзи томонидан ажратилган маблағлардан самарали фойдаланилишини **аудит ва бизнес консалтинг ташкилотларини шартнома асосида жалб қилган ҳолда аудитдан ўтказиш ҳуқуқи** берилсин.

5. Марказий банк, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар пакетини** Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

товар омборларига қўйиладиган талаблар, товар омборлари фаолиятини ташкил этиш ва сақлаш учун берилган мол-мулк бўйича томонлар мажбуриятининг бажарилишини таъминлаш тартиби, шунингдек, **қатъий ҳисобда турувчи омбор гувоҳномасига қўйиладиган талаблар;**

омборга сақлаш учун берилган мол-мулк миқдори, тури, сақлаш муддати ва бошқа маълумотларни акс эттирувчи **Омбор гувоҳномаси ягона реестрини** яратиш ҳамда унда

тадбиркорлик субъектлари, тижорат банклари ва давлат бошқаруви органлари ўртасида **электрон маълумот алмашинуви йўлга қўйиш**.

Тижорат банкларига мазкур банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган қонунчилик ҳужжатлари қабул қилингунга қадар, кредитлаш учун пахта-тўқимачилик кластерларининг **ип-калава захирасини, башарти ушбу захира қарз мажбуриятларидан ва гаровдан ҳоли бўлган тақдирда, гаровга олиш тавсия этилсин**. Бунда, гаровга қўйилган ип-калава захиралари гаровга олувчи тижорат банкининг розилиги асосида тасарруф этилади.

6. Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров ва молия вазири Т.А.Ишметов қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ тадбирларни узлуксиз молиялаштириш учун 2022 йилда Жамғармага Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан **5 триллион сўм беғараз молиявий ёрдам ҳамда Жамғарманинг асосланган ҳисоб-китобларига қўра 7,5 триллион сўмгача бюджет ссудаси** ажратили-

шини таъминласин.

7. Пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга бўлган пахта-тўқимачилик кластерларига **2021 йил ҳосили учун пахта хомашёсини етиштиришга** ажратилган имтиёзли кредитлар **2022 йил сентябрь ойдан бошлаб** 6 ой давомида тенг улушларда қайтарилиши белгилаб қўйилсин.

Бунда, Жамғарма ҳисобидан ушбу мақсадлар учун тижорат банкларига ажратилган ресурсларни қайтариш имтиёзли кредитларни қайтариш муддатига мутаносиб равишда узайтирилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

9. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

10. Молия вазирлиги Қишлоқ

хўжалиги вазирлиги билан бирга-ликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлашда **масъул ва шахсий жавобгар** этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, молия вазири Т.А.Ишметов белгилансин.

Мазкур қарор ижросини **ҳар чоракда** муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига **ҳар чорак якуни** бўйича ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,
2021 йил 10 ноябрь*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҒАЛЛА ЕТИШТИРИШ ВА СОТИШДА ЭРКИН РАҚОБАТНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш, ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш, ғалланинг керакли бўлган ҳажмидан ташқари давлат харидларидан тўлиқ воз кечиш ҳисобига инвестициявий жозибаторликни ошириш, ғалла донини биржа савдоларида чекловларсиз сотишга имкон яратиш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ғалла етиштириш ва сотишдаги инвестициявий жозибаторликни оширишга қаратилган қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

ички бозорни ғалла дони билан қафолатли таъминлаш мақсадида 2022 йилдан бошлаб республика ҳудудида экишга тавсия этилган буғдой навларини **хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ер-сув шароитларидан келиб чиққан ҳолда мустақил жойлаштириш**;

2022 – 2024 йилларда ғаллачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари етиштирган **ҳосилнинг ғалла экилган ҳар гектар суғориладиган майдон ҳисобидан республика бўйича ўртача 2,5 тоннадан буғдойни эркин биржа савдолари орқали, қолган қисмини тўғридан-тўғри шартнома-лар асосида эркин сотиш**;

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) кредит

ресурслари ҳисобидан ғалла етиштириш харажатларини қоплаш учун **имтиёзли кредитларни** ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликлари ва ғаллачилик кластерларига ажратиш;

ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари, Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликлари ва ғаллачилик кластерларига **кредит маблағларидан эркин фойдаланиш, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, ёқилғимойлаш маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги техникаларини тўғридан-тўғри харид қилиш ҳуқуқини бериш**.

2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан келишган ҳолда **календарь йилнинг 1 августига қадар буғдойнинг келгуси йил ҳосили учун кутилаётган индикатив нархи омавий ахборот воситалари орқали эълон қилинишини таъминласин.**

3. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси 2022 йил 1 январга қадар Жамғарма томонидан ички бозорда нарх барқарорлигини таъминлаш учун биржа савдоларидан буғдой сотиб олиш ва уни биржада сотиш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда:

Жамғарма номидан биржа савдоларида буғдой сотиб олувчи тижорат вакилини белгилаш ва танлаб олишнинг аниқ ва шаффоф мезонлари;

тижорат вакили танловида “Ўздонмахсулот” АК тизими корхоналари билан бир қаторда **худудларда донни қайта ишлаш фаолияти билан шуғулланаётган бошқа тадбиркорлик субъектларига** тенг шароит яратилиши;

тижорат вакили Жамғарма номидан харид қилинган **буғдой учун ўзининг бутун мол-мулки билан жавобгар эканлиги;**

тижорат вакили Жамғарма топшириғига асосан Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Миллий географик ахборот тизимида ер участкаларига бўлган ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтган ғаллачилик кластерлари ва фермерлардан **биржа орқали буғдой сотиб олиши;**

тижорат вакилининг буғдойни харид қилиш, сақлаш, табиий камайиш, ортиш, ташиш ва давлат захирасини янгилаш бўйича **харажатларини қоплаб бериш;**

ички бозорда дон нархлари барқарорлигини таъминлаш учун харид қилинган буғдойнинг Жамғарма томонидан биржа савдоларига чиқарилиши;

нархларни сақлаб туриш мақсадида буғдойни сотишдан олинган ижобий ва салбий фарқларни қоплаш тартиби

қўзда тутилсин.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси календарь йилнинг:

1 апрелига қадар эркин биржа савдоларига қўйиладиган буғдойнинг фермерлар, кластерлар ва туманлар кесимидаги тақсимотини ҳамда буғдойни сақлашга мос ёпиқ сиғимларга эга дон қабул қилувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг рўйхатини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

1 августига қадар етиштирилган буғдой миқдори ва ички бозорда буғдойга бўлган талабдан келиб чиқиб, зарур ҳолларда тендер савдолари орқали қўшимча буғдой харид қилиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиб борсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Ғаниев, қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоят ҳокимларининг календарь йилнинг май-август ойларида мулкчилик шаклидан қатъи назар, суғориладиган майдонларда ғалла етиштирувчи барча субъектлар томонидан ғалла экилган ҳар гектар майдон ҳисобига республика бўйича ўртача 2,5 тоннадан ғалланинг биржа савдоларига чиқарилишини таъминлаш учун шахсан масъуллиги белгилаб қўйилсин.

6. Давлат бошқаруви органлари, шу жумладан, барча даражадаги маҳаллий ҳокимликлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг:

а) бошоқли дон етиштиришда агротехник тадбирларни ўтказиш, моддий-техник ресурслар билан таъминлашга; ажратилган имтиёзли кредитлардан фойдаланиш йўналишларига;

буғдойни сотиш жараёнларига, шу жумладан, шартномалар тузишга, хўжаликларни дон тайёрлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи маълум корхоналарга бириктириш, республика ҳудудлари ўртасидаги ички ташувларга;

б) ғаллачилик кластерлари фаолиятига чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва бошқа йўналишларни қўшиш тўғрисида **қатъий аниқ таққиқланади.**

7. Иқтисодий тараққиёт ва

камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг:

2021 – 2022 йилларда “Ўздонмахсулот” АК тизимидаги дон корхоналарини ғаллачилик кластери ташкил этиш таклифини билдирган тадбиркорлик субъектларига сотиш учун баҳолаш ва фаолият йўналишини ўзгартирмаслик шартида очиқ савдоларга қўйиш;

“Ўздонмахсулот” АК тизимидаги дон корхоналарига тегишли 20 та уруғлик дон тайёрлаш цехларини ушбу корхоналарнинг солиқ ва Жамғарма олдидаги қарздорлигини (улар бўйича ҳисобланган пенялар, шунингдек, объектни ўтказиш натижасида юзага келадиган солиқларни ҳам инobatга олган ҳолда) объектнинг баҳоланган қиймати миқдорига камайтириш ҳисобига Уруғчиликни ривожлантириш марказига бериш ва тўлиқ модернизация қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Бунда, қарздорлик мавжуд бўлмаган ҳолларда объектлар “Ўздонмахсулот” АКдаги давлат улуши ва “Ўздонмахсулот” АКнинг дон корхоналаридаги улушини тегишинча камайтириш ҳисобига берилади.

8. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги “Ўздонмахсулот” АК тизимидаги корхоналар тадбиркорлик субъектларига сотилгандан сўнг, “Ўздонмахсулот” АКни белгиланган тартибда тугатиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 мартга қадар барча туманлар марказий деҳқон бозорларидаги буғдой ва бошқа асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархларини “on-line” тарзда кузатиш имконини берувчи электрон платформани ишга туширсин.

10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ой муддатда:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириладиган ерларни, шу жумладан, бошоқли доннинг экилиши, унинг

ривожланишини учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар) ёрдамида кузатиш ва мониторингини юритиш имконини берувчи электрон платформани ишга туширсин;

“Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойиҳалаш институти ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинларнинг вегетатив ҳолатини учувчисиз учиш аппаратлари ёрдамида кузатилишини йўлга қўйсин;

“Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойиҳалаш институтининг “Ер ахборот тизими” порталида қишлоқ хўжалиги экинларининг жойлаштирилиши, шу жумладан, такрорий ва тўқсонбости усулида етиштирилаётган экинлар тўғрисида маълумот берувчи электрон базани шакллантирсин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги билан биргаликда бошоқли дон етиштириладиган майдонларда зараркунандалар ва касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида тизимли кузатувни ташкил этсин, хўжаликлар томонидан экинларни ҳимоя қилиш ишлари ўз вақтида бажарилишини назоратга олсин.

Фавқулдда ҳолатларда ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан экинларни ҳимоя қилиш таъминлансин.

12. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари экинларни жойлаштириш бўйича белгиланган кўрсаткичларнинг хўжаликлар томонидан бажарилиши юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

13. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ҳафта муддатда **ғалла етиштириш ва сотишда бозор таъминларини жорий этиш жараёнида амалга ошириладиган ишлар бўйича “Йўл харитасини”**ни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Бошоқли дон етиштириш, сотиш ва буғдой нархининг шаклланиши бўйича **мазкур қарор билан ўрнатилган тартибни** Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, вазирлик ва идораларнинг ҳужжатлари билан **вақтинчалик тўхтатиб ту-**

риш ёки қайта кўриб чиқиш қатъиян ман этилсин.

15. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев, молия вазири Т.А. Ишметов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоят ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини **муҳокама қилиб бориш**, ижро учун масъул идоралар фаолиятини **мувофиқлаштириш ва назорат қилиш** Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 15 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИКДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ УЛУШИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва соҳага бозор механизмларини жорий этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда республикамызда етиштирилаётган **80 турдан** ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари дунёнинг **66 та** мамлакатига экспорт қилинмоқда. Бунда, мева-сабзавотлар ва дуккакли маҳсулотларнинг экспорт ҳажми **2016 йилдан 2021 йилга қадар қарийб 2 баробарга** ошган.

Шу билан бирга, пахта ва ғалладан қисқартирилаётган ер майдонларида боғдорчилик, узумчилик, полиз ва сабзавотчилик, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш соҳасида экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экишни кўпайтириш, шунингдек, аҳолининг кенг қатламларини жалб қилиш орқали ушбу ерлардан самарали фойдаланиш тизимини яратиш эвазига тармоқда қўшимча ўсишга эришишда илмий асосланган ёндашув ва ўрганишларни инобатга олиш тақозо этилмоқда.

Жумладан, ҳисоб-китобларга кўра **1 гектар** майдонда етиштирилган пахта хомашёсига нисбатан **узумдан 7 баравар, гилосдан 6 баравар, ёнғоқдан 5 баравар** кўп даромад олиш ҳамда ушбу ерларда оилавий тадбиркорлик доирасида кичик интенсив боғдорчилик, узумчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчилик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали **“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”** ва **“Ёшлар дафтари”** да рўйхатда турган эҳтиёжманд оила-

ларнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш бўйича катта имконият мавжуд.

Аҳолининг даромад топишга қаратилган тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳолига аграр тармоқда ўз бизнесини ташкил этишга кўмаклашиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда деҳқон хўжалиklarининг улушини ошириш ва қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги паст ҳосилли пахта ва ғалладан қисқартирилган **200 минг гектар** экин майдонларини 2022-2025 йилларда 1–1.13-иловаларга мувофиқ босқичма-босқич захирага қайтариш;

захирага қайтарилган ер майдонларини деҳқон хўжалиги ташкил этган ҳолда сабзавотчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш каби лойиҳаларни амалга ошириш **учун фуқароларга 0,10 гектардан 1 гектаргача бўлган ўлчамларда** очиқ электрон танлов орқали 10 йилга ижарага бериш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

қишлоқ хўжалиги мақсадлари, шу жумладан, деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаларини ижарага бериш бўйича материалларни тўплаш, кўриб чиқиш, уларни ваколатли органлар ва ташкилотлар билан келишиш **“Е-IJARA” ахборот тизими** орқали амалга оширилади;

қишлоқ хўжалиги мақсадлари, шу жумладан, деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкалари **“Е-AUKSION” электрон савдо платформасида** очиқ электрон танлов ўтказиш орқали ижарага берилади, бундан Ер кодексига мувофиқ ер участкаларини Вазирлар Маҳкамаси томонидан ижарага бериш ҳоллари мустасно;

деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкаларини очиқ электрон танлов орқали ижарага беришда ўз томорқасида мева-сабзавотчилик,

полиз маҳсулотларини етиштириш ва узумчиликда **яхши натижаларга эришган**, ушбу соҳалардан бирида **таянч мутахассисликка** эга бўлган фуқароларга, **“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”**да рўйхатда турган эҳтиёжманд оилаларга алоҳида устуворлик берилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) ва Кадастр агентлиги (Ф.К.Умаров) билан биргаликда:

2021 йил 31 декабрга қадар туманлар (шаҳарлар) ҳисобидаги бўш турган ва захирадаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилишини;

мазкур қарорга 1–1.13-иловаларда кўрсатилган ер майдонлари **тегишли йилдаги ҳосил йиғиб олинган кейин** туман (шаҳар) ҳокимликларининг захирасига белгиланган тартибда қайтарилиши ва давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилишини;

захирага олинган ер участкаларини давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари туман (шаҳар) ҳокимликлари буюртмасига асосан амалга оширилишини ҳамда туман (шаҳар) маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини;

давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ер майдонларининг 0,10 гектардан 1,0 гектаргача бўлган ҳажмларда лотларга ажратилиб, бир ой ичида очиқ электрон танловга қўйилишини;

ер тўғрисидаги қонунчилик ва ижара шартномаси талаблари бажарилмаганда, жумладан, ижарага берилган ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганда ерга бўлган ҳуқуқ Ер кодекси ва “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонунга асосан бекор қилиниши ҳақида деҳқон хўжаликлари орасида тушунтириш ишлари олиб борилишини таъминласин.

Мазкур топшириқ ижросини ўз вақтида таъминламаган туман (шаҳар) ҳокимлари қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда:

Деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаларини ижарага беришнинг маъмурий регламенти;

Юридик шахсларга қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини ижарага беришнинг маъмурий регламенти;

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

5. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Ҳ.Шерматов) билан биргаликда бир ой муддатда **“Е-IJARA”** ахборот тизимини ишга туширсин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж.Ортиқов) **“Е-AUKSION”** электрон савдо платформасида очиқ электрон танловларни ташкил этиш учун зарур техник имкониятларни яратсин.

6. **“Е-IJARA”** ахборот тизимига интеграция қилиш орқали идораларо электрон маълумотлар алмашинуви йўлга қўйиладиган вазирлик ва идоралар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж.Ортиқов) билан биргаликда бир ҳафта муддатда мазкур қарорга 2-иловада кўрсатилган вазирлик ва идоралар ўртасида тегишли маълумотларни алмашиш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниев, қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари:

ер участкалари ажратилган деҳқон хўжаликлари томонидан боғ ва экинларнинг ўз муддатида экилиши ва парвариш қилинишига кўмаклашиш бўйича ишларни **манзилли ташкил этсин**;

ажратилган ер майдонларининг тупроқ шароити, ер балл бонитети, сув билан таъминланганлик даражаси, ҳудуд аҳолисининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда **“Бир ҳудуд – бир маҳсулот”** тамойили асосида маҳсулот етиштиришга асосий эътибор қаратсин;

ер майдонларида зарур агротехник тадбирларни бажариш, ўғит ва сув

билан таъминлаш, инфратузилма объектларини яратиш учун зарур шарт-шароитларни яратсин;

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (И.К.Эргашев) билан биргаликда ер майдонларида зараркунандалар ҳамда касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида тизимли кузатувларни ташкил этиб, деҳқон хўжалиқларига боғ ва экинларни ҳимоя қилиш ишларини ўз вақтида бажаришда амалий ёрдам кўрсатсин;

деҳқон хўжалиқлари билан агро-саноат кластерлари, тайёрлов, қайта ишлаш ва экспорт қилувчи корхоналар (кейинги ўринларда – тадбиркорлик субъектлари) ўртасида кооперация алоқаларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратсин;

деҳқон хўжалиқлари ва улар билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектлари ўртасида уруғлик, кўчат, минерал ўғит ва кимёвий воситалар етказиб бериш, зарурий агротехник хизматлар кўрсатиш ишларини ташкил этишда шартномавий муносабатларни ривожлантиришга қўмаклашсин;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишнинг барча босқичларини қамраб олган кичик агрологистика марказлари фаолиятини йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) билан биргаликда Халқаро молия институтларидан жалб қилинган қарзнинг **100 миллион АҚШ доллари эквиваленти** миқдоридagi маблағларни тижорат банкларига миллий валютада 3 йил имтиёзли давр билан 10 йил муддатга йиллик 10 фоиз ставкада жойлаштирсин.

Белгилаб қўйилсинки, тижорат банкларига жойлаштирилган маблағлар мазкур қарорга асосан ажратиладиган кредитлар бўйича гаров таъминоти сифатида қабул қилинади.

9. Кредит маблағлари “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури шартлари асосида тижорат банклари томонидан **деҳқон ва фермер хўжалиқлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи бошқа корхоналарга** ер майдонида кичик интенсив боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчиликни ривожлантириш, полиз, дуккакли, мойли экинлар ва картошка етиштириш учун қуйидаги шартларда

тақдим этилиши белгилансин:

ҳар бир лойиҳа миллий валютада 100 миллион сўмдан ошмаган миқдорда йиллик 14 фоиз ставкада молиялаштирилади;

кредитлар **кичик интенсив боғдорчилик ва узумчиликка** 3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилдан кўп бўлмаган муддатга, **полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчиликка** 6 ойгача имтиёзли давр билан 2 йилгача муддатга ажратилади;

кредит таъминоти сифатида кредитнинг қайтмаслик хатаридан суғурта қилиш полиси тақдим этилади;

кредитлар деҳқон хўжалиқларига янги жорий этилаётган ҳоким ёрдамчиларининг ёзма тавсиясига асосан ажратилади.

10. Белгилансинки, мазкур қарорга асосан **ажратиладиган кредит маблағлари** унинг белгиланган умумий миқдори (100 миллион сўм) доирасида кредит олувчилар томонидан ўз бизнес-режалари асосида, шу жумладан:

ижарага олинган ёки ўз эгалигида бўлган ер майдонида мазкур қарор билан белгиланган йўналишдаги лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Агросервис оператор” ДУК ёки бошқа салоҳиятли ихтисослашган ташкилот билан тузилган шартномаларга мувофиқ **“тайёр ҳолда” топшириш** тамойили асосида бажарилган ишларга ҳақ тўлаш учун;

кичик интенсив боғдорчилик, узумчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчиликда **сув тежайдиган технологияларни** жорий қилиш, сифатли кўчатлар, уруғликлар, минерал ўғитлар, кимёвий ва биологик препаратлар, қишлоқ хўжалиги техникалари (экиш сеялқалари, ишлов бериш ва йиғиб олиш агрегатлари) харид қилиш учун;

олинган кредитнинг қайтмаслик хатаридан суғурта қилиш бўйича **суғурта мукофоти** тўловини амалга ошириш учун фойдаланилиши мумкин.

11. Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж.Ортиқов) тижорат банкларига “E-AUKSION” ахборот тизими орқали ижарага берилган ер майдони, танлов ғолибининг лойиҳа бўйича олган мажбуриятлари тўғрисидаги

маълумотларни текшириш учун техник имкониятлар яратилишини таъминласин.

12. **Деҳқон хўжалиқлари учун қисқа муддатли интенсив ўқув курсларини ташкил этиш бўйича республика ишчи гуруҳи** (кейинги ўринларда – Республика ишчи гуруҳи) тузилсин ва унинг таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кичик интенсив боғдорчилик, узумчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчилик йўналишларида, шунингдек, очиқ электрон танловда иштирок этиш бўйича малакали тренер-консультантларни тайёрлаб, улар ёрдамида деҳқон хўжалиқлари учун қисқа муддатли интенсив ўқув курсларини ташкил этиш Республика ишчи гуруҳининг асосий вазифаси ҳисоблансин.

Республика ишчи гуруҳи (Ж.А.Ходжаев) Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

йигирма кун муддатда ҳар бир ҳудуд учун камида 10 нафардан малакали тренер-консультантларни тайёрлаш бўйича дастур ва уларни танлаб олишга доир талабларни ишлаб чиқсин;

бир ой муддатда деҳқон хўжалиқлари учун **қисқа муддатли интенсив ўқув курсларини** ташкил этиш дастурини ишлаб чиқсин ва ҳар бир туманда режа-график асосида ушбу ўқув курсларининг ташкил этилишини таъминласин;

қишлоқ хўжалигидаги янги илмий ёндашувлар, мавжуд халқаро тажриба ва деҳқон хўжалиқларининг фаолиятини ўрганиш натижасида аниқланаётган масалаларни инobatга олган ҳолда, уларга яқиндан, шу жумладан, Интернет тармоғи орқали **доимий тарзда маслаҳат бериб бориш** тизимини йўлга қўйсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги “Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5200-сон қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этилган узумчиликни ривожлантириш бўйича доимий лойиҳа офислари **Интенсив боғдорчилик, узумчилик ва**

сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича доимий лойиҳа офислари (кейинги ўринларда – лойиҳа офислари) деб қайта номлансин.

Белгилансинки:

лойиҳа офисларининг боғдорчилик ва сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича фаолияти **Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги** томонидан бошқарилади;

ҳар бир лойиҳа офисига Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан боғдорчилик ва сабзавотчилик ривожланган давлатлардан малакали мутахассислар жалб қилинади.

Лойиҳа офисларига **қуйидаги қўшимча вазифалар** юклатилсин:

интенсив усулда, шу жумладан, кластер ва кооперация усулида боғлар, сабзавотчилик майдонларини ташкил этиш;

ажратиладиган ер майдонларида ташаббускорлар томонидан интенсив боғлар, сабзавотчилик майдонлари барпо этилишини мониторинг қилиш ҳамда кўчатларни экиш бўйича тавсиялар бериш;

интенсив боғлар барпо этишга яроқли ер участкаларини танлаш, уларнинг очиқ электрон танловга чиқарилишини ташкил этиш;

интенсив боғлар ва сабзавотчилик майдонларига кўчатлар, минерал ўғитлар етказиб бериш, агрохизматлар кўрсатиш, маҳсулотни сотишни ташкил этишга кўмаклашиш.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда мавжуд штатлар доирасида Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг ҳудудий бўлимларини очиш бўйича қарор лойиҳасини киритсин.

14. Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д.Кудбиев), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б.Хусанов) янги жорий этиладиган ҳоким ёрдамчилари билан бирга мазкур қарор доирасида ажратилган ер участкалари, кредит ресурслари ҳисобига доимий ва барқарор даромад манбаига эга бўлган фуқароларга қонунчиликда белгиланган тартибда ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтишда кўмаклашсин.

15. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) суғурта компаниялари ва тижорат банклари билан биргаликда икки ой муддатда:

қишлоқ хўжалиги соҳасида халқаро суғурта амалиётидан келиб чиқиб, суғурта ташкилоти томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича кредит қайтмаслик хатарини келтириб чиқарувчи барча иқтисодий тенденциялар, бошқарув ва табиат таъсири билан боғлиқ омилларни қамраб олинishi, ушбу омилларни тўлиқ мониторинг қилиш ҳамда мазкур кредитлар бўйича **суғурта ҳодисаси рўй берганда тижорат банкларининг биринчи талабига мувофиқ** мавжуд қарздорлик (жумладан, ҳосил олинмаган давр учун мавсумий қарздорлик) тўлаб берилишини назарда тутувчи соддалаштирилган тартибини;

мазкур қарор билан белгиланган йўналишларда ажратилган кредитлар бўйича суғурта қопламалари (товонлари) тўланиши натижасида уларнинг умумий миқдори суғурта компанияси ўз капиталининг муайян миқдоридан ошган тақдирда, суғурта компаниясининг зарарини Молия вазирлиги томонидан Давлат бюджети маблағлари ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қоплаб бериш механизмининг жорий этиш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

16. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (А.Х.Қўлдошев) билан биргаликда ҳудудларга чиққан ҳолда деҳқон хўжаликларига ажратиладиган ерларга табиий ва техноген офатларнинг эҳтимолий таъсирларини аниқлаш ҳамда ушбу таъсирларни юмшатиш юзасидан фавқулодда ҳаракатлар режасини тасдиқласин ҳамда фавқулодда ҳолатларда экинларни ҳимоя қилиш чораларини кўрсин.

17. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л.Ш.Кудратов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев):

ички ва ташқи бозорларни доимий равишда ўрганиб борган ҳолда барқарор талабга эга бўлган маҳсулотларнинг рўйхати ва ҳажми юзасидан маълумотлар базасини шакллантириш, ҳар ойда янгилаб бориш ҳамда ушбу маълумотларни оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғидан кенг фойдаланган ҳолда аҳолига мунтазам равишда етказиб бориш;

ҳудудларда деҳқон хўжаликлари томонидан ўзи етиштирган маҳсулотини қайта ишлаш истагида бўлган ои-

лаларга харидорғир маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун замонавий мини-технология ва бошқа ускуналарнинг тақдимотларини ўтказиш ва сотиб олишга кўмаклашиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

18. Давлат статистика қўмитаси (Б.А.Бегалов) 2020 йилдан бошлаб “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турган эҳтиёжманд оилаларга очиқ электрон танлов асосида ижарага берилган ер участкаларида етиштирилган маҳсулотлар ҳақидаги маълумотларнинг **расмий статистика ҳисоботларида** тўлиқ акс эттирилишини таъминласин.

19. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) икки ой муддатда:

очиқ электрон танлов асосида ажратилган ерларда **амалга ошириладиган лойиҳаларни комплекс мониторинг қилиш**, шу жумладан, ажратилган ер майдонининг ҳолати, зарур агротехник тадбирлар, экинларни ҳимоя қилиш ва ўғитлаш ишларининг ўтказилиши, маҳаллий ҳокимлик томонидан зарур инфратузилма билан таъминланганлиги, ер балл бонитети, экиладиган маҳсулотнинг униб чиқиши, ҳосилдорлик, табиат омиллари таъсири ва бошқа индикаторларга асосан ижарачиларни таснифлаш (“яхши”, “ўрта”, “ёмон”) тартибини назарда тутган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинлари мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги қарор лойиҳасини;

қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

20. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, молия вазири Т.А.Ишметов, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари И.И.Норқулов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосарлари Ш.М.Ғаниев ва Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2021 йил 23 ноябрь.

◀ (Давоми. Бошланиши 2-бетда).



Ҳақиқатан ҳам жорий йилда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги натижалар кўнгилларни қувонтиради. Президентимизнинг Қишлоқ хўжалиги ходимларига йўллаган табригида қайд этилганидек, бу йил республикамиз бўйича 20 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот, 7,4 миллион тоннага яқин дон, 3,4 миллион тоннадан зиёд пахта хомашёси, 23 минг тонна пилла, 2,6 миллион тонна гўшт, 11 миллион тоннадан ортиқ сут маҳсулотлари, 8,3 миллиард дона тухум, 400 минг тонна балиқ етиштирилди. Мазкур рақамлар замирида аграр соҳанинг барча тармоқлари ходимларининг йил – 12 ой қилган заҳматли меҳнати мужассамдир.

Байрам муносабати билан аграр соҳанинг бир гуруҳ илғор ходимлари «Қишлоқ хўжалиги фидойиси» кўкрак ни-

шони билан тақдирландилар. Эътиборлиси мукофотланганлар орасида қишлоқ хўжалиги равнақиға ўз хиссасини қўшган республика миқёсидаги Сув хўжалиги вазирлиги, «Agrobank» АТБ, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Фанлар Академияси каби кўплаб ташкилот ва муассасалар ходимлари, журналистлар ҳам бор.

– Бугунги тадбир қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг касб байрамларига бағишланган дастлабки дебчасидир, – дейди Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Шухрат Тешаев. – Мана шу байрамона кайфият билан соҳа меҳнаткашлари, халқимиз бу айёмни барча вилоятлар ва туманларда ҳосил байрамлари кўринишида кенг нишонланмоқда. Жойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркалари, кўпқари-улоқ, спорт мусобақалари каби турли-туман кўнгилочар тадбирлар ташкил этилмоқда.

– Бу мукофот менинг кўп йиллик меҳнатларим эътирофи эканлигидан кўнглим тоғдай кўтарилди, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, «Қишлоқ хўжалиги фидойиси» кўкрак нишони соҳиби Қаландар Бобобеков. – Бир қадар ёшардим, кучимга куч қўшилгандек бўлди. Ўзимдаги бор билим ва тажрибаларимни соҳага энди кириб келаётган ёшларга ўргатишдан асло толмайман.

Барча вилоятларда ҳам аграр соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ ҳамюртларимизга «Қишлоқ хўжалиги фидойиси» кўкрак нишони топширилди.

Байрам муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг буйруғига асосан мамлакатимиз сув хўжалиги тизими ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ юртдошларимиз «Сув хўжалиги аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Сув хўжалиги вазирлигида соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган раҳбар-мутахассисларга ушбу кўкрак нишонини топшириш маросими бўлиб ўтди.



Тадбирда таъкидландики, жорий йилда юзага келган сув танқислиги вазиятида сувчиларимиз вегетация мавсумини муваффақиятли яқунладилар. Жумладан, бу йил 511,7 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар қўлланилди, 170,0 минг гектар суғориладиган майдоннинг сув таъ-

миноти яхшиланди, 140,0 минг гектар майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, шўрланган майдонлар эса 10,4 минг гектарга қисқарди, 198,1 минг гектар ер майдонлари қайта фойдаланишга киритилди.

Бундан ташқари, хорижий инвестиция маблағлари ҳисобидан 126,02 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди, сув хўжалиги объектларига ўрнатилган «Ақлли сув» қурилмаси жами 2 786 тага, насос станциясига ўрнатилган сувни онлайн назорат қилиш қурилмаси 392 тага, мелиоратив кузатув қудуғига ўрнатилган ер ости сувларининг минераллашганлик даражасини онлайн назорат қилиш қурилмаси 1 727 тага, автоматлаштирилган йирик сув хўжалиги объектлари сони 20 тага етказилди.

2021 йил суғориш мавсумида сув ресурсларини самарали бошқариш, сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ва бошқа чора-тадбирлар ҳисобидан охириги 3 йилликка нисбатан жами 8 млрд. м³ сув тежалди.

– Менинг кўп йиллик меҳнатларим эътироф этилиб, мазкур кўкрак нишони билан тақдирланганим, келгусида янада ғайрат билан ишлашимга мотивация берди, – дейди Сув хўжалиги вазирлиги ташкилий-назорат бошқармаси бошлиғи Муҳаммад Ибрагимов. – Элу юрт манфаати йўлида қилаётган меҳнатинг эътирофи кишига ўзгача кайфият бағишлар экан...

Байрам тадбирлари бутун мамлакат бўйлаб давом этмоқда.

Ўз мухбиримиз.





ШУ ЮРТ, ШУ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ

Дунёда аёл бор экан, ҳаёт бардавом, меҳр-муҳаббат яшайди. Юртимиз тарихида Тўмарис, Бибихоним, Увайсий, Нодирабегим каби қўплаб буюк ва жасоратли аёллар ўтганки, уларни ҳали-ҳануз авлодларимиз меҳр ва эъзоз билан ёдга олади. Айни кунларда ҳам шундай азиз онахонларимиз бор. Улар сизу биз билан бир ҳаводан нафас олиб, умргузаронлик қилмоқда. Шундай азиз инсонлардан бири Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги “Нурлиобод” фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Лолахон Муродовадир.

— Ўтган асрнинг 70-йилларида отам Неъматжон Муродов билан механизатор вазифасида иш бошлаганман. Сўнг бригадир, ширкат хўжалиги раиси лавозимларида ишладим. Меҳнатдан қочмадим. 2004 йили фермер хўжалигимиз ташкил бўлди. Кўплаб танишларим “Лола, бу ерлар Марказий Фарғона чўлининг қоқ ўртасида жойлашган, қум ва барханлар орасида нима қиласан”, дейишди. Ҳатто менга кўшни бўлиб ер олганларнинг айримлари кетиб қолишди. Меҳнат инсонни тоблайтиди. Мана, қарийб 400 гектар

экин майдонида меҳнат қиламиз. Ерга берилган эътибор йил давомида икки баробар бўлиб эгасига қайтади. Қани захкаш, қумдан иборат бўлган ер? Жорий йилда ҳар гектар экин майдонидан 55-60 центнердан ғалла, 45 центнердан пахта йиғиб олишга муваффақ бўлдик. Бу нафақат давлатнинг, балки ишчиларимизнинг, жумладан, менинг ҳам оморларимизга ғалла, сандиқларимизга маблағ кирганидан далолат. Дунёда жуда кўплаб давлатлар, миллатлар бор. Уларнинг барчаси ўз дини, эътиқоди,

менталитетидан келиб чиқиб байрамлар уюштиради. Лекин маълум санани “Қишлоқ хўжалик ходимлари куни” сифатида нишонлаш камдан-кам давлатда жорий этилган. Бунинг учун, албатта, Президентимиздан миннатдоримиз. Давлатимиз раҳбарининг бу эътиборига лойиқ жавоб қайтариш – шу соҳадаги ҳар бир ходимнинг бурчи деб биламан. Барча ҳамкасбларимизга байрам муборак бўлсин!

Лолахон Муродова,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

ХАЙРЛИ ИШЛАР ЙЎЛИДА

Қадимда Турон, Туркистон деб аталиб келинган масканларимиз, ҳозирги Ўзбекистон аталмиш юртимиз халқларининг аксарият қисми азалу аввалдан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган, бу касбларнинг сир-асрорларини яхши билган.

Қойил қолган жойим шундаки, Бухоро амирлигида бугуннинг ҳозирда сизу биз кўп тилга оладиган қаттиқ ва юмшоқ, тезпишар ва тегирмонбоп 10 хил тури етиштирилган. Ранги кўзни қамаштирадиган қоракўл терилари, улардан тикилган чиройли уст-бошлар, ҳам басавлат, ҳам тезкор, ҳам кучли қорабайир от зоти, пахта ва ипак матолар билан шарқда машҳур бўлган.

Лекин тарихнинг етмиш йиллик чарчалаги туфайли Ўрта Осиё республикалари фақат пахта етиштирадиган ҳудудларга айлантирилиб, кўзимиз, тилимиз ва қорнимизни “Саратов уни”, “Беларус картошкаси”, “Австралия гўшти”, “Украина оқ қанди” га ўргатдилар.

Хайриятки, кейинги беш-олти йил ичида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ўтган етти ўн йилликда ҳеч кимнинг қўлидан келмаган, ҳаттоки, ҳеч кимнинг эсига ҳам келмаган оламшумул ўзгаришлар рўй берди. Шулардан биттаси қишлоқ хўжалигида пахта-тўқимачилик, ғаллачилик, шолчилик, мева-сабза-

вотчилик ва бошқа йўналишлар бўйича кластерларнинг ташкил этилиши бўлди.

Кластерларда хомашё етиштиш, уни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот шаклига келтириб сотиш бир қўлга ўтди.

Бунинг замирида селекционер ва технолог олимлар, агроном энтомолог, “ақлли” мироб, муҳандислар ва мутахассисларнинг ягона мақсад сари интилишлари ётади.

Эндиликда селекционерлар ҳосилдорлик, касалликларга чидамлик кўрсаткичларини сақлаб қолган ҳолда толаси пишиқ, мустаҳкам ғўза навлари, клейковина миқдори юқори бугдой, шаффофлиги серҳосил шולי навларини яратишга ўтишлари керак. Чунки тола пишиқ бўлса, узилмайдиган ип чиқади ва сифатли мато тўқилади. Клейковинаси талаб даражасидаги бугдой унидан қилинган хамир тандирда оқиб кетмайди, ялтироқ шолдан тоза ошбоп гуруч чиқади.

Кластерда ҳаммага иш топилади. Агроном-энтомологлар ўсимликларни



касалга чалинтирмай, зараркунандаларга егизмай етиштириш, мироблар сув тежовчи технологияларни янада кенг жорий этиш, механизатор-олимлар якуний маҳсулот сифатини оширишга қаратилган машиналашган тадбирларни амалга ошириш чораларини кўрмоқлиги зарур.

Хуллас, биз – қишлоқ хўжалиги ходимларининг қиладиган ишларимиз кўп. Энг муҳими, уларнинг ҳаммаси озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришдек хайрлидир.

Соҳа меҳнаткашларини касб байрамлари билан табриклайман.

Мухаммад ТОШБОЛТАЕВ,
профессор,

“Фидокорона хизматлари учун”,
“Меҳнат шуҳрати” орденлари соҳиби.



Барча юртдошларимизни, дала меҳнаткашларини, деҳқон ва фермерларни, сувчи ва миробларни, Конституция байрами ҳамда Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни билан самимий муборакбод этаман!

Байрам муборак, азизлар! Ватан равнақи, эл-юрт фаровонлиги, дастурхонларимиз тўкин ва файзли бўлиши йўлида қўшаётган ҳиссангиз янада баракали бўлсин!

Рашида ЁДГОРОВА,
Жиззах вилояти Арнасой туманидаги
“Сангзор” фермер хўжалиги раҳбари,
“Дўстлик” ва “Эл-юрт хурмати”
орденлари соҳибаси.



СУВ ХЎЖАЛИГИ:

ТЕЖАМКОРЛИК БОШ МЕЗОН

Яқинда Сув хўжалиги вазирлигида матбуот анжумани ўтказилди. Унда оммавий ахборот воситалари вакилларига соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Сув хўжалиги вазири Шавкат Хамраевнинг таъкидлашича, 2019–2021 йилларда соҳани ислоҳ қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та Фармони ва 3 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 4 та қарори қабул қилинди.

741,8 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар, жумладан, 266,2 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш, 204,0 минг гектар эгиловчан қувур орқали суғориш, 10,6 минг гектар дискрет суғориш, 13,4 минг гектар майдонда ёмғирлатиб ва 61,7 минг гектар эгатка плёнка тўшаб суғориш технологиялари жорий қилинди ва 185,8 минг гектар майдон лазер ускуналар билан текисланди, янги технология жорий қилинган майдонлар ҳажми 2018 йилга нисбатан 9,2 бараварга кенгайди.

865 та ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари доирасида жами 3,2 трлн. сўм капитал маблағлар ўзлаштирилди, 552 та объект фойдаланишга топширилди ва 906,0 минг гектар суғориладиган майдоннинг сув таъминоти яхшиланди.



420 та лойиҳа бўйича мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш лойиҳалари доирасида жами 928,3 млрд. сўм капитал маблағлари ўзлаштирилиши ҳисобига 347 та объект фойдаланишга топширилди, 681,0 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, шурланган майдонлар эса 60,8 минг гектарга қисқарди.

334,5 минг гектар ер майдонлари, жумладан, 188,7 минг гектар фойдаланишдан чиққан ҳамда 145,8 минг гектар лалми ва яйлов ерлар қайта фойдаланишга киритилди.

16,7 минг км. ирригация тизими каналлари, улардаги 17,5 минг дона гидроиншоот ва 16,8 минг та гидропост эксплуатация маблағлари ҳисобидан таъмирланди ва 842,0 минг гектар суғориладиган майдоннинг сув таъминоти яхшиланди.

Насос станцияларидаги ўз муддатини ўтаган 502 та насос ва 690 та электродвигателлар энергоресурс тежамкорига алмаштирилди, электр энергия истеъмоли 2019 йилда 7,4 млрд. кВт./соат, 2020 йилда 7,2 млрд. кВт./соат, 2021 йилда 7,17 млрд. кВт./соатни ташкил этиб, 2018 йилга (8,0 млрд. кВт./соат) нисбатан 830,0 млн. кВт./соат кам истеъмол қилинишига эришилди.

Сув хўжалиги объектларида жами 5 129 та замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ўрнатилди. 2 993 та “Ақлли



сув” қурилмаси, 374 та насос станциясига сувни онлайн назорат қилиш қурилмаси, 1 735 та мелиоратив қузатув қудуғига ерости сувларининг минераллашганлик даражасини онлайн назорат қилиш қурилмаси ўрнатилди ҳамда 27 та сув хўжалиги объекти автоматлаштирилди. Натижада, сув ресурсларини бошқариш ва сувнинг ҳисобини онлайн юритиш тизими яратилди.

Барча ахборот тизимларини ўзида қамраб олган 5 та модулдан иборат “Вазиятлар маркази” ахборот тизими, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга субсидиялар ажратиш бўйича “subsiya.agro.uz”, “Tomchi” ва “Smart Water” мобил иловалари ишлаб чиқилди.

Ўтган 3 йил давомида ҳар йили ўртача 52 млрд. 597 млн. кубометр сув, шундан 4 млрд. 631 млн. кубометри саноат-техник эҳтиёжлар учун, 43 млрд. 452 млн. кубометри қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун етказиб берилди. 2021 йил суғориш мавсуми давомида сув ресурсларини самарали бошқариш, сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ҳисобидан жами 8 млрд. м³ сув тежалишига эришилди.

Сув хўжалиги соҳасида мутахассислар ва раҳбар кадрлар малакасини оширишнинг мутлақо янги тизими яратилди ва 5200 нафар раҳбар-ҳодимларнинг малакаси оширилди. 1 400 нафардан ортиқ сув хўжалиги бўйича олий маълумотли битирувчилар мутахассисликлари бўйича сув хўжалиги ташкилотларига ишга қабул қилинди ва соҳада олий маълумотли мутахассис кадрлар улуши 38 фоиздан 46 фоизга етди.

Марказий Осиё мамлакатлари билан трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон давлатлари билан сув хўжалиги масалалари бўйича гуруҳлар тузилди ва 12 та халқаро ҳужжат имзоланиб, сув хўжалиги соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича масалаларни самарали ҳал этиш механизмлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган Концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021–2023 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинган бўлиб, мазкур ҳужжатлар асосида соҳада изчил ислохотлар ўтказилаяпти. Бунда ирригация тармоқларидаги сув йўқотишларини камайтириш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сув тежовчи технологияларни жорий этишни кенгайтириш, рақамли технологияларни жорий этиш ва сув иншоотларини автоматлаштириш, кадрлар малакасини ошириш каби жиҳатларга эътибор қаратилмоқда.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Улугбек Мамажонов,
ўз мухбиримиз

ЧЎПОННИНГ БУГУНИ ВА ЭРТАСИ



Мустақиллик чин маънода юртимизга фойз ва барака олиб келди. Мамлакатимиз бўйлаб барча соҳаларда истоҳотларнинг амалга ошириб борилиши эса халқимиз дастурхони тўкинлигини, юртимизнинг фаровонлигини таъминламоқда.

Жорий йил мустақиллик байрами арафасида Президентимиз фармонида биноан кўплаб соҳа вакиллари орден ва медаллар билан тақдирланди. Улар орасида поплик чўпон йигит Самандар Тўйчиев ҳам бор. У “Шухрат” медалига сазавор бўлди. Дарҳақиқат, оддий чўпоннинг давлатимиз раҳбари эътиборидан четда қолмаганлигининг ўзи таҳсинга сазавор.

Самандар билан учрашиш ва унинг хурсандчилигига шерик бўлиш мақсадида Поп тумани сари йўлга отландик. Бизни туман чорва-насл бўлими бошлиғи Ботиржон Эргашев кутиб олди. Биргаликда кўхна тоғлар бағрида жойлашган қадим Чоркесар қишлоғига йўл олдик. Ҳа, айтганча, бу қишлоқ одамлари жуда тадбиркор, касаначилик, чорвачилик билан азалдан шуғулланиб келади. Бизни ёш бўлишига қарамай, анчагина сўзамол йигит кутиб олди. У “Шухрат” медали соҳиби Самандар экан. Биз ундан ўзи ҳақида сўзлаб беришини сўрадик.

— 1985 йили шу қишлоқда туғилганман. Болалигимда отам Рўзимбой Тўйчиевнинг шахсий чорвалари бўларди. У кишининг ортидан юриб, чорванинг тошдан қаттиқ туёғини кўриб, катта бўлдим. Ўрта мактабни тамомладим-да, дарҳол отамнинг таёқларини қўлга олиб, чорва бош сонини кўпайтириш устида бош қотирдим. 2018 йили давлатимиз томонидан яратилган имкониятдан фойдаланиб туман Агробанкидан 150 млн. сўм имтиёзли кредит олдим ва ангор насли эчкиларини харид қилдим. Қишлоғимизда азалдан жунпайпоқ, шарф ва рўмол тўқиш ривожланган. Қишлоқдошларимиз ўзлари тўқилган маҳсулотларини Россиянинг олис ҳудудларига олиб бориб сотишади. Шунинг учун эчки жунининг харидори етарлича топилади. Айни кунларда бир кило эчки жунининг баҳоси 130 000 дан 170 000 сўмгача. Бир бош она эчкидан 4 килогача жун олиш мумкин. Бизнинг ҳудудлар совуқроқ бўлгани учун йил давомида фақат бир марта қирқим мавсуми бўлади. Жорий йил 520 бош эчкидан 27 млн. сўмлик жун йиғиб олишга эришдик.

— Сизда фақат жун олишга мослаштирилган эчкилар парваришланадими, ёки сут ва гўшт берадиган насллари ҳам борми? — сўраймиз чўпондан.

— Ҳозирги кунда 520 бош ангор насли эчкимиз бор. Шу бугун отам яна 70 бош сут ва гўшт берадиган эчки олиб келяпти, — деб сўзида давом этди чўпон йигит. — Чорва бош сонини кўпайтириш қийин эмас-у уни парваришlash ва боқиш учун жой топиш муаммо. Биз оилам ва укаларим билан эрта баҳорда 50 км узоқда жойлашган Бетакалик тоғларига чиқиб кетамиз. Кузда қир-адирлар орасида жойлашган Пағдибува зиёратгоҳи атрофларида чорвамазни ўтлатамиз. Қишда эса Хушобува зиёратгоҳи ҳудудига тушиб келамиз. Вилоятимиз ҳокими билан бўлган учрашувда у киши мандан: “Чорва бош сонини 1000 тага етказа оласанми?” деб сўради. Мен: “Албатта, етказа оламан. Фақат озуқа учун озгина суғориладиган ер бўлса бўлди”, дедим. У киши менга ёрдам беришини айтди. Афсуски, шу масалада туман ҳокимлигига қилган мурожаатимиз ҳанузгача жавобсиз қолиб келяпти. Айни кунларда озуқа жамғариш устида бош қотиряпмиз. Бир донна прессланган хашак 15000 дан 20000 сўмгача. Энди қанча озуқа сотиб олишимиз зарурлигини ҳисоблаб кўраверинг. Устига-устак, бир ойда банкка 5 млн. сўм кредит тўловини амалга оширишимиз керак. Шунинг учун чорва бош сонини оширишга қийналяпмиз. Агар шу муаммолар ҳал этилишида туманимиз ҳокимлиги ўз ёрдамини аямаса, чорва бош сони ошиб, гўшт маҳсулотининг арзонлашишига ҳиссамизни қўшган бўлар эдик.

Ҳа, иш бор жойда камчилик ва муаммолар ҳам бўлиши табиий. Самандаржон билан хайрлашар эканмиз, муаммолари туман ҳокимлиги томонидан ҳал этилиб, олдига қўйган мақсадларига тез кунларда эришишини талаб қолдик.

Суратда: Самандар Тўйчиев.

Каримжон ЭРГАШЕВ,
ўз мухбиримиз.

ОЛТИАРИҚДА ШУНДАЙ АЁЛ БОР

Олтиариқлик – деса мамлакатимиз аҳолиси эмас, балки қўшни республика вакиллари ҳам меҳнаткаш ва тадбиркор инсонларни тушунишади. Дарҳақиқат шундай, бу юрт фарзандлари болалигидан ер билан тиллашиб вояга етишади. Кейинги йиллар давомида Президентимиз таклифи билан туманнинг аграр соҳасига катта ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, туманда узумчилик мактабини яратиш ва туман экин майдонларидан узум етиштириш ва қайта ишлаш мақсадида фойдаланишга доир қатор қарорлар қабул қилинди. Албатта, бу қақириққа туман аҳли ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳам “лаббай” деб жавоб беришди. Ҳозирда туман экин майдонларида пахта ва ғалла майдонлари босқичма-босқич узумзорларга айлантириб борилмоқда. Биз туманнинг фидойи деҳқони, “Олтинкўз” фермер хўжалиги раҳбари Мастураҳон Пўлатова билан суҳбатда бўлдик.



– Опа, сизни туман аҳли ҳазил аралаш “Шаҳарлик келин” деб мурожаат қилганларига шохид бўлдик. Сиз туманнинг таниқли фермери бўлсангиз, сал ғалатироқ эшитиларкан.

– Мен 1951 йил Фарғона шаҳрида туғилганман. 1969 йил Олтиариққа келин бўлиб тушдим. Астойдил қилинган орзу амалга ошмай қолмас экан. 1973 йил Турсуной Охуновага ҳавас қилдим. Устозни излаб Чинозга бордим ва у опадан механизаторлик сир-синаотларини ўргандим. Қайтиб келиб, механизаторлик қилдим. 1984 йил Тошкент давлат қишлоқ хўжалиги институтининг Агрономия факультетини сиртдан тамомладим. 2001 йил фермер хўжалигимиз ташкил топгунга қадар механизатор, агроном, бригадир бўлиб фаолият юритдим.

– Ҳар бир касбнинг ўзига яраша машаққати бўлади. Деҳқончиликда ҳам йиллар синови деҳқонни тоблайтиди...

– Албатта, қарийб 50 йилдан буён дала кезаман. Авваллари устимиздан ҳар хил

кимёвий дорилар сепишса ҳам, ишлашга мажбур эдик. Бир йили самолёт учувчиси пестицидни нотўғри жойларга сеппиб юбораверди. Дарҳол раис билан бориб, “Самолётни ўзим ҳайдайман ва керакли жойга сепаман” дедим. Учувчи рози бўлди. Ўша мавсумда туман пахтазорлари дефолиациясини ўзим амалга оширдим. Агар шижоат ва хоши бўлса, одам бажарган ишни ҳар қандай одам бажариши мумкин. Шу ўтган йиллар давомида бир-бирини қайтарган йилни кўрмадим. Ҳар бир йил ўзига хос бўлади. Деҳқон барча қийинчиликка тайёр туриши шарт.

– Сиз туманнинг илк “қалдирғоч” фермерларидансиз. Йиллар давомида оширилган малака ва тажриба албатта ўз сўзини айтади.

– Ҳамма касбларда ҳам тажриба муҳим роль ўйнайди. Хўжалигимиз 2001 йил ташкил топган бўлса, йиллар давомида пахта ва ғалла режасини ортиғи билан бажариб келдим. Бунда, албатта, сувчи ва механизаторлар ва ишчиларимизнинг ҳам ҳиссалари катта. Ҳозирда 65 гектар экин майдонида меҳнат қиляпмиз. 39 гектар майдонга

узум кўчатларини экиб парваришляпмиз. Жорий йил 26 гектар майдонга узумнинг “Хусайни”, “Мерс”, “Ризамат” каби харидоргир навларини экиш ишлари якунланяпти. Барчага маълумки, туманимиз аҳолиси узумчиликни жуда яхши ўзлаштирган. Экин майдонларининг узумчиликка ихтисослашиши бу меванинг юртимизда янада мўл бўлишини таъминлайди.

– Сизни туман аҳли нафақат механизатор, деҳқон ва ташкилотчи сифатида, балки таниқли тадбиркор сифатида ҳам билишади.

– Раҳмат, хўжалигимиз ташкил топгандан буён 12 та бино қуриб, биологатория ташкил қилгандик. Та-

лаб камайгач, биноларимиз бўш бўлиб қолди. Туманимиз ва вилоят хокимига учрашиб маслаҳатлашдим. Мақсад – шу бинолардан унумли фойдаланиш. Туманимизда минглаб тонна узум етиштирилади. Айтиш керакки, даврида маҳсулотларнинг нархи пасаяди. Бу маҳсулот етиштирувчи-

нинг даромадига жиддий зиён етказиши мумкин. Шунинг учун узумни қайта ишлаш цехи ускуналарини олиб келиб ўрнатишни мақсад қилдим. Қурилган майиз, узум шарбатлари, узум мураббоси каби маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши халқимиз дастурхонининг янада тўкин бўлишини таъминлайди. Шу билан бирга, қишлоқ ёшларини доимий иш ўрни билан таъминлайди. Яқин кунларда вилоятимизнинг бир гуруҳ тадбиркор ва фермерлари Туркия давлатига сафарга чиқяпмиз. Мақсадимиз – турк ҳамкасбларимиз билан учрашиб фикр алмашиш, ўзимиз учун керакли бўлган маълумотларни олиш, керак бўлса иш ўрганиш.

Мен барча ҳамкасбларимизни “Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни” муносабати билан табриклайман. Барча эзгу режалари амалга ошиб, халқимиз учун доимо беминнат хизматда бўлишларини тилаб қоламан.

Суҳбатдош: ўз мухбиримиз
Каримжон ҲАЙИТБОЕВ.

Суратда: “Олтинкўз” фермер хўжалиги раҳбари
Мастураҳон Пўлатова.

“ Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси,
12-боб, 54-модда.

“АНАСОЙ” ЯНАДА КЎРКАМЛАШАДИ



Қорақалпоғистон кенлиги, қумлоқ саҳролари, бепоеъ далалари, саҳий одамлари билан янада са-лобатли. Бу галги ташрифимиз қорақалпоғистонлик сувчилар ҳаётини ўрганиш бўлди. Бугунги Қорақалпоғистон ўлкаси анча ўзгаришларга бой бўлиб, кенг асфальт йўллар бўйларида жойлаш-ган маҳобатли бинолари, дарахт ва буталарнинг жилва-ланиб туриши, маданий-маиший иншоотларининг гўзал, сервисқорлиги билан ҳавасимизни келтирди.

Қорақалпоғистон сув хўжалиги вазирлигининг матбуот котиби Ғайрат Отажонов билан “Дўстлик” ва “Анасой” каналларида олиб борилаётган ишларни кузатдик. Номини ўзига мос Нукус шаҳридаги “Дўстлик” ва Нукус туманидаги “Анасой” кенг ва сокин оқувчи каналлар бўлиб, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4936-сонли қарорига мувофиқ 2021 йилги Давлат дастурига киритилган. “Дўстлик” каналида буюртмачи “Қорақалпоғистон сув қурилиш инвест” ДМ. Айни пайтда бош пудратчи “Кегейли-махсуспудрат” МЧЖ томонидан реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Иншоот қиймати 35665,935 млн. сўм, объектда 2018, 2019, 2020, 2021 йилги режалар асосида белгиланган ишлар ўз вақтида удаланиб келинмоқда.

2021 йилда ажратилган лимит асосида 3500,0 млн. сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилган. Бу ерда 3 та экскаватор, 1 та бульдозер, 2 та бошқа русумдаги техникалар ва 8 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда.

“Анасой” сўзи ўзбекчага ўғирилса, “Онасой” деган маънони билдиради. Она каби эъозли, ерларга меҳр бўлиб сингадиган, бир вақтлар тўлқинланиб оққан бу магистрал канал бугунги реконструкция ишларидан кейин янада кўркамлашмоқда. Олдинги ўпирилиб ётган қирғоқлар ўрнида замонавий бетон қопламалар қўйилиб, атрофи тозаланиб бораётган бу катта сув йўлининг бўйларида ишлаётган бульдозернинг олдида бордик. Бульдозерчини суҳбатга тортдик.

— Ишим ўзимга ёқади. Фаровон элда меҳнат қилиш, элга, далаларга оби-ҳаёт етиб бориши, туманимизнинг обод бўлиши мақсадида яшамоқнинг ўзи бахт, — дейди бульдозерчи Азат Нурабуллаев.

Геодезчи Аманбай Ерекеев, техназоратчи Хожабай Бекполатов, Аллаёр Мамбетов, иншоот бўлими бошлигининг

ёрдамчиси Руслан Қутлимуротовни иш устида учратдик. Улар қилиниши керак бўлган навбатдаги ишлар режасини тузаётган экан. Атрофни канал бўйларини текислаётган бульдозернинг шовқини тутган. Биз бу масканда ишлаётган ходимларга ҳалақит бермасликни маъқул кўрдик ва уларни иш дақиқаларида суратларга муҳрладик.

“Анасой” магистрал каналида буюртмачи “Қорақалпоғистон сув қурилиш инвест” ДМ. Пудратчи эса “Бунёдкор Мерос” МЧЖ. Пудратчи ташкилот директори Сардор Абдурамоновнинг ишга ва вазифасига жиддий қараши ва меҳнатни қадрлаши туфайли барча юмушлар ўз вақтидан анча олдин удалаб келинмоқда. Иншоотнинг қиймати 27600,6 млн. сўм. 2020 йилда 6437,9 млн. сўмлик иш бажарилган бўлса, 2021 йилда бу ишлар учун 3500,0 млн. сўм маблағ ажратилиб, амалда 1 ноябр ҳолатига 3665,4 млн. сўмлик реконструкция ишлари олиб борилди.

Бу канал бўйларида 4 та экскаватор, 2 та бульдозер, 7 та автосамосвал, яна 2 та қўшимча техника, 18 нафар ишчи-ходим жадал суръатларда ишламоқда.

Бугун олиб борилаётган бунёдкорлик, қурилиш ишлари, сув йўлларидаги муаммоларни бартараф этиш, ободонлаштириш бари қишлоқ хўжалигининг 2022 йилги мўл ҳосилига замин яратиш, халқимизнинг осойишта ва сўлим сув бўйларидан завқ олиб яшашлари учун. Бу йўлда заҳмат кечиби, совуққа ҳам, изғиринга ҳам бардош бериб матонат билан иш олиб бораётган қорақалпоғистонлик сувчиларга янги 2022 йил янада омадли, саодатли кунларни бахшида айласин.

Суратларда: (чапдан ўнғига) Аманбай Ерекеев, Хожабай Бекполатов, Аллаёр Мамбетов янги иш режаларини тузмоқдалар;

Бульдозерчи Азат Нурабуллаев.

Шукуржон ЖАББАРОВА,
ўз муҳбиримиз.

ИМКОНияТЛАРНИ ИШГА СОЛИШ САМАРАСИ

Жиззах вилояти дала меҳнаткашлари жорий йилни барча соҳаларда **Эътироф этишга арзирли натижалар билан якунлашмоқда.** Албатта, ижобий кўрсаткичлар биринчи галда деҳқонларнинг заҳматли меҳнати эвазига кўлга киритилаётир. Шу билан бирга, аграр соҳада йилнинг кўнгилдагидек якун топишида воҳа сув хўжалиги корхона ва ташкилотларининг ҳам салмоқли ҳиссаси борлигини инкор этиб бўлмайди.

Зеро, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Жиззах воҳасида ҳам жорий мавсумда сув танқислиги яққол сезилди. Ана шундай мураккаб шароитда сувчиларнинг вегетация мавсумига пишиқ ва пухта тайёргарлик билан келишгани, ўз фаолиятларини оқилонга, аниқ режа ва уюшқоқлик билан ташкил этишгани ўзининг самарасини берди.

Ана шундай фикр-мулоҳазалар тасдиғини Зомин ирригация тизимлари бошқармаси фаолиятида кўриш мумкин. Мазкур жамоа зиммасига вилоятнинг 6 та тумани далаларини оби-ҳаёт билан таъминлаш юклатилган. Бошқарма 150 километрдан узунроқ суғориш тармоқлари, 200 га яқин гидроиншоот, 143 та гидропостдан унумли фойдаланиб, 75 минг 300 гектардан ортиқ ҳудуднинг сувга бўлган эҳтиёжини қондириб келмоқда.

— Қандай ютуқларга эришаётган бўлсак, уларнинг барчасига 167 нафар ишчи-ҳодимдан иборат жамоамиз учун қулай меҳнат шароити яратилгани замин бўлмоқда, — дейди ИТБ бошлиғи Лапас Маҳмудов. — Бош офисимиздан тортиб, энг чекка ҳудудлардаги участкаларимизда ҳам унумли ишлаш, ишдан бўш дамларни мароқли ўтказиш учун имкониятлар етарли. Жамоамиз асосини ёшлар ташкил қилади. Уларнинг шу соҳада 20-25 йилдан ортиқ меҳнат қилиб келаётган Ў.Турсунқулов, Э.Холбеков, Ф.Холиқулов, З.Ўтапова, А.Жўраев, А.Абдурахимов, Б.Абдуалимов сингари тажрибали мутахассислар билан яқин ҳамкорлиги ўз самарасини бераётир.

Бошқарма Зомин туманининг 12 минг гектардан ортиқ экинзорларига сув етказиб беради. ДМ-1 каналидаги ПК-52 участкаси шу тумanning 4 ярим минг гектар майдонини ўз тасарруфига олган.

— 18 кишидан иборат кичик жамоамизнинг аҳиллик билан, бир ёқадан бош чиқариб амалга ошираётган меҳнати эвазига ўзимизга қарашли суғориш тармоқлари ва иншоотларининг бир маромда ишлаб туриши таъминланяпти. — дейди участка бошлиғи Бобур Сулаймонов. — Айни кунларда деҳқон ва фермер хўжаликлари далаларига экилган ғаллага биринчи сув бериляпти. Айрим майдонлар яқоб сувига қондирилмоқда. Бу ишлар тугагандан кейин янги мавсумга тайёргарлик ишлари бошлаб юборамиз. Каналларни тозалаш, гидроиншот ва гидропостларни жорий таъмирлаш ишларига тайёр бўлиб турибмиз.



Зомин ИТБ жамоасига қарашли сув тармоқлари муҳофаза ҳудудларида ташкил этилган ёрдамчи хўжаликлар катта фойда бермоқда. Жорий йилнинг ўзида беш гектар майдонга экилган полиз маҳсулотлари, икки гектардаги олмазор боғ, ярим гектарга яқин иссиқхонадан мўл ҳосил олинди. Бундан бир неча фурсат аввал жами бир гектарга экилган тўқсонбости экинлар ҳосили эса, эрта баҳорда йиғиштириб олинади.



— Ўзимизга яраша йирик ва майда шохли молларимиз, паррандамиз бор, — дейди бошқарма бошлиғи ўринбосари Одил Бегимқулов. — Ёрдамчи хўжалигимиздаги деҳқончилик ва чорвадан олинаётган маҳсулотларимиз пешма-пеш жамоамиз дастурхонига тортиқ қилинмоқда. Умумхалқ байрамлари, тантаналарда ҳеч ким эътибордан четда қолмайди, энг илғор ҳамкасбларимиз эса, алоҳида мукофот ва совғалар билан рағбатлантирилади.

Президент ташаббуси билан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бошланди. Зомин ИТБ жамоаси ҳам бу ишга ўз ҳиссасини қўшишга — 165 минг тупга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экишга бел боғлади. “Бугунгача 70 минг тупга яқин кўчат ерга қадалди, — дейди бошқарма бошлиғи Л.Маҳмудов. — Бу эса, жорий йилга белгиланган топшириқ қарийб уддаланди, деган гапдир. Бу борадаги ишларни қорли-қировли кунлар бошланмасдан якунига етказиш учун барча имкониятларни ишга соламиз”.

Худойберди КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.

БУГУНГИ ТАДБИР – КЕЛГУСИ НАТИЖА



Нарпай тумани ветеринарлари иш жараёнидан лавҳалар

Мамлакатимизда ветеринария хизматини тубдан ислоҳ қилиш, соҳани янги bosқичга олиб чиқишга оид кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бундаги муҳим жиҳат эса сўнги йиллардаги чорва наслини яхшилаш ишларидаги чора тадбирларда яққол намоён бўлмоқда.



Бугунги кунда Каттақурғон туманида 153 минг 753 бош йирик шохли моллар мавжуд бўлиб, уларга тумандаги 24 та зооветпунктлари хизмат кўрсатиб келмоқда.

– Туманимиздаги барча ветеринария участкаларимиз бугун аҳоли ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги чорвани сунъий уруғлантиришга мўлжалланган барча махсус воситалар билан жиҳозланган бўлиб, улар орқали йил бошидан буён 17 минг 350 бош сигир сунъий уруғлантирилди, – дейди туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи А. Пайзиев. – Албатта, бу чора тадбирлар туманда чорва наслини яхшилабгина қолмай, гўшт ва сут маҳсулотларини кўпайтиришга хизмат қилади.

Каттақурғон туманига ёндош Нарпай туманида эса барча тоифа бўйича жами 89 минг 212 бош йирик шохли моллар мавжуд бўлиб, шундан сигирлар 39 минг 246 бошни ташкил этади. Қорамол наслини яхшилаш бўйича эса туман Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимига қарашли 14 та сунъий уруғлантириш зооветпунктлари хизмат кўрсатмоқда. Мавжуд қорамоллар наслини яхшилаш мақсадида, туман ветеринария бўлими томонидан доимий насли буқа уруғлари олиб келиниб, аҳоли ва фермер хўжалиқларига қарашли сигир ва катта урғочи таналар сунъий уруғлантириляпти. Жумладан тумандаги “Нарпай Нозимжон” фермер хўжалиги аъзолари ҳам доимий ветеринария пунктларига мурожаат қилиб, сунъий уруғлантириш

орқали хўжалиқдаги чорва наслини яхшилашга эришиб келмоқда. Бугунги кунда мазкур фермер хўжалигида 140 бош чорва моллари мавжуд бўлса, шуларнинг аксарияти наслдор чорва ҳисобланади.



Хатирчи туман ветеринария бўлими бошлиғи Ш.Тўраев, бошлиқ ўринбосари Ш. Нурмуродов билан.

Бу борада Хатирчи туманида ҳам насли қорамолчиликни ривожлантириш ишларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

– Туманда қорамоллар наслини яхшилаш мақсадида туман ветеринария бўлими томонидан тегишли чора-тадбирларга асосланган амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, бугун аҳоли ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги сигирларни сунъий уруғлантиришга мўлжалланган барча махсус воситалар билан жиҳозланган 18 та участка фаолият олиб бормоқда ва жорий 2021 йилда улар томонидан ҳудудларда жами 16 мингга яқин сигирлар сунъий уруғлантирилди. Мақсад аниқ, қисқа муддатда чорва наслини яхшилашга эришиш.

Дарҳақиқат, туманда бу каби саъй ҳаракатлар натижасида аҳоли эҳтиёжининг муҳим бўғини бўлган гўшт маҳсулотларига бўлган талаб имкон даражасида қондириб келинмоқда. Бу борада туманда жорий йилнинг шу даврига қадар 32 минг 413 тонна гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

Албатта аҳолини сифатли гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини кучайтириш мақсадида амалга оширилаётган бу каби ишлар натижасида истеъмол бозорига гўшт ва гўшт маҳсулотларини етказиб бериш янада кўпайиб, пировард натижада бу омил аҳоли фаровонлигига хизмат қилади.

ШУХРАТ НОРМУРОДОВ,
ўз мухбиримиз.



Каттақурғон тумани ветеринария бўлими бошлиғи ўринбосари А. Қаноатов, ветеринар Ўткир Туропов билан.



Бунёдкор халқимизни, яшиллик олами фидойилари, фермерлар ва боғбонлару соҳибкорлар, уларга камарбаста бўлаётган илм аҳлини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни байрами билан чин дилдан табриклаймиз. Ваганимиз равнақи, шаҳару қишлоқларимиз ободлиги, халқимиз дастурхони тўкинлиги йўлида амалга ошираётган хайрли ишларида зафарлар ёр бўлсин. Байрамона кайфият кўнгилларимизни асло тарк этмасин!

“Гурлан гўшт сут” МЧЖ жамоаси

ИНСОНИЯТНИНГ БЕБАҲО НЕЪМАТИ



Тупроқ инсониятнинг энг асосий ва бебаҳо бойлиги, битмас-туганмас мулки ҳисобланади. У қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этади.

Тупроқ – атмосфера, гидросфера, литосферанинг ўзаро бирлашган, бир-бирига таъсир ўтказувчи чегараларида, ер устида ва остида тирик организмлар, мавжудотларнинг ҳаёт фаолияти натижасида вужудга келган табиий биокос тана бўлиб, у ер устида ўз қопламини ҳосил қилади. Бир вақтнинг ўзида тупроқ ер юзасида унумдорлик қобилиятига эга бўлган биосферанинг асосий компоненти бўлиб, инсоният, барча тирик организмлар ҳаётининг мавжудлиги ва боқийлигини таъминлаб турувчи органик биомассани яратиш воситасидир.

Ер юзаси умумий майдонининг 29,2 фоизи қуруқликка, 70,8 фоизи денгиз ва океанларга тўғри келади. Қуруқликнинг 11 фоизи ишлов бериладиган майдонлар ҳисобланади ва сайёрамизнинг ана шу унумдор қисмида инсон учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг 88% и етиштирилади.

БМТнинг маълумотларига кўра, ҳозирги кунда дунё бўйича йилига қарийб 6,0 миллион гектар тупроқлар чўлланишга учрамоқда, ҳайдаладиган ерларнинг 40 фоиздан ортиғи ирригация ва мелиорация ишларида хато ва камчиликларга йўл қўйилгани сабабли деградацияга учраб, қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш учун мутлоқ ярқисқис ҳолга келтирилмоқда. Бу ҳол бугун дунё бўйича 1,5 миллиард кишининг яшаш шароитига хавф туғдирмоқда. Глобал харита маълумотларига кўра, ер шарида 833 миллион гектардан ортиқ шўрланган тупроқлар мавжуд бўлиб, улар сайёрамиз худудининг 8,7 фоизини ташкил этмоқда.

Жаҳон миқёсида тупроқлар унумдорлигини сақлаш, уларни турли деградация жараёнларидан муҳофаза қилиш, тупроқнинг аҳамияти ҳақида аҳолининг хабардорлигини ошириш ва тупроқ ресурсларидан барқарор фойдаланишни тарғиб қилиш мақсадида 2002 йилда Халқаро тупроқшунослик жамияти (ISSS) Бутунжаҳон тупроқ кунини нишонлаш ташаббуси билан чиқди. 2013 йилнинг декабр ойида БМТ Бош Ассамблеяси 2014 йил 5 декабрни биринчи расмий Бутунжаҳон тупроқ куни сифатида белгилашни маъқуллади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк йиллардан бошлаб қишлоқ хўжалигига, жумладан, тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва ошириш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Аграр соҳада асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган тупроққа эътибор, ушбу соҳадаги улкан ютуқларни

қўлга киритишда ўзига хос замин бўлмоқда. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги Минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун 2015 йилда бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида мамлакатимиз эътироф этилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича амалга оширилган кенг кўламли тадбирлар натижасида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган бир қатор озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми бир неча баробарга ошди.

Ўзбекистон БМТнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик барқарорликни таъминлаш борасидаги конвенциялари ҳамда бошқа халқаро ҳужжатларни ратификация қилиб, зиммасига олган барча мажбуриятларни бажариб келмоқда. Бундан ташқари, республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасини янада ривожлантириш, халқаро илғор тажрибаларни ўрганиш ва соҳадаги долзарб масалаларни ҳал қилиш йўлларини биргаликда ишлаб чиқиш мақсадида БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО), Тараққиёт Дастури (БМТТД), ИКАРДА, GIZ ва бошқа кўплаб халқаро институтлар ҳамда ташкилотлар билан кенг кўламли алоқаларни йўлга қўйган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ва изчил чора-тадбирлар натижасида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши, ерости сувларининг жойлашиши кескин даражада бўлган майдонлар қисқариши, кучли ва ўртача шўрлаган ерлар майдони камайиб бориши кузатиляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги 75-сессиясида «Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар худуди деб эълон қилиш тўғрисида»ги махсус резолюцияси ва унда белгиланган устувор вазифаларнинг амалий ижросини таъминлаш мақсадида, жорий йил 29 июлдаги «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги «Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар худуди деб эълон

қилиш тўғрисида»ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида»ги ПҚ-5202-сон қарори қабул қилинган. Ушбу қарор Орол денгизининг қуриши билан атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига етадиган салбий оқибатларга қарши курашиш, юзага келган муаммоларни бартараф этиш, минтақада яшовчи аҳоли бандлигини таъминлаш орқали уларнинг турмуш шароити яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг 20-22 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамкорлигида шўрланган тупроқлар майдонини камайтириш, уларни қишлоқ хўжалиги айланмасига қайтариш масаласига бағишланган Глобал симпозиум ўтказилди.

Мамлакатимизда халқаро конвенциялар ва келишувларни ратификация қилиш билан бир қаторда тупроқларни муҳофаза қилиш ва улар унумдорлигини ошириш борасида ҳам бир қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 1 апрелдаги «Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонларида тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва ошириш, деградация жараёнларининг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, техноген иф-

лосланган ер майдонларини қишлоқ хўжалиги айланмасига қайтариш бўйича берилган топшириқлар ва белгиланган чора-тадбирларни кўрсатиш мумкин. Мамлакатимиз раҳбари томонидан 2021 йил 1 апрелда имзоланган «Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармон сўзимизнинг ёрқин мисолидир.

Ушбу Фармон ва қарорларда белгиланган топшириқ ва вазифалар ижросининг таъминланиши натижасида суғориладиган тупроқларнинг экологик-мелиоратив ҳолати яхшиланиб, уларнинг унумдорлик даражаси ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги кўтарилмоқда. Лекин, шунга қарамастан, қишлоқ хўжалиги ер майдонлари тупроқларидаги салбий жараёнлар тўлиқ бартараф этилмаган. Тупроқ унумдорлигига салбий таъсир кўрсатувчи, иккиламчи шўрланиш ва эрозия каби жараёнлар, табиий (худудларнинг гидрогеологик шароити ва ландшафт тузилиши) ва антропоген (агротехник ва агро-мелиоратив тадбирлар талаб даражасида амалга оширилмаслиги) омиллар натижасида юзага келади. Бундай тупроқлар доимий равишда мелиоратив тадбирлар ўтказилишини талаб этади, акс ҳолда, улар катта меҳнат ва маблағ эвазига тикланган унумдорлигини қисқа муддатда йўқотиши мумкин.

Шу билан бирга, агротехник ва агрокимёвий тадбирлар тўлиқ ва сифатли амалга оширилмаслиги натижасида зичланиш, гумус ва озиқа моддалари камайиши, sanoat ва транспорт чиқиндилари, қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган кимёвий воситалар таъсирида ифлосланиш ҳамда шўрхокланиш ва ботқоқланиш каби салбий ҳолатлар юзага келмоқда.

Мамлакатимизда тупроқлар унумдорлигини ошириш борасида тизимли ишлар олиб борилишига қарамастан, бир

қатор муаммолар ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикасида жами 4,2 миллион гектар суғориладиган ер майдони мавжуд бўлиб, бугунги кунда тупроқларимизда саҳроланиш, сув ва шамол эрозияси, дегумификация ва шўрланиш каби деградация жараёнлари учрамоқда. Жумладан, турли даражада шўрланишга учраган ер майдонлари 1980 минг гектарни ташкил этади.

Бугунги кунда тупроқлар унумдорлигини сақлаш, ошириш ҳамда уларни турли деградация жараёнларидан муҳофаза қилиш мақсадида Орол денгизининг 2 млн. га қуриган майдонида янги ўсимлик ареаллари ва дарахзорлар яратиш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунгача жами 460 минг гектар майдонда «яшил қопламалар» барпо этилди.

Мамлакатимиз суғориладиган тупроқларида тупроқлар сифатини баҳолаш ишлари олиб борилди. Шўрланишга мойил бўлган суғориладиган ер майдонларининг шўрланиш харитаси ишлаб чиқилди.

Мазкур ишларнинг бажарилишида Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти олимлари ва илмий ходимлари ҳам агрокластерлар ҳамда фермер хўжаликлари тупроқларининг ҳолатини яхшилаш масалаларида ўзларининг яратилган янги технологиялари ва тавсиялари билан кўмак бериб келмоқдалар.

Институтда 2020 йилда ер эгаларига тупроқ хизматларини кўрсатувчи «Тупроқ клиникаси» мобил лабораторияси ташкил этилган бўлиб, ўтган вақт мобайнида 60 га яқин фермер хўжаликлари ва агрокластерларга, жойига чиққан ҳолда тупроқлар ҳолатини ўрганиш ва керакли тавсиялар бериш бўйича хизматлар кўрсатилди.

Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда институтда бажарилаётган «Тупроқ клиникаси» мобил инновацион лабораториясининг намунавий моделини яратиш ва ундан самарали фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқиш мавзусидаги лойиҳа доирасида ана шундай мобил лабораторияларни Наманган ва Тошкент вилоятларида ҳам очиш бўйича ишлар якунига етмоқда.

Шунингдек, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан келгусида тупроқлар шўрланишининг олдини олишда замонавий илмий-инновацион ёндашувлар, сунъий интеллект ва географик ахборот тизимлари технологияларидан, ерни масофадан зондлаш маълумотларидан фойдаланиш, тупроқлар унумдорлиги кўрсаткичларининг геофазовий маълумотлар базасини яратиш асосий устувор йўналишлар сифатида белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, ерлардан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириш бўйича янги замонавий тадбир ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, табиатнинг инсонларга бўлган инъоми – тупроқни асраб-авайлаш, уни муҳофаза қилиш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишга хизмат қилади. Агар тупроқдан илмий асосланган ҳолда фойдаланиш ташкил этилса, унинг унумдорлиги камаймайди, аксинча, ошиб боради, Республикаимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, келажак авлодларимизга соғлом унумдор тупроқларни қолдириш имконияти яратилади.

Шухрат БОБОМУРОДОВ,

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти директори, биология фанлари доктори.

ТУПРОҚШУНОСЛИК ИЛМИЙ МАСКАНИ 100 ЁШДА

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти 1920 йилда Туркистон давлат Университети қошида Тупроқшунослик ва геоботаника институти номи остида ташкил этилган. Ўтган бир асрлик илмий фаолияти давомида институт олимлари томонидан нафақат республикамиз, балки бутун Марказий Осиё республикалари тупроқлари тўлиқ ўрганилди, республикамизнинг ҳар бир ҳудуди учун тупроқ карталари тузилди, юртимиз тупроқларининг барча хосса-хусусиятларини қамраб олган маълумотлар базаси шакллантирилди. Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон Республикасининг тупроқ картаси (1:750000 масштабда), Ўзбекистон Республикаси тупроқ қоплами Атласи, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар агротупроқ ва ерларни баҳолаш карталари (1:200000; 1:100000 масштабда) тузилди. Институт олимлари томонидан Республикаимизда бугунги кунда бажарилаётган барча тупроқ-тадқиқот ишларининг услубиёти ишлаб чиқилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан оқ Институт ер ресурсларидан самарали фойдаланишга, тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва оширишга, уларни муҳофаза қилишга қаратилган республика устувор йўналишларини аниқлаш ва белгилашда, улар доирасида давлат илмий-техник дастурларини ишлаб чиқишда асосий ўрин тутган илмий ташкилот сифатида фаолият кўрсатди.

1991-1992 йилларда республикамизнинг турли табиий-иқтисодий шароитларини ривожланган суғориладиган зонаси тупроқ қоплами трансформациясини, тупроқларнинг ривожланиш шароитларини ўрганиш, уларда кечаётган жараёнлар йўналишини ва жадаллигини аниқлаш, бу жараёнларни бошқариш орқали тупроқлар унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириш мақсадида республика миқёсидаги “Тупроқ” дастурини ишлаб чиқди ҳамда «Ўзбекистон Республикаси турли табиий-иқтисодий минтақаларининг тупроқ қопламини комплекс тадқиқ қилиш ва суғориладиган ерлардан фойдаланиш мақсадида, уларнинг унумдорлигини ошириш ва яхшилаш технологияларини ишлаб чиқиш» Давлат илмий-техник дастурининг бош ижросисини бўлди.

1998 йилда “Ер ресурслари” давлат қўмитаси тузилди. Институт қўмита таркибида иш фаолиятини юритган даврларда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон республикасида ер мониторингини юритиш тўғрисида” қарори, 2001 йил 31 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит давлат мониторинги Дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари асосида “Ўзбекистон Республикасида ер мониторингини юритиш услуби” қўлланмаси (2001-2011 й) тузилди ва чоп этилди.

2001-2013 йиллардан бошлаб Республиканинг қишлоқ хўжалигига яроқли ерларида тупроқ мониторинги тадқиқотлари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда амалга оширилди. Мониторинг ишларини бажариш давомида тупроқларнинг ҳолати бўйича тизимли кузатувлар ташкил этилди. Натижада қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларининг ҳолати ва уларда кечаётган жараёнлар йўналиши ва жадаллиги аниқланиб, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф қилиш бўйича тегишли тавсия ва чора-тадбирлар белгила-ниб, ишлаб чиқаришда фойдаланишлари учун маҳаллий ҳокимият органларига тақдим этилди.

2015-2017 йилларда Институт бошчилигида бажарилган, шўрланган тупроқларни харитага тушириш ишларининг натижаларига кўра, Хоразм вилоятида шўрланган ерлар майдони 2013-2014 йилларга нисбатан 66,1 минг, Навоий вилоятида 16,8 минг, Сирдарё вилоятида 11,2 минг, Жиззах вилоятида 8,6 минг гектарга камайган.

Ишлаб чиқилган агромеиоратив, агротехник ва агрокимёвий тавсиялар ҳамда тузилган карталар ва картограммалар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар тупроқ-экологик шароитларини яхшилашга, қишлоқ хўжалиги экинларини илмий асосда жойлаштиришга, экин ерлари структурасини ишлаб чиқишга, тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва қайта тиклашга, ер кадастрини тўғри юритишга ва ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган ягона давлат тадбирларини ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ер мониторингини юритиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъмин-

лаш мақсадида институт олимлари томонидан “Ўзбекистон Республикасида ер мониторингини юритиш услуби” қўлланмаси (2001 й.) тузилди ва мазкур услубий қўлланма асосида 2001 йилдан бошлаб республиканинг қишлоқ хўжалигига яроқли ерларида тупроқ мониторинги тадқиқотлари амалга оширилиб келинмоқда. Бугунги кунда институт олимлари томонидан тупроқларни мониторинг тарзида ўрганиш натижалари асосида ўтган 100 йил даврида тупроқларимиз ҳолати қайдаражада ўзгараётганлиги аниқланмоқда, маълумотлар базаси шакллантирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 июндаги “Қишлоқ хўжалигида тупроқнинг агрокимёвий таҳлил тизимини такомиллаштириш, экин ерларида тупроқнинг унумдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини сифатли таъминлашга қаратилган тизим яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазибаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлаш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги топшириғига асосан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтида худудларда фермер хўжаликлари, кластерлар ва томорқа ер эгаларига тезкор тупроқ хизматлари кўрсатувчи “ТУПРОҚ КЛИНИКАСИ” мобил лабораторияси ташкил этди.

Бундан ташқари, институт олимлари томонидан “Республика тупроқларини халқаро тупроқ кимёвий таҳлиллари стандарти (511 ISO/TC 190 Soil quality) асосида таҳлил қилиш технологиясини яратиш” борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманида ташкил этилган Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими (АКИС) марказида “Тупроқ таҳлил” лабораторияси ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Бу илмий жамоа тупроқшунослик соҳасида хорижий илмий-тадқиқот институтлари, илмий марказлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳам ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйган.

Масалан, институт Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон, Украина, Жанубий Корея ва Беларус ҳамда Хитой Халқ Республикаси каби кўплаб давлатларнинг тупроқшунослик институтлари ва компаниялари билан ўзаро илмий-ҳамкорлик бўйича бир қатор меморандумлар имзоланган.

Ҳозирги кунда рақамли технологиялар инсонларнинг кундалик ҳаётининг ажралмас бўлаги бўлиб қолмоқда.

Институтда тупроқшуносликда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, фанни рақамлаштириш ("рақамли тупроқшунослик") бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, «Ердан фойдаланишнинг замонавий шаклларида сўғориладиган тупроқлар унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва уни белгилашда геоахборот тизими технологияларини қўллаш», «Замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда тупроқ унумдорлиги мониторингини юритиш ҳамда тупроқ геоахборот-таҳлилий тизими (ТГАТТ) ни ишлаб чиқиш ва уни қўллаш», «Геоахборот тизими (ГАТ) технологияларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини оптимал жойлаштиришнинг илмий асосланган тизимини ишлаб чиқиш» мавзуларидаги амалий лойиҳалар бажарилган.

Институтда тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва ошириш борасидаги илмий

изланишларни бажариш билан бир қаторда соҳага олий маълумотли илмий кадрларни тайёрлаш масаласида ҳам тинимсиз ишлар бажариб келинмоқда. Мустақиллик йилларида Институтда 25 нафарга яқин фан доктори ва 75 дан ортиқ фан номзоди ёки фалсафа докторлари (PhD) етишиб чиқди ва улар бугунги кунда иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият юритиб келмоқдалар.

Тупроқшунослик олдига турган муаммоларни ҳал қилишда институтнинг юқори салоҳиятга эга илмий жамоаси ҳамжиҳатликда илмий изланишлар олиб бормоқда. Ҳозирги кунда институтда 120 га яқин ходимлар, шундан 70 дан ортиқ илмий ходим, шу жумладан, 1 нафар ФА академиги, 12 нафар фан доктори ҳамда 30 нафар фан номзодлари ва фалсафа докторлари (PhD) тупроқларнинг унумдорлигини сақлаш, ошириш, ўсимликларни озиклантиришнинг илмий асосларини яратиш, органик деҳқончиликни йўлга қўйиш, тупроқларнинг кимёвий, физик-кимёвий, биологик хосса ва хусусиятларини, эколого-мелиоратив ҳолатини тадқиқ қилиш, республика тупроқларидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича илмий фаолият олиб бормоқда.

Бугунги кунда Институтда бажарилган илмий тадқиқотлар, тупроқ-баҳолаш, тупроқлар мониторинги ишлари нати-

жалари, тайёрланган карталар ва картограммалар ҳамда тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва оширишга қаратилган илмий нашрлар, янги агротехнологиялар, тавсиялар, усуллар ва чора-тадбирлар республикаимиз қишлоқ хўжалигида кенг қўлланилмоқда ва ижобий натижалар бермоқда.

Тупроқ табиатнинг инсонга ҳаётига этилган буюк неъматидир. Ундан самарали ва оқилона фойдаланиш, унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириш ҳамда муҳофаза этиш борасида илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш давримизнинг энг муҳим вазифаларидандир.

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти жамоаси ўзларининг барча имкониятлари, билимларини тупроқларни ҳар томонлама ўрганиш, турли деҳқончилик тизимида тупроқ унумдорлигининг шаклланиши ва ўзгариши қонуниятларини аниқлаш, тупроқларнинг шўрланиши, эрозияси, ботқоқланиши, ифлосланиши каби салбий жараёнларнинг олдини олиш бўйича тадбир ва тавсиялар ишлаб чиқишга йўналтирилган ҳамда бу йўналишда тинимсиз изланишлар, тадқиқотлар олиб бориб, республикаимиз қишлоқ хўжалигининг янада ривожланиши, салоҳияти юксалишига ўз ҳиссасини қўшади деган умиддамыз.

Зулфия ХАФИЗОВА,
ТИҚХММИ катта ўқитувчиси.

Ўзининг баракали меҳнат ютуқлари билан юртимизнинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшаётган барча чорвадорларни, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларини, халқимизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрами ҳамда Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни билан самимий табриклаймиз.

Ўзбекистон Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси жамоаси



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭКОЛОГИК СИЁСАТИ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ЭЪТИБОРИДА

Жорий йилнинг 6 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқини том маънода ҳар бир соҳадаги янгиланиш учун муҳим қадам дейиш мумкин.

Юртбошимиз томонидан барча соҳалар қатори экологик муаммоларни ҳал этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳам амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, иқлим ўзгаришлари, экологик муаммоларни ҳал этишда куч ва имкониятларни бирлаштириш, бу борадаги барча саъй-ҳаракатларни уйғунлаштириш, глобал муаммоларнинг миллий ва минтақавий даражадаги ечимларини топиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Масалан, яқинда содир бўлган кум бўронлари юртимизда экологик таҳдидларнинг салбий таъсири ортиб бораётгани, Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ вазият тобора кескин тус олаётганини яна бир бор тасдиқлади.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Орол денгизининг қуриган тубида ўрмонлаштириш ишларини олиб бориш юзасидан узоқни кўзлаб амалга оширилган ишлар бундай табиий офатларни юмшатишга, олдини олишга хизмат қилишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Президентимиз томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг минбаридан туриб илгари сурган барча ташаббуслар қатори экология соҳасидаги таклифлар ҳам дунё ҳамжамияти томонидан тан олинмоқда. БМТ ҳузуридаги Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосидаги Траст фондининг таъсис этилиши ҳамда Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюциянинг қабул қилиниши том маънода ўзбек дипломатиясининг ютуғи бўлди.

“Юртимизда экологик таҳдидларнинг салбий таъсири ортиб бормоқда. Буни куни кеча содир бўлган кум бўронлари ҳам яна бир бор тасдиқлади. Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ вазият тобора кескин тус олмақда. Шу борада биз Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди сифатида эълон қилиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюциясини ҳаётга татбиқ этишга доир тизимли ва комплекс чора-тадбирларни амалга оширишимиз лозим”, дея қайд этди давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, БМТ Бош Ассамблеясининг “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюциясининг қабул қилиниши ҳам минтақа давлатлари, айниқса Ўзбекистон учун экологик масалалар бундан кейин ҳам доимий кун тартибда эканидан дарак беради.

Шу боис ҳам мамлакатимиз бўйлаб “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш, лойиҳа доирасида йилига 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини экиш ташаббуси жуда долзарб аҳамиятга эга. Шу мақсадда юртимизнинг барча ҳудудларида “Яшил макон” кўкаламзорлаштириш 10 декабрга қадар дарахт экиш бўйича “Долзарб 40 кунлик” эълон қилинди.

Эътироф этишимиз керак, мана шу ташаббус халқимизнинг айна қалбидаги гап бўлди, ҳар бир юртдошимиз бу эзгу ишга



бажонидил ҳисса қўшишга киришди. Жойларда мазкур хайрли ташаббус кенг қулоч ёзиб, юзлаб дарахт кўчатлари экилмоқда.

Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси кўп ўтмай ўз самарасини бериши шубҳасиз, юртимизда яшил макон, яшил масканлар сезиларли кўпаяди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасидан кўзланганидек, шаҳарларимиздаги яшил майдонларни ҳозирги 8 фоиздан 30 фоизга оширишга эришилади.

Шу боис, биринчи навбатда, мавжуд ва янгидан барпо этиладиган яшил майдонларга туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан масъул белгиланадиган бўлди. Улар дарахтларни парваришlash билан бирга, ушбу ҳудудни обод сақлашга ҳам жавоб беради. Ободонлаштириш бўлимлари махсус техника билан таъминланади, зарур жойларда суғориш тармоқлари барпо этилади. Ушбу савобли ишда ҳар бир ташкилот, ҳар бир фуқаро ўз ўрнини топишига жиддий эътибор қаратилади.

Мутахассисларнинг тавсиясига асосан, ҳудудларда экиш учун 27 турдаги дарахт кўчатлари таклиф этилмоқда. Масалан, каштан, оққайин, эман, япон сафораси, шумтол, қайрағоч, павлония, терак, акация, чинор, тут, жийда, ёнғоқ, беҳи, узум, крим қарағайи ва виргин арчаси бизнинг минтақамиз учун мосдир. Бунда ҳар бир вилоятнинг иқлими ва тупроқ таркиби инобатга олинади. Қайси ниҳол униб кетишига жиддий эътибор қаратилди.

Ҳўш, келажакка бебаҳо сармоя тариқасида йўналтирилаётган улкан жараёнларда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг ўрни қандай бўлади? Энг аввало, шиддатли замоннинг ўткир талабларидан келиб чиқиб, кўмитанинг ташкилий тузилмаси, ваколат ва вазифалари тубдан қайта кўриб чиқилади.

Эълон қилинган «Долзарб 40 кунлик» кўмита раҳбариятидан тортиб, олис туманлардаги оддий инспекторларгача том маънода синов вақтидир. Ана шу имтиҳон экологларнинг сарасини сарага, пучагини пучакка чиқаради. Халқона айтганда, дастлабки ғалвир қирқ кундан кейин кўтарилади.

Оддий савол туғилиши мумкин: вилоятлар учун муайян квота тариқасида белгиланган шу миқдордаги кўчатлар «Долзарб 40 кунликда» экиб бўлинадими? Йўқ, ундай эмас. Бу жараён келаси йил баҳорида ҳам олимлару уста боғбонлар тавсия этган муддатларда изчил давом эттирилади. Бунда ҳар бир ҳудуд кузда ва баҳорда қанча экилишини ўзига аниқ режа қилиб олган.

Мақсад – жимжимдор рақамлар ординан қувиб, сохта маълумотлар тақдим этишдан иборат эмас. Бундай ҳолатлар даври аллақачон ўтди. Муддао – чиндан-да яшил маконлар барпо этиш. Зотан, бугунги ниҳоллар – эртанги тоза ҳаво, демакки, гўзал ҳаёт манбаидир.

Муяссар РАЖАБОВА,

*Табиий ва аниқ фанларга ихтисослашган
С.Сирожиддинов номидаги Республика академик лицейининг
биология фани ўқитувчиси.*

ТЎКИН МАҲСУЛОТЛАР – ФАРОВОНЛИК МЕЗОНИ

Бугунги кунда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш дунё мамлакатлари учун энг долзарб масалага айланмоқда. Шу мақсадда юртимизда ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасида тизимли ислоҳотлар амалга ошириш ва бозор иқтисодиёти талаблари асосида тадбиркорлик билан иш юритиш талаб этилади. Йилдан-йилга миришкорларимиз томонидан мавжуд суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, бир даладан бир мавсумда икки-уч ҳосил етиштириб, кўпроқ даромад олиш, озиқ-овқат сероблигини таъминлаш чоралари амалга ошириб борилмоқда. Шу боис, жойларда мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва маҳсулот экспортини ривожлантириш ишларига катта эътибор қаратилмоқда.

Самарқанд вилоятининг туманларида ҳам ҳар бир ҳудуд тупроқ-иқлим шароитига асосланиб, экинлар етиштириш ихтисослашуви йўлга қўйилган.

– Туманимизда 2021 йилда 474 нафар фермер хўжаликларининг 4 минг 375 гектар майдонларига такрорий экин сифатида, 1 минг 859 гектарига сабзавот, 615 гектарига картошка, 62 гектарига дуккакли ва 1 минг 30 гектарига озуқабоп экинлар экиб, 139,7 минг тонна мева-сабзавот, картошка ва узум маҳсулотлари етиштирдик, – дейди Тайлоқ тумани ҳокими ўринбосари Норпулат



Тайлоқ туман ҳокими ўринбосари Н. Мирзаев.

Мирзаев. – Албатта, бугун бизда деҳқон-фермерларимиз томонидан етиштирилган маҳсулотни сотиш учун хари-

дор қидиришларига ҳожат йўқ. Чунки уларнинг маҳсулотлари харидоргир ва уларга хорижий давлатларда талаб кўп. Бунда жойлардаги экспортёр корхоналар ва фермерлар кўмакчи бўлмоқда. Жумладан, Самарқанд туманидаги “Агро саховот” фермер хўжалиги аъзолари жорий йил



“Агро саховат” фермер хўжалиги иш юритувчиси О. Қорабеков.

бошидан буён 3 млн. долларлик узум маҳсулотларини экспорт қилиб, ҳудуд иқтисоди ривожига ўз улушини қўшган. Жомбой туманидаги “Ботиржон Мамасолиев” фермер хўжалиги аъзолари ҳам келгуси йилдан экспортёр сифатида фаолият олиб боришни режалаштирмоқда.



Жомбойлик миришкорлар картошка далаларида.

– Бугунги замон талаби фермерлардан кўп тармоқли бўлиб фаолият олиб боришни тақозо этади. Шу мақсадда, ишлаб чиқаётган маҳсулотларимизни сақлаш учун замонавий омборхона қуришни ва қулай фурсат бўлиши билан уларни хорижий давлатларга экспорт қилишни йўлга қўймоқчимиз, – дейди хўжалик раҳбари Облоёр Хамроев.

Аниқки, юқори ҳосилдорликка эришишда, даромаднинг ошишида ҳар бир туман фермерларидан кўп тармоқли бўлиб фаолият олиб бориш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу каби амалий ишлар эса юқори ҳосил манбаи бўлиши баробарида, аҳолининг моддий неъматларга бўлган эҳтиёжини қондиради, нарх-навоининг арзонлашувини кафолатлайди. Зеро, бугунги пандемия даврида бу олдимиздаги энг муҳим ва долзарб масаладир.

Ўз мухбиримиз.

ОНА-ЮРТГА ЎТЛИ МУҲАББАТ

Давлатимиз раҳбарининг фермерларга беқиёс ғамхўрлиги, камтарона меҳнатларига юксак эътибори, уларга олам-олам қувонч бағишлаши билан бирга, масъулият ҳам юклайди.

Азиз замондошим, Ватанимиз кундан-кун гўзал, обод, кўркам бўлиб бормоқда. Ўз навбатида фермерларимиз ҳам бу жараёнга ўз меҳнатлари билан ҳисса қўшмоқдалар. Улар давлатимизнинг келажаги буюк бўлмоғи учун ҳалол меҳнат қилмоғимиз, ташаббус кўрсатмоғимиз керак дейишади.

Тошкент вилоятининг аксар фермерлари ҳам она юртга садоқат билан хизмат қилмоқчи, давлатимиз раҳбарининг даъватига лаббай деб жавоб бериб, ёнларида мададкор бўлишни ўз виждоний бурчи деб билади.

Оққўрғонлик фермерлар ана шундай меҳнатсевар, фидойи, десам асло хато бўлмас. Қачон борсангиз қизғин иш устида учратасиз. Айрим “туман раҳбарлари”дай мухбир аҳлидан қочишмайди.

— Меҳнатимиз ҳалол, илғорларимиз бисёр, қачон хоҳласангиз келаверинг, — дейди туман ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Фахриддин Пардаев.

У бизни туманнинг “Оллоберди Мурод” фермер хўжалиги раҳбари Мурод Навватов билан таништирди. 42 гектар пахта майдонидан биринчи теримдаёқ режани бажариб қўйган фермернинг кайфияти чоғ, гаплари дадил.

Асл мақсадим Ватан равнақиға ҳисса қўшиш, — дейди фермер. — Бировни алдаш бизга бегона. Давлатимиз бой бўлиб, халқимиз тўқ яшаса, дейман. Ризку насибамиз шу она тупроқдан.

Илғорлик ўзи нима?

— Ишнинг тартиб-қоидаларига амал қилиб, ҳалол меҳнат қилсак, ана шу бойлик, илғорлик.

56 гектар ердаги ғалла майдонидан 70 центнердан ҳосил йиғиб олган қаҳрамонимиз 2022 йили ғалла майдонларидан 75 центнердан хирмон кўтариш мақсадида астойдил ҳаракат қилмоқда. Даласидаги майсалар авжига қараганда, ҳосил унданда зиёдроқ бўлишига ишонамиз.



Суратда: (чапдан) Оққўрғон туман ҳокимининг қишлоқ хўжалиги ишлари бўйича ўринбосари Фахриддин Пардаев, “Оллоберди Мурод” фермер хўжалиги раҳбари Мурод Навватов. (Суръат пахта терими даврида олинган.)

Оққўрғонлик фермерлардан яна бири билан танишдик. У “Ёқубжон Иззат” фермер хўжалиги раҳбари Искандар Очилов экан. Ҳар бир туманнинг ўзига хос, ўзига мос қаҳрамонлари, фахр-ифтихорлари бор. Юқорида “Ватан” иборасини такрор-такрор айтиб ўтдик. Ватан ўзи нимаси билан қудратли? Аввало, одамларнинг қайноқ меҳри, қадр-қиммати, садоқати, олийжаноблиги билан эмасми?!

Оққўрғонликлар ҳам ана шундай – ўз халқига, Ватанига садоқатли, юрагида ўтти муҳаббати борлардан.



Суратда: (чапдан) Оққўрғон ҳудуди раҳбари Шотемир Бабашов, “Ёқубжон Иззат” фермер хўжалиги раҳбари Искандар Очилов

Искандаржон 32 гектар пахта майдонидан 42 центнердан, 48 гектар ғалла майдонидан 72 центнердан ҳосил йиғиб олган марду-майдонлардан экан.

Ерга қачон нима солишни билиш керак, — дейди у. — Ерни бегона ўтлардан тозалаб, оби-тобида сув бериб, экинимизни доимо меҳр билан парваришласак, кўзлаган натижага эришаверамиз.

Ўрта Чирчиқ туманидаги “Сайфулла Бехрузбек” номли фермер хўжалиги раҳбари Нуриддин Бозоров ҳам доимо режаларни ортиги билан бажариб, туман меҳнаткашлари орасида обрў-эътибор топаётганлардан.

Ризку-насибамиз шу тупроқдан экан, ўзимизни ҳам, ўзгаларни ҳам, айниқса, она заминни алдашга ҳаққимиз йўқ, — дейди фермер. — Деҳқончиликда агротехника қоидаларига амал қилиш керак, ҳосил мўл бўлиб, шунда бойлик ўз-ўзидан келаверади.

60 гектар пахтадан жорий йилда 41 центнердан, 80 гектар ғалла майдонидан 70 центнердан ҳосил йиғиб олган фермернинг келгусидаги режалари бисёр.

30 бош мол, 400 бош товуқ, 50 бош қўйлари сонини кўпайтириб, фаолиятини кенгайтирмоқчи. Забардаст кўп тармоқли фермер бўлмоқчи.

Биз сизга ҳикоя қилган фермерларимиз ҳомийликда ҳам доимо биринчилардан. Камтарликлари боис бу ҳақда гапиргилари келмади.

Асосийси, уларда она юртга ўтти муҳаббат, фидокорлик, меҳнатсеварлик, изланувчанлик, юрак поклиги бор. Шундай экан, Президентимиз айтганларидай, фақат юксак муваффақиятлар сари интилиб яшайверамиз.

Раъно ТОЖАЛИЕВА,
ўз мухбиримиз.

БАРАКА — ҲАЛОЛ МЕҲНАТДА

Орамизда шундай фермерларимиз борки, уларни тинимсиз изланиши, ҳалол меҳнатлари эл-улусга танилади. Танилишнинг биргина ўзи камлик қилади, улар куйиб-ёнишлари, елиб-югуришларию адолат мезонларидаги қарашлари билан обрў-эътибор топишади. Бу эса ҳаёт йўлларини янада нурафшон қилаверади.

Избоскан туманида Урганжи массиви бор. Эли “устоз” дея фахрланадиган “Бойтўра ҳосил барака” номли фермер хўжалиги раҳбари Абдусалом Ниязов ана шу ерда истиқомат қилади. У камтар, каттаю кичикни бирдай хурмат қилганлиги боис обрў-эътибор топаётган кенг феъллилар тоифасидан.

— Инсон ажойиб хислатларга эга бўлишлигининг ўзи кифоя эмас, улардан фойдалана билиш керак, — дейди у вазминлик билан. — Ҳар бир касбнинг ўз илми, сир-асрори бор.

Фидойилик, самимийлик меҳнатнинг одоби. Фермер дегани ким? У сўзнинг маъносини, маъзини чақа оляпмизми? Бизга қараб турган элнинг ишончини оқлай оляпмизми? Уларга қандай ёрдам бераймиз? Ана шу саволлар ҳақида ўйлайди. У 20 гектар пахта майдони, 24 гектар ғалла майдонини ҳар йили алмашлаб экиш, ўз вақтида ер ҳолатига қараб агротехник ишларни мунтазам олиб боришлари эвазига ҳосилдорлик кўзлангандан юқори, режалар ортиғи билан бажарилади.

Отахоннинг Акмалжон, Акрамжон, Омаджондай меҳрибон, меҳнаткаш ўғиллари доимо ёнида кўмакчи.



Суратда: “Бойтўра ҳосил барака” фермер хўжалиги раҳбари Абдусалом Ниязов ўғиллари билан

Андижон тумани азал-азалдан фидойи деҳқонлари билан тилга тушган. Ушбу туманнинг “Азимов неъмат” номли фермер хўжалиги раҳбари Нозимжон Маҳмудов далаларида бўлди.

28 гектар майдонга экилган бугдойзорлар гўзал бир манзарага айланган. Майсалар ривож келгуси йилда 70 центнердан ҳосил йиғиб олишга ишонч бағишлайди.

21,7 гектар пахта майдонидан 41 центнердан ҳосил йиғиб олди. Теримчилар ҳам хурсанд. — дейди фермер.

“Патидинов” номли массив раҳбари, фермерлар сардори Нозимжонга ғайрат, соғлиқ тилаб хайрлашди.



Суратда: (чапдан) Андижон туманидаги “Азимов неъмат” фермер хўжалиги раҳбари Нозимжон Маҳмудов ва туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бош мутахасиси Муҳаммадрасул Араббоев.

Булоқбоши туманидаги “Сарбонтепа фахри” номли фермер хўжалиги раҳбари Эркинжон Усмонов 2021 йилги пахта мавсумида 35 гектар пахта майдонидан 42 центнердан ҳосил йиғиб олибди.



Суратда: (чапдан) Булоқбоши туманидаги “Сарбонтепа фахри” фермер хўжалиги раҳбари Эркинжон Усмонов ва тумандаги қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Маҳмуд Аблиязов

Дарвоқе, у туманда биринчилардан бўлиб режани бажаргани учун туман ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари билан сийланганидан хурсанд.

Меҳнат ҳам ўзимизники, даромад ҳам, — дейди фермер. — Ерни сенга ишониб топширишдими, увол қилишга ҳаққинг йўқ. Виждон ва Аллоҳ олдида ҳалол ишламоқ керак. 50 гектар ғалла майдонимиздаги майсалар ҳам ишлов яхши бўлганлиги боис кун сайин бўй чўзмоқда.

Ушбу туманнинг “Мансурбек Нурматов ерлари” номли фермер хўжалиги раҳбари Мансурбек Нурматов ёш, аммо анчагина уддабурон. Устози эса — дадаси. Билмаганларини ўрганади,



Суратда: (ўнган) “Мансурбек Нурматов ерлари” фермер хўжалиги раҳбари Мансурбек Нурматов ва механизатор Саид Аҳмад Жўраев

изланиб, фермер хўжалигининг ривожланишида фақат олдинга интилади. 42 гектар пахта майдонидан 40 центнердан ҳосил йиғиб олиб, туман илғорлари сафида хурмат-эътибор топмоқда.

Халқимизда “Ерни боқсанг, ер сени боқади”, деган ажойиб гап бор, — дейди у. — Оби-тобида олиб борилган агротехник тадбирлар ўз самарасини бермоқда. 3 гектар узум, 1 гектар олма боғларининг ҳам ҳосили мўл. Эплаб

сотилса, даромад устига яна даромад-да. Инсофли, диёнатли Мансурбек жамоа аъзолари ва қишлоқдошларидан ҳам ҳеч қачон ёрдами аямайди.

Асака тумани асосан мева-сабзавот, узумчиликка мослашган. Иқлими ҳам шунга мос. Ушбу тумanning “Маҳаммадjon узум боғ” номли фермер хўжалиги раҳбари Шуҳратилло Ўринбоевнинг иш фаолияти ҳақида туман раҳбарлари анчагина ижобий фикрлар айтишди. Туман Қишлоқ хўжалиги бўлимидаги мевачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик бўйича бош мутахассис Тўхтаон Жабборов ва ҳамроҳлигида шу фермернинг фаолиятини ёритмоқ мақсадида йўлга отландик.



Суратда: Асака тумани “Маҳаммадjon узум боғ” фермер хўжалиги раҳбари Шуҳратилло Ўринбоев ҳамда фермер хўжалиги аъзолари Каромат Йўлчиева ва Шахноза Ашурова

Шуҳратиллонинг самимий, содда, беғубор йигитлигини суҳбат асносида билиб олдик.

— 2 гектар узум, 3 гектар ёнғоқ, 1 гектар олма, ўрик экилган интенсив боғларимиз бор. — дейди фермер. — 140 бош бўрдоқи, 60 бош наслчиликка мўлжалланган молларимизни ҳам рацион асосида парваришляяпмиз. 50 сотикда балиқхонамиз бор. Хуллас, “Йигит кишига қирқ хунар ҳам оз” деганларидай, баҳоли қудрат ишляяпмизда, опа!

— Мулкдорсиз, сўраш ноқулай, чунки мулк сизники, даромад ҳам ўзига ярашами?

Ҳисоб-китоб қилмайман, баракасини берсин. Фермер аъзолари, кўни-қўшни, кам таъминланганлар билан баҳам кўриб яшляяпмиз.

Шуҳратиллога омадлар тилаб хайрлашдик.

Олтинкўл туманидаги “Жалилбой саховати” фермер хўжалиги раҳбари Абдужалил Аҳмадқуловнинг асл касби ўқитувчи. Аммо ерга бўлган меҳр, иштиёқ уни саховатли замин сари етаклади. 2007 йили фермер бўлишга аҳд қилган қаҳрамонимизга туман раҳбарлари ишонди.

— Айна кунда ихтиёримизда 23,4 гектар пахта майдони бўлиб, кузги йиғим-теримда 45 центнердан ҳосил йиғиб-териб олдик, — дейди фермер. — Жорий йил 29,6 гектар ғалла майдонидан 70 центнердан хирмон кўтардик. — Даладаги магазин, турли хил интенсив балиқлардан фермер аъзолари фойдаланишади. Айнақса, йиғим-терим пайтида бозорга бориб юрмай, дала дўконидан рўзгорларига керакли маҳсулотларни харид қилишади. Иқболжон, Бахтиёржон, Илҳомжон, Дилшодбек Абдужалил акага ёрдамчи. Аҳил-иноқ оилага ҳавас қилса арзийди.

Андижонлик фермерлар ҳузуридан кўтаринки кайфиятда қайтдик.

Раъно ЮСУПОВА.
ўз мухбиримиз.

Серқуёш Ўзбекистонимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётган аграр соҳа ходимларини, барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 29 йиллиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни билан чин дилдан табрикляймиз.

Озодлик ва истиқлол нури қалбимизни нурафшон айлаб, ҳар бир кунимиз омадларга тўла бўлсин!



Шоличилик илмий-тадқиқот институти жамоаси



САМИМИЯТНИНГ НУРЛИ ЙЎЛЛАРИ

Сокин куз кунлари саёхатга чиқиш, унинг ла-тофатли, назокатли гўзаллигидан баҳра олиш, барглarning шитирлаб тўкилишларига маҳлиё боқиш нақадар ёқимли.

Айниқса, куз ҳавосидай ёқимли беғубор халқнинг борлигидан, уларнинг юрт равнақи йўлида фидойилик қилаётганликларидан, йил бўйи қилинган меҳнатнинг баракали меваларини йиғиб-териб олишларидан севиниб ёзиш нақадар ёқимли. Самимиятнинг нурли йўлларидаги фидойиликларини кўриб, ҳорманг, толманг, раҳмат дегинг келади.

Бундай инсонлар ўзи учун тириклигидаёқ номини абадий қолдирадилар. Сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонларимиз Фарғоналик бир гуруҳ дала заҳматкашлари – фермерлар.

Ёзёвон тумани бир вақтлар чўлу-биёбон бўлганлиги бор гап. Айни кунда гўзал масканга, меҳр берсангиз, меҳр қайтара оладиган унумдор тупроғи борлигидан лол қолмай илож қанча? Қачон борсангиз эъзозлай оладиган очикқўнги, тўғри сўз одамлари борлигини айтмайсизми? Ушбу тумanning “Элёр-Н” номли фермер хўжалиги раҳбари Элёрбек Назиров билан далада суҳбатлашдик.

Экилган буғдойзорларини оралаб юрган фермернинг кайфияти чоғ.

— Ҳорманг, хатоси йўқми?

— Опа, гўзаллигини қаранг, бир хил, бўйи-бастига мос ўсяпти. Далага келсам кайфиям кўтарилди, меҳнатимнинг жавоби аъло эканлигидан ғурурланиб кетаман.

Гўзалар оралатиб, очик майдонга экилган буғдойзорлар чин маънода гўзал. Ҳадемай, баҳор бошланади, далалардан ёқимли нон ҳиди кела бошлайди. Худо хоҳласа фермер буғдойзорларидан 70-75 центнердан дуру-гавҳар йиғиб олиши аниқ.

— Жорий йилда 25 гектар ердаги пахтазорлардан 40 центнердан ҳосил йиғиб олдик, — дейди Элёрбек. — Режани биринчилардан бўлиб бажардик. Шунга яраша ҳоқимимиз мукофотлар берди. Бу йил эса 46 гектар майдонга буғдой уруғлари сепдик, натижасини кўриб турибсизлар. “Меҳнатнинг таги роҳат”, ақл, ирода, сабр билан қилинган иш, албатта, натижасини беради-да.



Суратда: (чапдан) Ёзёвон тумани “Элёр-Н” фермер хўжалиги раҳбари Элёрбек Назиров, Марказий Фарғона ММТП раҳбари Олимжон Ғофуров



Суратда: (чапдан) Қўштепа тумани қишлоқ хўжалиги бошқармаси мутахассиси Сохибжон Ўринбоев ва “Оқ олтин Элдорбек ери” фермер хўжалиги раҳбари Саидаббор Тожибоев.

Қўштепа тумани Ёзёвон тумани билан қўшни. Ушбу тумanning “Оқ олтин Элдорбек ери” номли фермер хўжалиги раҳбари Саидаббор Тожибоев қўшниларида қолишмайдиган уддабурро, фидойи ишбилармонлардан.

54 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28 центнер ўрнига 35 центнердан ҳосил йиғиб олибди. Ишлов яхши бўлганлиги боис режани ортиғи билан бажарибди. Пахтадан бўшаган ерларда буғдойзорлар майсалари униб чиққан, далага файз бериб, кун сайин бўй чўзмоқда.

Жорий йилда 52 гектар ердаги буғдойзорларидан 70 центнердан ҳосил йиғиб олибди. 178 тоннасини давлатга топширган бўлса 100 тоннаси ўзи ва фермер аъзоларига тарқатилган.

— Режаларни ортиғи билан бажаришда сувчимиз Жўраев Рустам, механизатор Муродали Набиев, иш юритувчимиз Элмурод Мирзахоновнинг хизматлари катта. Вақтида ер билан тиллаша олганликлари боис юқори натижаларга эришяпмиз — дейди у ғурур билан.

Фарғона тумани фидойилари ҳам тиним билмай қилган меҳнатлари эвазига кўрсаткичлари юқорилаб бормоқда.

Ушбу тумanning “Қўрғонтепа Рустам-Абдурахим замин” фермер хўжалиги раҳбари Абдумалик Ҳошимовни туман аҳли яхши танийди, у халқи орасида эътиборда, эъзозда.

40,8 гектар пахта майдонидаги унумдор тупроқдан жорий йил 42 центнердан ҳосил йиғиб олиб, туманда илғор фермер мақомига эришибди. 60 гектар ғалла майдонидан эса 70 центнердан хирмон кўтарган.

— 150 бош қорамолни Германия давлатидан олиб келдик, — дейди фермер, — 150 бош қўйларимиз ҳам бор. Туман Агробанкидан 580 млн. Сўм кредит олиб, томчилатиб сўғоришни жорий қилдик.

Ҳа, азиз мухлис, “Изланса имкон топилади” дейди доно халқимиз. Ўша доноларнинг бири бўлмиш Абдумалик ака келажакда сутни қайта ишлаш цехини қуришни режалаштирмоқда, 10 хил сут маҳсулотларини гўзал қадоқларга жойлаб, халқига арзон нархларда сотмоқчи.

Самимиятнинг нурли йўллари самимий одамлар қалбида порлагай. Тошлоқ туманидаги “Тошлоқ оқ олтини” фермер хўжалиги раҳбари Лутфилла Норматов 2021 йилда 28 гектар ғалла майдонидан 70 центнердан, 30 гектар пахта майдонидан эса 40 центнердан момиқ толаларни териб олган.

Пахта ораларидаги бўшаган ерларга сепилган 30 гектарлик буғдойзор ям-яшил бўлиб, гўзал қиёфада кўзга ташланиб турибди.

Бундай гўзалликни яратишнинг ўзи бўлмагандир. Қишдан соғлом олиб чиқсангиз, марра 75 бўлар-ов!?

Кузги ғалла экинларининг қишдан соғлом чиқиши ғалланинг эрта ва мақбул муддатларда экилиши, уруғнинг бир текис униб чиқиши ва ниҳолларнинг яхши ривожланишига боғлиқ. Калий, азот ва фосфор етарли даражада сепилса, шунга яраша ҳосил олинади. Хуллас, фермер бўлдикми, ерни увол қилмай, дардлашиб, диллашибгина юқори тонналар олишга эришишимиз мумкин.

260 бош қорамол, 5 гектардаги балиқхона, сутни қайта ишлаш мини-цеҳи ҳам фермер хўжалигига тегишли.

Ушбу туманнинг “Боймат Шерматов” номли фермер хўжалиги раҳбари Жасурбек Шерматовнинг иш услуби ўзгача. Уста деҳқонлар билан маслаҳатлашиб, ерни оби-тобига келтирмагунча кўнгли тинчимайди. “Масъулиятли, билимли

йигит” — дея ҳурмат қилишади туман раҳбарлари. Жорий йил 52 гектар ғалла майдонидан 75 центнердан, 33 гектар пахта майдонидан эса 45 центнердан ҳосил йиғиб олиб, туманда биринчилардан бўлиб режаларни ортиғи билан бажарган.

Ёш бўлишига қарамай, талабчан, ўз меъёрида меҳрибон. Кам таъминланганларга, ёш йигит-қизларга ғалладан бўшаган ерларни хоҳишларига қараб бўлиб берган.

Бундан рози бўлган қишлоқдошлари Жасурбекни дуолар қиладилар.

Фарғоналик фермерлар ана шунақа, самимиятнинг нурли йўлларини ёритувчи ойдин ойнанинг ўғил-қизлари. Ишларингиз доимо ривож топиб, эл бахтига соғ-солومات бўлинг. Омад доимо ҳамроҳ бўлаверсин.

Ўз мухбиримиз.



ОРЗУЛАРИ МЎЛ ДЕҲҚОН

Заҳматкаш деҳқоннинг, юрагида қўри бор. У қишин-ёзин тинмайди, қишда ер яхлаганида ҳам заррин сув юзини босиб турган музлаган даласини ўйлайди. Айниқса, Хоразм деҳқони вақтида ер шўрларини ювмаса, баҳорда шўрланиш кучайиши мумкин. Ёгингарчилик кам бўладиган Хоразм заминиде яшаётган ҳар бир деҳқон далаларидаги ҳосилни йиғиб олиши шур ювиш ишларига эътибор қаратади.

Урганч туманидаги “Юқори Дўрмон” қишлоғи Гулистон ҳудудида жойлашган “Ражаб ота Жуманов” фермер хўжалиги 2004 йилда 10 гектар ерга пахта-ғалла экиб, 4 нафар ишчи-хизматчи билан иш бошлаган эди. Хўжалик раҳбари деҳқон оиласида туғилиб ўсган Тўрабой Жуманов ҳар бир ишни режа асосида олиб боради. У 1986 йилдан колхозда табелчи бўлиб ишлаганлиги боисидан ҳам ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхши билади. Қачон суғоришу қачон нима экиш ва йиғиб олиш кераклигини қатъий белгилайди.

Биз хўжаликка борганимизда далалардаги сўнги ҳосил йиғиб-териб олинаётган эди. Демак, кеч кузги ишлар бошлаб юборилган. Тез кунларда далалар бети уммон янглиғ сувга тўлиб, шўр ювиш бошланади. Фермер шунга ҳозирлик кўрмоқда.

– Бу йил 36 гектар ер майдонига экилган ғалланинг ҳар гектаридан 90 центнердан ҳосил йиғиб, қилинган шартномалар асосида 100 тонна “Хоразм дон” АЖГа, 26 тонна сара ғалла донлари “Хоразм нурли замин” кластер ташкилотига топширдик, – дейди фермер. – Ғалладан бўшаган майдонларга ўз вақтида экилган сабзавот-полиз маҳсулотлари ички бозорни таъминлашда, аъзоларимизнинг рўзгорини бутлашда имкон туғдирди. Яхшигина даромадга эга бўлдик.

100 гектар умумий ер майдонига эга хўжаликда пахта, ғалла, сабзавот, полиз экинлари етиштирилади. 33 нафар асосий ишчиси бор, мавсумда уларнинг сони 50-60 нафарга етади. Жорий йилда 58 гектар пахта майдонларининг ҳар гектаридан 47 центнердан ҳосил олинди. Бу майдонларнинг

30 фоизи томчилатиб суғориш тизимига ўтказилган. Етиштирилган пахта хомашёси қилинган шартномага кўра “Urganch kluster”га вақтида етказиб берилди.

Юқоридаги ишларда механизатор ва сувчиларнинг фермер билан тонг отишидан кун ботишигача, гоҳида тунлари ҳам қилган меҳнатлари эвазига бўлганлиги сир эмас, албатта. Сувчилар Ғулом Султонов, Ғани Қорабаев, Ғулом Сафаров, механизаторлар Бекназар Юсупов, Раҳматжон Матсапаев, Рашид Жуманов ва бошқа ишчи-хизматчиларнинг аҳиллиги, саъй-ҳаракатлари боис хўжаликда ҳар бир иш ўз вақтида олиб борилмоқда.

Бу йил хўжаликнинг умумий даромади 2 млрд. 100 минг сўмни ташкил қилди. Соф фойда эса 760 млн. сўмдан анча зиёд. Бу фойда бекорга сарфланмайди. Тўрабой Жуманов келажакда буғдойни қайта ишловчи катта тегиримон қуришни ният қилган. Ҳозирда 20 бош қорамоли бор, насли қорамоллар ҳарид қилиб, чорва маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи. Буларнинг барини вақт кўрсатади, “Яхши ният – ярим давлат”, деган гап бор.

Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни байрами арафасида эл дастурхонига муносиб ҳисса қўшиб келаятган урганчлик барча деҳқонларга омад, соғлиқ ва тўқинлик тилаймиз. Байраминг муборак бўлсин, азиз бобо деҳқонлар.

Сурапта: Тўрабой Жуманов.

Шукуржон СОДИҚОВА,
ўз мухбиримиз.

ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРҚОРЛИКДА МЕҲНАТГА ДОИР МУНОСАБАТЛАР

Меҳнат фаолиятини якка тартибдаги тадбирқорлик – ЯТТдан бошлаётган шахсларга меҳнат дафтарчаларини ҳозирча доимий яшаш жойидаги Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари расмийлаштирмоқда. Меҳнат дафтарчасини (ёки унинг дубликатини) берганлик учун ЯТТдан ЭКИҲнинг 10%ига-ча миқдорда ҳақ ундирилади. ЯТТ бошқа ишга жойлашгунча ёки унинг яшаш жойи ўзгарган, унга пенсия тайинланган, якка тартибдаги меҳнат фаолияти тугатилган тақдирда унинг меҳнат дафтарчаси Пенсия жамғармаси бўлимида сақланади. Агар якка тартибдаги тадбирқорлик фаолияти жисмоний шахс учун қўшимча фаолият ҳисобланса, унинг меҳнат дафтарчаси асосий иш жойида юригилади.

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ЯТТнинг меҳнат стажи ва иш ҳақи Пенсия жамғармаси бўлими томонидан суғурта бадаллари тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар асосида ҳисобга олинади. Пенсия миқдори тўланган суғурта бадаллари миқдори ва иш стажининг давомийлигига боғлиқ бўлади.

ЯТТ Пенсия жамғармасига тўлаган суғурта бадаллари ҳисоби унинг доимий

яшаш жойидаги ДСИ ва ПЖ бўлимида юригилади. Бунинг учун ЯТТ Пенсия жамғармаси бўлимида ҳисобда туриши шарт. Суғурта бадаллари тўланганлигини ЯТТ махсус Суғурта бадаллари тўланишини ҳисобга олиш дафтарчасида қайд этади. Уни Пенсия жамғармаси бўлими очади. ЯТТ хоҳишга қараб Ҳисобга олиш дафтарчасидаги ёзувларни Пенсия жамғармаси бўлимида мавжуд маълумотлар билан солиштириши мумкин. Солиштириш натижалари Ҳисобга олиш дафтарчасига киритилади ҳамда ЯТТ ва Пенсия жамғармаси бўлими масъул ходимларининг имзоси билан тасдиқланади.

Агар ЯТТ меҳнат дафтарчасига эга бўлмаган ёки у йўқолган бўлса, пенсия тай-

кўрсатмалари билан тасдиқланмайди.

Фаолият тўхтатилган ёки доимий яшаш жойи ўзгарган тақдирда Пенсия жамғармаси бўлими ЯТТ мурожаат этган куни меҳнат дафтарчасини қўлига беради.

Пенсия тайинлаш учун ЯТТнинг иш стажини ҳисоблаб чиқишда, агар Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадаллари суммаси ушбу йилнинг барча ойлари учун белгиланган энг кам суғурта бадалларидан кам бўлмаса (тўланган пеняларни ҳисобга олмаган ҳолда), иш стажига календарь йил қўшилади.

Пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олиннадиган аниқ бир ой (йил) учун ЯТТнинг даромади Пенсия жамғармасига тўланган ойлик (йиллик) суғурта бадаллари суммасини тўлаш даврида амалда бўлган ягона ижтимоий тўлов (микро-фирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек фермер хўжаликлари учун) ва суғурта бадалларининг қонун ҳужжатларида белгиланган умумий ставкасига бўлиш ҳамда олинган натижани 100 га кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Илҳом ЁРИЕВ,
Жинойат ишлари бўйича
Сирдарё туман суди раиси.

“ Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юригади.

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси,
22-боб, 106-модда.**

инлаш учун зарур бўлган иш стажи фақат тўлов ҳужжатлари билан тасдиқланган Ҳисобга олиш дафтарчасидаги ёзувлар асосида ҳисоблаб чиқилади. Суғурта бадалларини тўлаш далили гувоҳлар

ТАДБИРҚОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ БАНКЛАРДАГИ ҲИСОВВАРАҚЛАР ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТЎХТАТИШ БЎЙИЧА АСОСЛАР

Иқтисодий Процессуал кодексининг 215-моддасига кўра, иқтисодий судлар банклардаги ҳисовварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш билан боғлиқ ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ваколатига эга.

Солиқ кодексининг 111-моддасига кўра, Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисовварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисовварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисовварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисовварақлари бўйича опе-

рацияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор электрон шаклда солиқ органи томонидан банкка юборилади. Бир вақтнинг ўзида солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига унинг банкдаги ҳисовварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисида хабарнома бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда юборилади.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбирқорларнинг банкдаги ҳисовварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун қуйидаги ҳолларда, яъни:

1) ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда;

2) солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органининг камерал солиқ

текшируви натижалари бўйича талабномасига тушунтиришлар ва (ёки) тузатишлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

3) солиқ текширувини ўтказмаётган солиқ органларининг мансабдор шахсларини кўрсатилган ҳудудга ёки бинога (бундан турар жойлар мустасно) киришига тўсқинлик қилишда. Солиқ органи мансабдор шахсининг киришига тўсқинлик қилиниши унинг ўзи ва текширилаётган шахс томонидан имзоланадиган далолатнома билан расмийлаштирилади. Бундай далолатнома асосида солиқ органи банкдаги ҳисовварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туради;

4) солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ўзи кўрсатган манзилда йўқлигида қўлланиши мумкин.

Анвар СУВОНҚУЛОВ,
Оқолтин туманлараро
иқтисодий суди раиси.

ИЗМЕНЧИВОСТЬ ПРИЗНАКА «ВЫСОТА РАСТЕНИЯ, НА 31.08.2019 Г.» У ПЕРСПЕКТИВНЫХ СЕЛЕКЦИОННО-ЗНАЧИМЫХ СЛОЖНЫХ И ПАРНЫХ МЕЖЛИНЕЙНЫХ ГИБРИДНЫХ КОМБИНАЦИЙ ХЛОПЧАТНИКА ВИДА *G. HIRSUTUM L.*

*The article presents the results of studies to establish the genetic patterns of variability on the basis of "plant height, 08.31.2019." in promising breeding-significant complex and paired interlinear hybrid combinations of cotton species *G. hirsutum L.* The established patterns allowed us to draw the following conclusion: - all complex and paired hybrid combinations involved in the experiment, in addition to the fact that they differ in average height of the plant, are also of high variety cleanliness, judging by the magnitude of the standard deviation, which is very important from a selection point of view, especially when machine harvesting raw cotton.*

В мировой практике растениеводства для сокращения объемов, применяемых искусственных минеральных удобрений проводится поиск эффективных стимуляторов роста растений. Опыт исследований в области электрообработки позволяет рассмотреть альтернативный способ повышения продуктивности сельскохозяйственных культур на основе воздействия искусственных ультрафиолетовых и электромагнитных процессов облучения на объекты (семена, растения, почвы) с учетом экологических требований предельно допустимых норм параметров излучения.

Наиболее известные экспериментальные и теоретические работы по облучению различных биологических объектов (семена, микроводоросли, дрожжи, бактерии) сверхвысокочастотным, микроволновым и лазерным излучениями. Разработаны приборы предпосевной обработки семян, в которых засыпанные семена облучаются электромагнитными полями различных частот малой мощности в течение короткого времени.

Актуальной проблемой по-прежнему остается ускоренное выведение и внедрение в производство новых сортов хлопчатника, а также сохранение чистой экологии в зонах хлопкосеяния Узбекистана за счет отказа от химической протравки и минимального использования во время вегетации химических средств защиты от насекомых.

Цель исследований на 2019 год, исходя из решаемой проблемы определена следующая — использование ранее созданного селекционного материала при выделении лучшего линейного, его максимальном размножении за счет оптимального использования воздействия ультрафиолетового облучения (УФО) на вовлеченный в полевой эксперимент селекционный материал.

Для достижения указанной цели определены следующие задачи:

- изучить возможность создания чистосортного оригинального материала на ранних этапах селекции;
- выявить и размножить лучший селекционный материал.

Семена полевых культур — хлопчатника, зерновых масличных и других основное средство сохранения на земле видовых разнообразий растений, через которые происходит воспроизводство и размножение культурных видов растений. Качественные семена залог получения высокого урожая любой сельскохозяйственной культуры. Значение качества семян находило отражение в работах ученых.

Соисполнителем № 1 в 2019 году проведены исследования в рамках мега проекта БМВ-Ф-5-003, в полевых условиях производственного отдела научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращива-

ния хлопка (НИИССАВХ), Ташкентской области.

Температурные условия 2019 года во время проведения полевых опытов оказались несколько неблагоприятными (пониженные среднесуточные температуры воздуха в апреле-июне), посев в означенный период проводился 28 апреля. Растения развивались при постоянно повышающихся температурах, а жаркое лето и теплая осень позволили завершить уборку экспериментального семенного хлопка-сырца к 25 сентября.

Во время проведения опытов на участке проводилось 5 мотыжений, 2 прополки сорняков, два прореживания всходов, 5 нарезок борозд перед поливами, 5 тракторных культиваций после поливов и 5 вегетационных полива. Одновременно с первой нарезкой борозд вносилось - 300 кг/га аммиачной селитры, KCL – 80 кг/га. Во вторую подкормку вносилось 200 кг/га карбомида и 150 кг/га аммиачной селитры. В третью подкормку вносилось – 150 кг/га карбомида.

Полевые опыты закладывались в полевых условиях полевого отдела НИИССАВХ. Питомник размножения закладывался 1-рядковыми, 40-луночными деланками с участием ранее созданных линий, гибридных комбинаций и семей.

Вариационно-статистическая обработка результатов исследований проводилась по Доспехову.

В полевом опыте 2019 года использовался лучший вариант воздействия на семена и растения по результатам предыдущих исследований проведенных в 2017-2019 годы, а именно воздействие УФО на семена в течение 15 минут, оказанном на посевные семена и 3 разовое воздействие УФО на вегетирующие растения в 2019 году с интервалом в 26 дней. При этом первое воздействие УФО на растения приурочивалось к фазе развития массовой бутонизации.

С целью повышения коэффициента размножения семян у селекционно-значимых сложных и парных гибридных комбинаций, при подготовке посевных семян и во время вегетации оказывалось стимулирующее комплексное воздействие ультрафиолетового облучения и лазерного излучения. При этом в опыте использовались оптимальные сроки и дозы воздействия вышеназванным фактором - УФО.

Впервые вышеназванный метод воздействия на посевные семена и вегетирующие растения использовался на вовлеченный в полевой эксперимент селекционно-значимый материал различного происхождения.

Исходя из вышесказанного можно отметить, что одним из основных задач проводимых исследований является установление влияния вышеназванного фактора на средние величины анализируемого признака (M) и стандартного отклонения (δ).

Таблица 1.

Изменчивость признака «высота растения, на 31.08.2019 г.» у перспективных селекционно-значимых сложных и парных межлинейных гибридных комбинаций старших поколений хлопчатника вида *G.hirsutum* L.

№	Название сорта и гибридные комбинации	n	K=15 см				M±m см	δ	V%
			71-85	86-100	116-130	131-145			
1	C-6524 (st)	59	11	24	18	6	104,43±2,97	22,81	21,84
2	Бухара-6 (st)	80	18	34	10	18	95,00±1,45	12,99	13,67
3	Наманган-77 (st)	63	6	32	16	9	100,17±1,81	14,37	14,34
4	F ₁₁ [F ₆ (Л-101 x Л-106) x Л-105]	2143	342	1537	256	8	93,01±0,18	8,13	8,74
5	F ₁₁ [F ₆ (Л-105 x Л-106) x Л-105]	903	403	470	30		87,30±0,35	10,38	11,90
6	F ₁₆ Темпбур x Наманган-77	279	77	197	4	1	89,68±0,50	8,28	9,23
7	F ₁₂ Л-210 x Л-89	147	29	59	44	15	98,09±1,18	14,26	14,54

У сортов стандартов С-6524, Бухара-6 и Наманган-77, как это видно из таблицы 1 средняя величина признака «высота растения, на 31.08.2019 г.» находилось соответственно на уровне 104.43 см, 95.00 см и 100.17 см, при этом единообразии растений вышеназванных сортов не высокая, судя по величине стандартного отклонения (δ), которая соответственно равнялась величинам 22.81, 12.99 и 14.37. Из чего следует, что такой высокой сортовой чистотой отличался сорт-стандарт Бухара-6.

Анализируя результаты исследований по признаку «высота растения, на 31.08.2019 г.» в полевом опыте к сортам-стандартам и вовлеченным в эксперимент гибридным комбинациям различных поколений и обладающих повышенной величиной анализируемого признака следует отнести такие, как соответственно С-6524 и Наманган-77, у остальных объектов изучения менее самого низкорослого сорта-стандарта Бухара-6 и находится в пределах от 87.30 см у гибридной комбинации F₁₁[F₆(Л-105 x Л-106) x Л-105] до 98.09 у парной межлинейной гибридной комбинации Л-210 x Л-89.

Анализируя вовлеченные в эксперимент сложные и парные межлинейные гибриды, представляющие значительный интерес в селекции нового сорта хлопчатника следует ска-

зать, что они обладают значительно меньшей величиной стандартного отклонения (δ) нежели, чем сорта-стандарты. При этом минимальная величина стандартного отклонения (δ) отмечена у сложной межлинейной гибридной комбинации F₁₁[F₆(Л-101 x Л-106) x Л-105], у которой она равняется величине 8.13. При этом максимальная величина стандартного отклонения (δ) отмечена у парной межлинейной гибридной комбинации F₁₂Л-210 x Л-89, у которой она равняется величине 14.26.

Из полученных результатов полевых исследований по признаку «высота растения, на 31.08.2019 г.», которые представлены в таблице 1 следует сделать вывод:

- все вовлеченные в эксперимент сложные и парные гибридные комбинации, помимо того, что отличаются средней высотой растения, еще и высокой сортовой чистотой, судя по величине стандартного отклонения.

Аъзам РАВШАНОВ, д.с/х.н.,
Анастасия БАКИРОВА, докторант,
Абдулла КУРБОНОВ, д.с/х.н.,
Виктор АВТОНОМОВ, д.с/х.н., проф.,
Умид КАЮМОВ, д.ф. (PhD),
НИИССАВХ.

ЛИТЕРАТУРА

- Быстрой М.Ф. Влияние экологических условий выращивания семян хлопчатника на продуктивность их потомства. «Хлопководство», изд. Колос.-1958.-С. 43-44.
- Болотов А.Т. Избр. соч. под ред. И.М.Полякова и А.П.Бердашева.// Изд. Московского общества испытателей природы. -Москва.-1952.
- Бабушкин Л.Н. Влияние погоды на развитие хлопчатника в Узбекистане. // Гидрометеоиздат. -Ленинград, 1953. – С.53.
- Бабушкин Л.Н. Агрометеорологическое районирование хлопковой зоны Средней Азии // Гидрометеоиздат.-Москва, 1960. -С.71-91 1.
- Вавилов Н.И. Учение об иммунитете растений к инфекционным заболеваниям. –М., 1935. -С. 10-15.
- Дарвин Ч. Происхождение видов // Сочинения Т.3. — М.: Сельхозиздат,1939. -С.350.
- Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. —М.: Колос, 1979 г.
- Джафаров Ш. Влияние экологических условий и сроков сбора хлопка - сырца на посевные качества семян. //Ж. Хлопководство. 1980. -№11.
- ЕнилеевХ.Х. Нормы реакции семян хлопчатника на температуру и влияние внутренних и внешних факторов на их прорастание. // Изд. АН УзССР. 1948. №3.-С. 28-43.
- Зайцев Г.С. Цветение, плодообразование и раскрытие коробочек у хлопчатника.// Труды Туркестанской селекц. станции, вып. 1, 1924.— Л.: «Туркхлопок». - С. 391-460.
- Зайцев Г.С. Хлопчатник. // Изд. 3-е. -Ленинград-Ташкент, 1930. -С. 179.
- Лукьяненко П.П. Отбор по удельному весу, как метод повышения урожайных качеств семян // Ж.: Селекция и семеноводство, 1940, -№ 3 - С.39.
- Мечиславский Ю.А. и др. Физиологические особенности разнокачественных семян хлопчатника. // Физиология растений. Т. 18, вып.6. — М.:Наука. 1971.

АРПАНИНГ ЯНГИ ПИВОБОП “МУШТАРАК” НАВИ

Дунё қишлоқ хўжалигида арпа дони чорвачилик ва паррандачиликда озиқа, инсонлар учун озиқ-овқат ва арпа солоди тайёрлашда ишлатилади. ФАО нинг 2019 йилги маълумотларига қараганда, дунё бўйича арпа майдони 51,3 млн. гектарни, етиштирилган ялпи ҳосил 152,3 млн. тоннани ташкил этган. Асосий арпа етиштирувчи мамлакатлар Россия, Австралия, Германия, Франция, Украина, Канада, Буюк Британия, Туркия, Испания ва Дания ҳисобланади. Дунё бўйича 2019 йил ялпи етиштирилаётган арпа ҳосилининг 75% ушбу мамлакатлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Жаҳонда арпа солоди ишлаб чиқариш 22 млн. тонна бўлиб, 90% дан кўпроғи арпадан олиниб, ушбу солоднинг 94% пиво тайёрлаш учун ишлатилади. Дунёда жами тайёрланадиган солоднинг 42% га яқини Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу экин ишлатилишининг оммабоплиги ҳисобига, 2024-2025 йилларда жаҳон бўйича арпа етиштиришни 6,2% ошириш ва ялпи ҳосилни 157-160 млн. тоннага етказиш белгиланган.

Республикада сўнгги йилларда пиво ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар барпо этилиши натижасида уларнинг сони 27 тага етди. Мазкур корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг сифати ва нархи борасида рақобатбардошлиги билан ички бозорда ўз ўрнини топди. Аммо ушбу корхоналар асосан ҳориждан келтирилаётган хомашё ҳисобига фаолият юритмоқда. Бугунги кунда республикада мавжуд корхоналарнинг арпа солодига бўлган эҳтиёжи 53,0 минг (38 млн. доллар) тоннани ташкил этади.

Ўзбекистон селекционер олимлари томонидан сўнгги тадқиқотларида пивобоплик хусусиятларига эга бўлган янги арпа навларини яратиш бўйича селекция ишлари жадаллик билан олиб борилди. Минтақа шароитида пивобоп арпанинг гуллаш, дон тўлишиш даврида ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши, дон ҳосилдорлиги ва пивобоплик сифатининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг 3.3-бандида “касаллик ва зараркундаларга чидамли, маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалик экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш” муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган. Бу борада Республикада лалми ерларида биотик ва абиотик омилларига чидамли, пивобоплик хусусиятлари юқори бўлган янги навларни яратиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

2015-2017 йилларга мўлжалланган амалий илмий-техник тадқиқотлар дастури доирасида ҚХА-8-054-2015 рақамли “Республика лалмикор ва суғориладиган ҳудудларнинг биотик ва абиотик шароитларига чидамли юқори ҳосилли арпа навларини яратиш” бўйича илмий изланишлар олиб борилди ва лойиҳа якуни билан арпанинг “Муштарак” нави яратилган.

Пивобоп арпанинг “Муштарак” нави *Hordeum L.* Туркумига, Subsp. *H. distichon L.*-икки қаторли кенжа турига, *nutans* тур хилига мансуб бўлиб, Н550852 (Сурия) х Унумли арпа дугаргай комбинациясидан яқка танлаш йўли билан яратилган.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик вазирлиги, Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш марказининг 2020 йил 22 декабр 42-сон қарорига кўра 2021 йилдан арпанинг “Муштарак” нави Самарқанд ва Жиззах вилоятлари бўйича лалмикор

ерларда кузги муддатларда экиш учун Давлат реестрига киритилган.

Тажрибаларни жойлаштириш, фенологик кузатувлар ва биометрик таҳлиллар “Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур” (выпуск второй, 1989) ҳамда дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Фаллаорол илмий-тажриба станциясида ишлаб чиқилган агротавсиялар (1994), арпа нави намуналарини морфологик ва биометрик кўрсаткичлари бўйича баҳолаш “международный классификатор СЭВ рода *Hordeum L.*” бўйича ишлаб чиқилган услублар асосида олиб борилди.

Пивобоп арпанинг янги “Муштарак” навининг белгилари; ўсиш тури ярим ёйилган, пастки барглари: барг япроқ кини тукланган, ён барглари эгилганлиги паст, ёнбарг қулоқчаларининг антоцион ранги мавжуд, рангининг жадаллиги ўртача, ёнбарг: япроқ қинининг мумсимонлиги ўртача, бошоқлаш вақти ўрта, қилтиқ учининг антоцион ранги мавжуд, бошоқ: мумга ўтиш ўрта, бошоқ ҳолати яримтўғри ўсувчи, ўсимлик баландлиги ўртача, бошоқда қаторлар сони иккита, бошоқ шакли пирамидасимон, бошоқ зичлиги ўрта, қилтиқ бошоққа нисбатан узунроқ, қилтиқ атрофидаги тишчалар мавжуд, бошоқ рўваги (стержень): биринчи бўғим узунлиги -жуда қисқа, биринчи бўғим эгилганлиги -жуда кучсиз, бўғимдаги дўнгчаларнинг бўлиши кучсиз, бошоқча: жойлашиши параллелдан бироз огишгангача, пастки гулкосачабаргининг узунлиги ўртача, бошоқ учининг шакли бироз учли, ўрта бошоқча: бошоқ косачабаргининг узунлиги ва қилтигининг донга боғлиқлиги тенг, дон: асосий туксимон дағал ўсимталарнинг тукланиш тури -узун, дони пардали, ташқи косачабарг сиртидаги антоцион ранги кучсиз, ташқи гулкосачабарг ички ён сиртининг тишсимонлиги кучли, дон ариқчалари тукли, лодидула жойлашиши тўппа-тўғри, алерон қатлами ранги оқ, ривожланиш тури икки фаслли (дуварак).

“Муштарак” навининг хўжалик белгилари; ҳосилдорлик имкониятлари юқори-30,2 ц/га, андоза (Унумли арпа) навига нисбатан 5,7 ц/га юқори, дон ҳажми охириги 656 г/л, бу кўрсаткич андоза навида 648 г/л, 1000 дон дон вази йиллар бўйича ўртача 53,7 г, маҳсулдор тупланиш ўртача 3,2 донани, андоза навида бу кўрсаткич 2,9 донани ташкил этганлиги кузатилади. Ётиб қолишга чидамлилиги 7 балли, андоза навида 5 балли ташкил этди. Тўкилишга чидамлилиги 9 балл, андоза навда 7 балл кузатилди. Қишлагга чидамлилиги ўртача 75,4 %, андоза навида кўрсаткич 68,8% эканлиги аниқланди.

“Муштарак” навининг биологик хусусиятлари; навнинг пишиб этилиш даври ўртача, 186 кун, андоза навида 188 кун, сариқ занг касаллигига чидамли, гильментоспориоз касаллиги билан 10-30%, ун-шудринг касаллиги билан 5-10% атрофида зарарланади. Қаттиқ ва чанг қоракуя касалликлари билан зарарланмайди.

“Муштарак” навининг пивобоплик хусусиятлари; донининг йириклиги 84,8%, униш энергияси 100%, экстракт моддаси 77,6% бўлса, андоза навига нисбатан 0,8% юқори бўлганлиги ҳисобига қўшимча 56 литр кўп пиво маҳсулоти олиш имконияти мавжуд.

Турсункул МАМАТҚУЛОВ, қ.х.ф.н.,

Зоҳид УСАРОВ, қ.х.ф.ф.д.,

Абдуғофуржон ХОЛДОРОВ, қ.х.ф.ф.д.,

Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти.

ЛИМОН КЎЧАТЛАРИНИ ОЧИҚ МАЙДОНЛАРДА ПАРВАРИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Статья посвящена уходу за рассадой укорененных черенков лимонов в открытом грунте и выращиванию рассады на основе интенсивных технологий в устройствах, создающих искусственный туман. Изначально были приняты меры по выбору места для посадки черенков лимона в открытом грунте и подготовке земли к посадке. Однолетние саженцы лимона высаживали на втором поле питомника на участках, подготовленных к посадке в третьей декаде апреля. На мероприятии была представлена научно обоснованная информация о сроках прямого посева рассады, схемах посадки, стандартах полива и удобрений.

The article is devoted to the technology of growing and caring of seedlings of lemons rooted cuttings in the open ground and growing seedlings on the basis of intensive technologies in devices that create artificial fog. Initially, measures on selection a place for planting lemon cuttings in the open ground and preparation the land for planting were taken. Annual lemon seedlings were planted in the second field of the nursery in areas prepared for planting in the third decade of April. This article presented scientifically substantiated information on terms of seedlings direct sowing, planting schemes, irrigation and fertilization standards.

Бугунги замонавий қишлоқ хўжалигида цитрус мевали ўсимликлар плантацияларини барпо қилиш ва улардан юқори ҳосил олиш, экспортбоп маҳсулотларни етиштириш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Катта ҳажмдаги цитрус мевали плантациялар барпо қилиш учун, албатта, сифатли, соғлом, ҳосилдорлиги юқори навли цитрус ўсимликлар кўчатлари етиштириш орқали боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиқларига ва томорқа ер эгаларига етказиб бериш долзарб вазифа ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси: Тадқиқотнинг объекти сифатида лимоннинг “Мейер” навининг бир йиллик кўчатларидан фойдаланилди. Илмий тадқиқотлар 2020-2021 йиллар давомида Тошкент вилояти Қибрай тумани Тошкент давлат аграр университети Ахборот-маслаҳат маркази (Extension center)нинг тажриба майдонида олиб борилди. Тажриба майдонининг умумий сатҳи 200 м²ни ташкил этди. Кўчатлар 60x25 см схемада экилди. Тадқиқотнинг ҳар бир вариантыда 20 та ўсимлик тўрт қайтариқда ўрганилди. Кўчатлар бутасимон паст танали шаклда ўстирилди. Тадқиқотда лимон кўчатларининг очиқ майдонда ўсиши ва ривожланиш динамикаси кузатиб борилди.

Тадқиқот натижалари: Олиб борган илмий тадқиқотларимизда лимон кўчатларини очиқ майдонларда парвариш қилиш апрел ойининг охирида амалга оширилди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, лимон кўчатларини очиқ майдонларда етиштиришда энг аввало кўчат экиш учун танлаб олинган ер майдони кузги шудгордан олдин ҳар бир м² майдонга 30-40 кг дан маҳаллий ўғит солиниши зарур. Кузги шудгор қилиниб, қишки тиним даври тугагандан сўнг баҳорда мартнинг охири апрел ойинг бошида енгил чизел қилиниб кўчатларни экишдан олдин, ҳар 1 м² майдонга 0,012 кг азот; 0,004 кг фосфор; 0,006 кг калий ўғити солиниши керак бўлади. Ёш ниҳолларнинг етарлича озик моддалар билан таъминланмаслиги натижасида кўчатлар сифатли ҳамда соғлом бўлиб етишмаслигига олиб келади.

Жумладан, фосфор етишмаслиги баҳорда ёзда ўсимлик барглари бир оз қизғиш тус олади, натижада фотосинтез жараёни суст кечади. Калий етишмаслиги натижасида ўсимлик барглари жигарранг, қулранг тус олиб бир оз буришган ҳолатга келиб қолади, Бу ҳолат кўчатларнинг касалликка тез чалинишига сабаб бўлади. Азот етишмаслиги ёш ниҳолларда жадал ўсиш тезлигини кескин пасайтириб юборади, барглари оч яшил, деярли сарғиш рангда бўлиб қолади. Бу ҳолат ёш ниҳолларнинг сўлиб нобуд бўлишига олиб келади.

Кўчатларни экиш муддати апрел ойининг учинчи декадасидан бошлаб амалга оширилди. Бир ёшли ўсимликларда 1-2

та биринчи тартиб новдалари ва танасининг диаметри 0,7-0,8 см бўлиши талаб этилади. Кўчатларни ўтқишдан олдин боғ қайчи билан охириги ўсиш даражасининг учдан бир қисми, шунингдек, ортиқча новдалари, илдизнинг зарарланган қисми кесиб ташланади. Кўчат ўтқазилганда кўчатларнинг илдиз бўғзи тупроқ сатҳидан 2-3 см юқорида бўлиши зарур. Ёш кўчатларни экиш схемаси 60x25 см, яъни қатор ораси 60 см кўчатлар ораси 25 см ни ташкил этди. Кўчатлар ўтқазилгандан сўнг суғориш ишлари амалга оширилди. Кўчатларни экиш чуқурлиги 15-20 см ни ташкил этди.

Суғориш. Лимон кўчатлари эгатлаб, тупроқ 30-40 см чуқурликда намлангунича суғорилади. Тупроқ вегетация давомида доимо нам ҳолатда бўлиши зарур. Ёш кўчатларнинг яхши ўсиши ва ривожланиши учун тупроқнинг оптимал намлиги 70-85% ни ташкил этиши керак бўлади. Суғоришлар вегетация даври давомида 20-25 мартагача амалга оширилди. Суғориш миқдори ва муддати об-ҳавога ва ўсимлик ҳолатига қараб амалга оширилди. Ёш кўчатзорларда кўчатлар новдалари жадал ривожланиши учун ҳар 2-3 марта суғорилгандан кейин ер етилиши билан қатор оралари юмшатилади. Мавсум давомида 4-6 марта қатор ораларига ишлов бериш зарур. Вегетация даврида қатор ораларига шарбат оқизилиши тупроқ намлигининг етарлича сақланишини таъминлайди.

Ўғитлаш. Лимон кўчатлари ҳам бошқа барча экинлар сингари ерга органик ва минерал ўғитлар солиб турилгандагина жадал ривожланиши мумкин бўлади. Новдаларнинг жадал ўсиши ва пишишига органик ўғитлар яхши таъсир кўрсатади. Ҳар бир м² майдон ҳисобига тўлиқ миқдорда бериладиган органик ўғит таркиби: 100 грамм азот, 40 грамм фосфор, 60 грамм калий ва 10 килограмм маҳаллий ўғитдан иборат бўлади. Ўғитлар таркибидаги ушбу озик моддалар миқдори бўйича тегишли ҳисоб олиб борилади.

Солинадиган ўғитларнинг аниқ миқдори тупроқнинг агрохимийвий таҳлили маълумотлари, суғориш режими, новдаларнинг ўсиши ва шохланиши аниқланади. Етарли миқдорда ўғит берилганда лимон кўчатлари ноқулай иқлим шароитларга чидамлироқ эканлиги аниқланди. Азот суғоришдан 10-12 соат олдин солиниши ва суғориш тонгда ёки куннинг иккинчи ярмида амалга оширилиши самарали ҳисобланади. Кўчатларни очиқ далада тўғри парваришлаш натижасида шу йили илдиз тизими ва ер устки қисми яхши ривожланган бақуват кўчат олиш имкони пайдо бўлади. Вегетация давомида лимон кўчатлари 3-4 ўсув фазалари бўлиб ўтади. Ўз муддатида бажарилган агротехник тадбирлар ва етарлича берилган озика моддалари ҳисобига ёш кўчат новдалари бақуват бўлиб ривожланади. Новдалар-

Очиқ майдонда лимон кўчатлари вегетатив органларининг ривожланиш динамикаси, 2020-2021 й.

Вегетатив органларнинг ривожланиши, см	Вегетатив органларнинг ривожланиш динамикаси				
	I вариант	II вариант	III вариант	V вариант	Назорат
Илдиз	8-12	18-20	16-18	12-14	8-10
Новда	30-40	80-85	70-75	50-56	20-25
Барг сатхи	ўртача	йирик	йирик	ўртача	кичик

да бир вақтнинг ўзида келгуси йилда мева берадиган куртак меваларнинг ҳосил бўлишига замин яратилади.

Хулоса. Цитрус мевали ўсимликлар плантацияларини барпо қилиш ва улардан юқори ҳосил олиш, экспортбоп маҳсулотларни етиштириш, сифатли, соғлом, ҳосилдорлиги юқори навли цитрус ўсимликлар кўчатларни етиштириш энг муҳим омил ҳисобланади.

Очиқ майдонга лимон кўчатларини экиш схемаси 60x25 см қилиб белгиланди. Кўчат экиш учун танлаб олинган ер майдонини кўчат экишдан олдин ва кўчатларни парваришlash давомида зарур бўладиган озиқа моддаларнинг энг мақбул меъёрлари аниқланди.

Бобошер НОРТОЖИЕВ,

Тошкент давлат аграр университети ассистенти.

АДАБИЁТЛАР

1. Фахрутдинов Н.З. При получении саженцев лимона. //«Сельское хозяйство Узбекистана». Ташкент, 1991. №10. С. 30-33.
2. М.М.Мирзаев, С.М.Животинская, О.П.Кульков. Ўзбекистонда цитрус мевалар етиштириш. 1983 Тошкент. 32-35 бет.
3. Садыкова Ф. В. Лимон. Практические рекомендации по выращиванию лимонов в комнатных условиях. — Уфа, 2004. 14-15 с.

УЎТ: 635. 96671/3

ТАДҚИҚОТ

КАВАР МЕВАСИДАН МАРИНАДЛАНГАН КОНСЕРВА ТАЙЁРЛАШ

*В статье излагаются результаты исследований в 2018-2020 годах по переработке плодов *spparis spinoza* и его значение, а так же обоснованные способы переработки в промышленных основах.*

The article provides practical and theoretical information on the technology of processing marinated canned food by processing Kavar plant, highlights the technology of processing the product and describes the results of the experiment for 2018-2020.

Кавар ўсимлиги (*Spparis spinoza*) ёввойи ҳолда республика-мизнинг дашт ва чўл минтақаларида ўсади.[2] Бу ўсимлик 2700 йиллик тарихга эга бўлса-да, у тўғрисида адабиётларда батафсил маълумотлар берилмаган.[3] Уни етиштириш, маҳсулотларидан қайта ишлаш саноатида фойдаланиш ва қайта ишлаш технологиялари ўрганилмаган. Бу тур ўсимлик кичик майдонларда Франция, Испания, Италия ва Шимолий Америкада, ҳамдўстлик мамлакатларидан Грузия ва Озарбайжон давлатларида учратилиши ва улардан турли маҳсулотлар тайёрланиши айрим манбалардан маълум.[2]

Наманган муҳандислик-технология институти “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси” кафедраси ва Чортоқ шаҳар “Биллур Аркон” қайта ишлаш корхонасида 2018-2021 йилларда бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Шу жумладан, Кавар (*Spparis spinoza*) мевасидан табиий маринад консервалари намуналари тайёрланди, кимёвий таркиблари ва инсон организми учун қимматли хусусиятлари ўрганилди. [1] Хорижий мамлакатлардан Туркия, Россия, Италия, Испания, Франция каби давлатларида *Spparis spinoza* гунчасидан маринадланган консерва маҳсулотлари тайёрлашда қўлланиладиган усуллар маринад эритмаси тайёрлаш, 20-23% ли тузли эритмада сақлаш, маҳсулотни ювиш, ўлчамлари бўйича навлаш, маринад эритмаси тайёрлаш, қадоқлаш ва стерилизация қилиш жараёнлари ўхшаш бўлиб, гунчаларидан маринад консервалар тайёрланганда маҳсулот таркибидаги ёқимсиз ҳид ва глюкозид моддаларининг таъми сақланиб қолади. [2]

Мавжуд усулларда тўлатилган идишлар герметик беркитиллади ва 80-100°C да стерилланади. Унинг давомийлиги, идишнинг ўлчами ва материалга қараб, 5–15 дақиқа давом этади. Стериллашдан сўнг маҳсулот эзилмаслиги учун қадоқланган идишлар совуқ сувда тезда совутилади. [2]

Стериллаш микроорганизмларни бартараф этибгина қолмай, балки маҳсулот сифатини бузувчи ферментларни инактивлайди ҳам. Пектолитик ферментлар моғор билан биргалликда маҳсулотга тушиб, хомашё тўқималарини юмшатади. Пероксидаза таъсирида маҳсулот нохуш таъм олади. Бу фермент иссиқликка чидамли бўлса ҳам, 85°C дан юқорироқ температурага иситиш вақтида ҳам инактивлашади.[2]

Стериллаш ва кейинги сақлаш вақтида диффузион-осмотик жараёнлар юзага келади.[2] Бу жараёнлар натижасида шарбат маҳсулот танасидан куймага, ош тузи ва уксус кислотаси эса – куймадан мева тўқималарига сингади. Маҳсулот 5 кун сақлангандан сўнг бу жараёнлар кескин секинлашади, 25–30 кундан сўнг эса амалда тўхтаб қолади.

Юқоридаги камчиликларни тўлдириш мақсадида маринад тайёрлаш учун Чортоқ шаҳар “Биллур Аркон” қайта ишлаш корхонасида саноат синовлари олиб борилиб, илмий ва амалий натижаларга асосланиб технологик схема ишлаб чиқилди.

Ишлаб чиқилган технология ва технологик схемага асосан маҳсулот тайёрлаш жараёни қуйидагича бўлиб, кавар (*Spparis spinoza*) гунчасидан “nonparilis” сифатига эга бўлган маринадланган консерва маҳсулоти тайёрлаш бошқа усулларидан фарқ

қилувчи жиҳатлари қуйидагича бўлиб;

дастлаб хомашё 10-15% ли туз концентрациясида 5-6 кун сақланди, сўнгра 1% ли актив кўмир билан 24 соат ушлаб турилди, маҳсулот актив кўмрдан тозаланди, 5-6 маротаба ювилди, калибровка қилинди, идишларга солиниб 2% ли сирка кислотасининг маринад эритмаси қўшилди. Кавар (*Sarraris spinoza*) ғунчасидан маринадланган консерва тайёрлашда маҳсулот 80°C да пастеризация қилинди.

Кавар (*Sarraris spinoza*) ғунчасидан “nonparilis” сифатга эга бўлган маринадланган консерва маҳсулоти тайёрлаш усули хомашё таркибидаги аччиқ таъм ва ёқимсиз ҳидни йўқотиш учун тузли эритмани 10-15% ли концентрациясида 5-6 кун сақланади ва адсорб хусусиятга эга бўлган 1% актив кўмир кукуни билан 24 соат ишланди.

Қайта ишлаш саноатида кавар ғунчалари олинадилар, сараланадилар, ювилади. Уларни тузлаш учун 0.1 -0.14 литрли сифимли шиша идишларга рецепт бўйича маҳсулотлар солиниб 2% ли рассол эритмаси қуйилади ва қопқоқлиниб 80°C ҳароратда 20-25 минут стерилизация қилинади. Агар кавар мевалари ва ғунчалари 60°C да стерилизация қилинса, маҳсулот таркибидаги термофил микроорганизмлар нобуд бўлмай, маҳсулотни сақлаш жараёнида қайта ривожланиш юзага келиб, маҳсулот бузилиши, агарда стерилизация 85-90°C да ўтказилса маҳсулот таркибидаги кимёвий моддалар миқдори ва сифати камайиб кетади.[3] Саноатда бир тонна кавар мевасини тузлаш ва маҳсулотнинг хушбўйлигини таъминлаш учун 5-6 кг лавр япроғи ва 50-60 кг йодланган туз сарфланади.

Қўлланилган усулда маҳсулот таркибидаги физиологик актив моддаларни ва уларнинг хусусиятларини сақлаб қолиш ва моддаларнинг кимёвий ўзгаришининг олдини олади. Консерва маҳсулотлари маҳсулот тури, констенсияси ва қадоқланувчи идиш ҳажмига мувофиқ стерилизация қилинади. Маҳсулотлар шунга асосан 90°, 100° ва 120°C гача стерилизация қилинади. Бунда стерилизация вақти идиш сифимига асосан 15, 20, 30, 40 минут давом этиши мумкин.

Маринад тайёрлашда маҳсулотни тури ва идиш ҳажмига мувофиқ пастеризация қилинади. Пастеризация ҳарорати ўртача 80-85°C бўлиб 20-25 минут давом этади.

Кавар мевасидан тайёрланган консерва маринадлари учун мўътадил ҳарорат 80°C ҳисобланади. Ушбу ҳароратдан (70 °C) паст бўлса, маҳсулотда бактериал лойқаланишлар, яъни турли бактерияларнинг ривожланиши кузатилади ва маҳсулот лойқа кўринишида бўлади.

100°C ва ундан юқори ҳароратда маҳсулот таркибидаги азотли моддалар (оқсил, аминокислоталар) тез реакцияга киришиб, оксидланиш содир бўлади, бунда маҳсулотда биохимик лойқаланиш билан бир қаторда маҳсулот таркибидаги гликозид, йод, ҳамда фойдали минерал модда таркиблари ва фойдали фаол моддалар миқдори камайдилар.

Ушбу ҳолатнинг содир бўлмаслиги учун кавар маринадларининг мўътадил термик ишлов бериш ҳарорати 80°C, унинг вақти 25 минут қилиб белгиланади.

Кавар мевасидан консерва маҳсулотлари ишлаб чиқилган ТУ (техник шартга) асосан тайёрландилар. Маринадланган консерва маҳсулоти тайёрлаш учун техник етилган мевалар ГОСТ 87561

га мувофиқ терилди. Меванинг ўлчамлари 11-20 мм катталиқда ва узунлиги 30-40 мм бўлган мевалар сараланиб ювилди ва консерва тайёрлаш учун фойдаланилди. Маринад тайёрлаш учун кучсиз нордонликка эга бўлган 0.6% ли рассол (эритма) тайёрландилар. Сирка кислота эссенцияси тайёрлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилди: [3.31. б. 380].

$$P = 1000 \frac{C_1}{C_2 * M}$$

бунда :

P-100 килограмм маҳсулот учун керак бўлган сирка эссенция миқдори, кг.

C₁- тайёр маҳсулотдаги сирка кислота концентрацияси, %,

C₂—фойдаланилган сирка эссенциясининг концентрацияси, %,

M-банкага қўшилаётган рассол миқдори, л.

Агар маринаднинг сўнгги сирка кислота концентрацияси 0.6% бўлиши талаб этилса 80% ли сирка эссенцияси маҳсулотнинг 50% ни ташкил этади. Яъни р-10000.0.6:80х50.-1.5 килограмм сирка эссенцияси талаб этилади. Кавар мевасидан маринад тайёрлаш ва унинг хушбўйлигини ошириш учун лавр япроғи ҳамда зирк қўшиб қадоқланади, сўнгра 85-90 градус ҳароратда пастеризация қилинади.

Ишлаб чиқилган стандартлар асосида Чортоқ туман “Биллур Аркон” қайта ишлаш саноат корхонасида саноат синовлари ўтказилиб, бугунги кунда 6 турдаги маҳсулот турлари тайёрлашга эришилди. (Расм)

Кавар (*sarraris sipinosa*) мевасидан маринадланган консерва маҳсулоти тайёрлаш технологияси асосида олиб борилган тажриба натижалари бўйича қуйидагича хулосалар қилинди.

Кавар ўсимлиги ғунчаси ва мевасидан табиий маринад тайёрлаш учун ғунчалари 6-7 мм катталиқда, мевалари эса 11-20 мм катталиқдаги ва узунлиги 30-40 мм бўлган мевалар олинса, маҳсулот сифати ва органолептик кўрсаткичлари яхши бўлади.

Кавар ўсимлиги ғунчасидан маринад тайёрлашда маҳсулот таркибидаги нохуш ҳид ва аччиқ таъмини йўқотиш учун хомашё дастлаб тузли эритмани 10-15% ли концентрациясида 5-6 кун сақланади ва адсорб хусусиятга эга бўлган 1% актив кўмир кукуни билан 24 соат ишланиши мақсадга мувофиқ.

Кавар меваси ва ғунчасидан тайёрланган маринадларининг мўътадил термик ишлов бериш ҳарорати 80°C, унинг вақти 25 минут қилиб белгиланади.

Зокир АБДУЛЛАЕВ,

Наманган муҳандислик-технология, институтини таянч докторанти.



Расм. Биллур Аркон саноат корхонасида тайёрланган маринадланган консерва маҳсулотлари.

АДАБИЁТЛАР

1. Мерганов А.Т., Абдуллаев З.И., Каримов И.Р. Кавар (*Sarraris spinoza*) маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси ва унинг тиббиётдаги аҳамияти. Монография. “Усмон Носир медиа” нашриёти. Наманган-2021 й. 124 б
2. Чориев А.Ж., Додаев Қ.О., Исмоилов Т.А., Қорабоев Д.Т. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини консервалаш ва сақлаш технологияси (гўшт, сут, балиқ, мева-сабзавот). Тошкент: 2010 йил.
3. <https://www.tvcook.ru/recipes/insorted/marinovannye-kapersy.html>.
4. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Консервирование>

КАВАР МЕВАСИНИ ЛЕОФЕЛИЗАЦИЯ УСУЛИДА ҚУРИТИБ КУКУН ТАЙЁРЛАШДА МАҲСУЛОТ ЧИҚИШ МИҚДОРИ ВА СИФАТИГА ҚУРИТИШ УСУЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

The article examines the effect of lyophilization drying method which is used to get healing powder on product amount and powder quality. Experiments have shown what changes have taken place in terms of the amount and composition of the powder

Ҳозирги вақтда иқтисодиёт йўналишининг ўзгариши имкон даражасида қисқа вақт ичида аҳолини юқори озиқавий қийматга эга бўлган озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш вазифасини қўймоқда.

Етиштирилаётган мева-сабзавот ва дашт ерларда ўсувчи шифобахш ўсимликлардан самарали фойдаланиб қайта ишлаш учун замонавий тез қайта созланадиган ихчам ускуналар ва технологиялар билан жиҳозлаб, маҳаллий хомашёларни жадал қайта ишлаб сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда чиқиндисиз технологиялар яратиш ҳозирги кун талабидир.

Мева-сабзавот ва дашт ерларда ўсувчи шифобахш ўсимликларни қайта ишлаб, сифатли маҳсулот олиш ҳамда чиқаётган чиқиндиларни қайта ишлаб, сифат даражаси кафолатланган ва таннархи арзон бўлган маҳсулотлар асортиментини кўпайтириш мақсадида моддий ва энергетик ресурсларни тежаш имконини берувчи самарали технологиялар ҳамда ихчам ва жадал технологик жиҳозларни қайта ишлаш, сақлаш, озиқ-овқат ва фармацевтика саноати корхоналарига жорий этиш долзарб муаммо саналади.

Маҳаллий хомашё захираларидан оқилона ва комплекс фойдаланиш қайта ишлаш, сақлаш ва озиқ-овқат ва фармацевтика саноати соҳаларида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи омили ҳисобланиб, кейинги йилларда чиқиндисиз технологияларни яратиш соҳасида, тайёр хомашёларнинг сифатини оширишда кўплаб ишлар олиб борилмоқда.

Мева-сабзавот ва ва дашт ерларда ўсувчи шифобахш ўсимликларни қайта ишлаш, сақлаш, консервация ва улардан қурийтиб икклиматчи маҳсулотлар олишда катта миқдорда хом ашё таркибидаги инсон организми учун зарур бўлган барча моддаларни тутати ва бирламчи хом ашёнинг озиқавий қийматини ўзида сақлайди. Юқоридаги муҳим вазифалар озиқ-овқат, фармацевтика ва қайта ишлаш саноати олдида ҳам бир қанча вазифаларни қўймоқда. Булардан асосийлари ишлаб чиқариш ҳажмини орттириш, маҳсулотлар сифатини ошириб, юқори озиқавий қийматга эга экспортбон маҳсулотлар тайёрлашда илмий-техника ютуқларини жалб этишни кучайтириш каби вазифалардир.

Юқори озиқавий қийматга эга бўлган маҳсулотлар асосий энергия манбаи бўлиб, инсон ҳаёт фаолиятини яхшилашга сарфланаётган энергия ўрнини тўлдириб турилади.

Маҳсулотларнинг кимёвий таркибини билиш уларнинг озиқавий қиймати тўғрисида тушунчага эга бўлиш имкониятини беради. Озиқавий қиймат тушунчаси кенг бўлиб, у энергетик қийматни ҳам ўз ичига олади ва асосий озиқавий моддалар, органолептик кўрсаткичларнинг афзаллик томонлари, фойдали сифатларини акс эттиради.

Ҳозирги вақтда қайта ишлаш, сақлаш, фармацевтика ва озиқ-овқат саноатида илмий-техника ютуқларини кенг қўллаш асосида, барча қўшимчалардан тозаланган маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Қайта ишлаш, сақлаш, фармацевтика ва озиқ-овқат саноатида қурийтиш ва майдалаш жараёнларини қўллаб, кукун – яримтайёр маҳсулот олиш орқали амалга оширилади.

Тажрибаларимизда кавар мевасини қурийтиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Мазкур ишларда математик моделлаштириш ва оптималлаштириш йўли билан қурийтишга боғлиқ масалаларга эътибор қаратилган. Қурийтиш ва майдалаш жараёнини такомиллаштириб, меваларни қурийтиб кукун – яримтайёр маҳсулот олиш бўйича маълумотлар келтирилган. Шу сабабдан, кукун - яримтайёр маҳсулот олиш технологиясини шакллантириш, леофелизация усулида қуритилган мевадан кукун олиш билан дастлабки хом ашёни тежаш ҳамда технологик сарф-харажатларни камайитишни таъминлайдиган, энергияни тежайдиган ихчам қурилмалар танлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Бу тадқиқотлар Республикаимиз қайта ишлаш саноатини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган устувор йўналишларига мос келади.

Юқоридаги фикрларни инobatга олган ҳолда биз шифобахш бўлган каварни (*Carpatis spinosa*) турини танлаб олдик. Кавар ўсимлиги камсув, адир ва дашт ерларда ўсиб ривожланадиган ўсимлик ҳисобланади.

Кавар кавардошлар оила вакили ҳисобланиб, сут ширасиз ўт ва бута ўсимликлардир. Уларни оддий ёки панжасимон мураккаб, бандли навбатлашиб жойлашган, кўпинча ён баргсиз бўлади. Гуллари икки жинсли, якка-якка ёки ёйиқ тўпғулда жойлашган. Косача барги 4 та, тожбарги 4 та бўлиб диагональ жойлашган бўлади. Оталиги чексиз, оналиги 1-2 та тугунчаси устки, бир ёки кўп уяли ва кўп уруғ куртакли. Уруғ куртаги буқилган, меваси кўсакчасимон ёки резаворсимон, ёриладиган мева бўлиб ҳашаротлар билан чангланади.

Гулбандининг учи ўсиб оналигини кўтариб турувчи узун банд генофорга айланиши оиланинг характерли белгила-

1-жадвал.

“Ўзбекистон-20” навидан етиштирилган кавар мевасининг қурийтиш усулларида кукун чиқиш миқдорига таъсири.

№	Вариантлар	Маҳсулот миқдори, кг	Майдалашга келган маҳсулотнинг намлиги қайтариқларда, кг.			
			1-10%	2-12%	3-9%	4-13%
1	Офтоби	10	8,69	8,75	8,80	8,84
2	Леофелизация	10	9,95	9,10	9,97	9,07

ридан биридир. Бундай ўсимта оталикларда ҳам бўлади. Улар гул тузилиши билан бутгуллиларга ўхшайди, аммо ёнбаргларининг бўлмаслиги билан улардан фарқ қилади.

Каварлар авлоди 150 турни ўз ичига олади. Ўзбекистонда уларнинг 2 тури *Sarraris spinosa* ва *Sarraris rosanova* ўсади. Тажрибаларда каварнинг маданий ҳолда етиштирилган ва ёввойи экстремал шароитда ўсадиган навларидан фойдаланилди.

Каварнинг ёввойи ҳолдаги ўсимликларида бу ҳолат, поялари тик ёки яримётик ҳолда бўлиб, кўп шохлаган, барглари майда, поялари сертикан, мевалар сони 20-22 донагача бўлиб уларни ўртача оғирлиги 12-13 грамми ташкил этиши аниқланди. Ўсимликнинг ассимиляция барг сатҳи 8040-9700 см² гача бўлиб, тупроқдаги намликни тез тортиб олади ва барг пластинкалари юпқа парда билан қоплаганлиги учун сувни кам буглатади, шунинг учун ҳам у қурғоқчиликка ўта бардошли ўсимлик ҳисобланади.

“Ўзбекистон-20” навидаги мевалар сони 40-45 донани ташкил этган бўлиб, уларни ўртача оғирлиги 15 гр ёки бир туп ўсимликда 675-700 граммгача, шу ёшдаги табиий ҳолда ўсувчи тупроқларида 260-300 граммгача ҳосил олинган бўлиб, маданий сортга нисбатан 400-420 граммгача кам ҳосил олинди.

Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда экстремал шароитда пишиб этилган ва суғориладиган жойларда етиштирилган кавар меваларини тажриба сифатида офтоби ва леофелизация усулида қуритиб олинган маҳсулотлардан кукун тайёрлаш усули танлаб олинди. Тажрибалар Чуст туманида жойлашган “Рустамали Каримов” фермер хўжалигида амалга оширилди. Тажрибалар икки хил вариантда ва тўртта қайтариқда ўтказилди. Вариантлар ўз навбатида бир бирига мутаносиб ҳолда 10 килограмдан икки хил вариант, яъни офтоби ва леофелизация усулида қуритилган маҳсулотлардан кукун тайёрланди. Қуритишда “Ўзбекистон-20” навидан олинган ҳосиллар ҳисобидан қуритиш учун танлаб олинди. Қайтариқлар эса қуритиш усуллари бўйича таҳлиллар ўтказилди. (1-жадвал).


Тажриба давомида қуритилган меваларнинг майдалашга тушишидан олдин намлиги ўлчанди ва майдалашга қўйилди. Вариант ва қайтариқлар бўйича қуйидагича натижалар олинди. Биринчи вариантда офтоби усулда қуритилган мевалар қуруқлик даражаси 10% бўлганда кукун чиқиш миқдори 8,69 кг олинди, 12% бўлганда 8,75 кг маҳсулот олинди, 9% бўлганда 8,8 кг, 13% бўлганда 8,84 кг кукун олинди. Леофелизация усулида қуритилганда мевалар биринчи вариант биринчи қайтариқда 9,95 кг, иккинчи қайтариқда 9,10 кг, учинчи қайтариқда 9,97 кг, тўрттинчи қайтариқда 9,07 кг маҳсулот

олинди. Вариант ва қайтариқлар бўйича маҳсулот чиқиш миқдорига нисбатан чиқитлар чиқиш миқдори элангандан сўнг аниқланди ва натижалар ёзилди.

Кавар мевасини қуритиб порошок тайёрлаш жараёнида таркибидаги минерал моддалар миқдори ўзгариш ҳолатига қараб лаборатория тажрибалари давомида аниқланди.

1-диаграмма.

Қуритилган маҳсулотлардан кукун тайёрлашда моддалар миқдорининг қуритиш усулларида ўзгариш миқдори.



Кавар мевасини турли усулларда қуритиб, улардан порошоклар тайёрлашда таркибидаги моддалар миқдори турлича ўзгарган эканлигини кўришимиз мумкин. Мевалар таркиби диаграммада баён этилган. Бунда леофелизация усулида қуритилган маҳсулотлар миқдори сақланиб қолганлигини кўришимиз мумкин бўлади.

Хулоса сифатида айтганда, тажриба натижаларига кўра, кавар мевасини қуритишда турли усуллардан фойдаланиш натижалар хилма-хиллиги, маҳсулот чиқиш миқдорлари, олинган маҳсулот сифат кўрсаткичлари ва кимёвий таркиби жиҳатидан бир-биридан фарқ қилганлигини кўришимиз мумкин. Кавар меваси шифобахш хусусиятларга бой бўлиб, минерал моддалар ва витаминлар таркиби турлича миқдорда ўзгарган эканлигини кўришимиз мумкин бўлади. Бир сўз билан айтганда, кавар мевасини қуритишда қолган усулларга нисбатан леофелизация усулида қуритиш яхши самара берган эканлиги кузатишларга аниқланди. Маҳсулот чиқиш миқдори кам бўлса-да, лекин мева таркиби шундайлигича сақланиб қолганлиги тажрибаларда аниқланди.

Авазхон МЕРГАНОВ,
қ.х.ф.д.,

Ислом КАРИМОВ,
мустақил тадқиқотчи.

Наманган муҳандислик-технология институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Мерганов А. Т, З. И. Абдуллаев ва бошқалар. “Кавар (*Sarraris spinosa*) ўсимлик мевасидан шифобахш консерва маҳсулотлари тайёрлаш усули” бўйича патент талабномаси IAP. 20170418. 25. 09. 2017 й.

4. Мерганов А.Т. “Организмда йод танқислигининг олдини олишда кавар ўсимлигининг аҳамияти” Республика илмий-амалий конференция тўплами. Наманган МИИ, 2011 й.

4. Кавар (*Sarraris spinosa*) ўсимлигининг “Ўзбекистон-20” навини дашт ерларда ўстириш ва маҳсулотни қайта ишлаш технологияси бўйича тавсиянома, Наманган МТИ, 2018 йил.

5. Бурич. О., Ф.Берки. Сушка плодов и овощей//; М. 1978, с 232-275.

6. Зокиров. Қ.З., Жамалханов. Х.А. Ботаникадан русча-ўзбекча энциклопедик луғат// Т,-1973 1-том 294 б.

7. Искандаров.С.И., Абдусаматов.А.А. Органик химия// Т. 1979 й, 332-335 б.

8. Сахобиддинов.С.С. Ўсимликлар систематикаси.// Т; 1968. 545 б.

9. <http://W.W.W. activestudy. Info/vshovhyc-skemy-xyrshhivaniya-elty-plentus/>

10. <http://W.W.W. Capototo/ org/plentus/stsos/asp.>


КАРТОШКА ЭКИНИДА ТУПРОҚОСТИ ЗАРАКУНАНДАЛАРИНИНГ ҚИШЛОВОЛДИ ПОПУЛЯЦИЯСИ ЗИЧЛИГИНИ АНИҚЛАШ

В этой статье приведены данные исследований, чтобы определить предзимнюю плотность подпочвенных вредителей в почве на полях картофеля. По этим данным, согласно принятой методике, на освобожденном от картофеля участке образцы почвы выкапывались по диагонали (шахматам) слоями 5,10,15,20 и 25 см, и грунт пропускался через проволочное сито. Плотность почвы рассчитывалась на основании анализа выявленных подпочвенных вредителей.

This article provides research data to determine the pre-winter soil pest density in potato fields. According to these data, according to the adopted methodology, soil samples were dug diagonally (chess) in layers of 5,10,15,20 and 25 cm in the area freed from potatoes, and the soil was passed through a wire sieve. Soil density was calculated based on the analysis of identified subsoil pests

Бошоқли дон ҳамда такрорий экилган сабзавот ва картошка экинларида тупроқости зараркунандаларининг зарарли таъсири туфайли 15-20% ҳосилдорлик йўқотилмоқда. Ушбу зараркунандалардан кузги тунлам (*Agrotis segetum* Den. et Schiff), ундов тунлаи (*Agrotis exclamationis* L), симқуртлар ва сохта симқуртлар (*Elateridae*), бузоқбоши кўнғизлардан: март бузоқбошиси (*Melolontha afflicta* Ball), зарарли бузоқбоши (*Polyphilla adspersa* Motsch), май хрушлари (*Melolontha melolontha*, *M. hypocaustani*) асосий ва такрорий экилган қишлоқ хўжалик экинларининг илдизи, пояси ва барглари кемириб, ҳосилдорликка сезиларли даражада зарар келтирмоқда. [3; 62-63-б. 2; 42-48-б.].

Шу мақсадда картошканинг тупроқости зараркунандаларининг учраш даражаси, қишлаш босқичлари, биологик кўрсаткичларини аниқлаш ва зичлигини баҳолаш мақсадида тадқиқотлар олиб борилди. Тадқиқотлар Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани “Фарадис хирмони” фермер хўжалигида 2019-2020 йилларнинг ноябр ойларида ўтказилди.



1-расм. Картошка майдонларидаги тупроқости зараркунандаларининг қишловолиди популяцияси зичлиги (Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани “Фарадис хирмони” ф/х 2019-2020 й.)

Дастлаб картошкadan бўшаган майдондаги тупроқдан намуналар 25 x 25 см қилиб диагонал (шахмат) усулида 5,10,15,20 ва 25 см қатламда қовланиб, тупроқлар симли элакдан ўтказилди [1;47-59-б.].

Олиб борилган тадқиқотлар давомида кузги буғдойдан кейинги экилган 5,2 гектарлик картошка майдонидан намуналар олинди. Дастлаб картошкadan бўшаган майдонда тупроқдан намуналар 25 x 25 см қилиб диагонал (шахмат) усулида олинди. Унга кўра дала майдонининг 6 та қисмидан 1 м² майдондаги тупроқ қатлами (шахмат усулида) энтомологик элаклардан ўтказилди. Бунда тупроқнинг ҳар 5 см алоҳида намуналар сифатида ўрганилди (1-расм).

Тадқиқот давомида тупроқнинг 5 см қатлами элакдан ўтказилганда, фитофаглар кузатилмади. Тажрибадаги тупроқнинг 5-10 см гача бўлган қалинликдаги қатлами элакдан ўтказилганда кузги тунлам қуртлари (*Agrotis segetum* Den. et Schiff) ўртача 1,7 донa, симқуртларнинг (*Elateridae*) личинкаси эса 1,3 донa эканлиги аниқланди. Худди шу тартибда тупроқ қатлами 10-15 см тупроқ элаклардан ўтказилганда кузги тунлам (*Agrotis segetum* Den. et Schiff) қуртлари 4,7 донa топилган бўлса, симқуртларнинг (*Elateridae*) личинкалари эса 3,7 донa борлиги аниқланди. Ушбу майдондаги 15-20 ва 20-25 см. тупроқ қатлами элаклардан ўтказилганда, май кўнғизининг (*Melolontha melolontha*, *M. hypocaustani*) 1,3 ва 1,2 донa қуртлик ҳолатидаги фазалари топилди.

Олинган натижалардан хулоса шуки, такрорий экилган картошка майдонларида, тупроқости зараркунандалари ҳамда барг ва поя зараркунандалари етарлича озикланиб, кўплаб қишлаб чиқишига асосий омил бўлади, кейинги йил экилган асосий ҳамда такрорий, сабзавот ва картошка экинларига жиддий зарар етказиши.

Аъзамжон ХУДОЙҚУЛОВ, қ.х.ф.ф.д., доцент,
Миракбар ЗУПАРОВ, қ.х.ф.н., профессор,
Мохиҷеҳра АБЛАЗОВА, қ.х.ф.ф.д.
Тошкент давлат аграр университети.

АДАБИЁТЛАР

- Поляков И.Я., Пресов М.С., Смирнов В.П. Прогноз развития вредителей и болезней сельскохозяйственных культур (с практическим) Л. «Колос». 1984. 47-59 с.
- Сиддиков И.Р., Холматов С.З. Ўсимлик битларига қарши курашда янги микробиологик дориворлардан фойдаланиш //Ўсимликлар зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш чоралари. Тошкент, ТошДАУ, 1993. –С. 42-48.
- Худойқулов А.М. Илдиз кемирувчи кузги ва ундов тунламларига қарши самарали кураш тадбирлари. Т. “Агро илм”. 2016 й. Махсус сон. 62-63 б.
- Хўжаев Ш.Т. Энтомология, қишлоқ хўжалиги экинларини ҳимоя қилиш ва агротоксикология асослари. Т. 2015 й. “Фан” нашриёти.

ЧЕРВЕЦ КОМСТОКА – ОПАСНЫЙ ВРЕДИТЕЛЬ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ РАСТЕНИЙ

В результате заражения гранаты от червца Комстока урожайность снижается на 30-35%. В условиях Ферганской долины против вредителя были применены несколько эффективных инсектицидов. На основании проведенного опыта по эффективности инсектицидов были получены вышеуказанные результаты. Среди использованных инсектицидов показал хороший результат Имидор, 20% к.э.

As a result, pomegranate contamination from the Comstock worm decreases the yield by 30-35%. In the conditions of the Fergana Valley, several effective insecticides were used against the pest. Based on the experiment on the effectiveness of insecticides, the above results were obtained. Among the insecticides used, Imidor 20% ae. showed a good result.

Благоприятные природно-климатические условия Узбекистана позволяют ежегодно наращивать темпы роста плодовоощной продукции, обеспечивая продовольственную безопасность по ряду плодов и овощей, и расширение возможности их поставок как в дальнее, так и ближнее зарубежье, что создает предпосылки роста реальных доходов сельскохозяйственных товаропроизводителей.

На получение высокого урожая из гранаты в условиях Узбекистана влияют несколько сосущие и грызущие вредители: гранатовая тля, червец комстока и гранатовая плодожорка. Повсюду распространенным и вредоносным вредителем является червец комстока (*Pseudococcus comstoci* Kuw). Этот вредитель относится к отряду – Равнокрылых, широко распространен и приносит вред плодовых и декоративным деревьям (можно встретить даже на хлопчатнике, растущем вблизи тутовников). В основном приносит вред яблоне, груше, гранату, а также тутовникам.

По внешнему признаку самец и самка сильно отличаются. Самка плоская, не имеет крыльев, неподвижная, а самец имеет одну пару крыльев, очень подвижный, цвет красновато-коричневый, длина 1-1,5 мм, усики состоят из 10 членов.

Длина самки достигает от трех 3-4 мм до 5-6 мм. Тело имеет белый цвет в виде налета, покрыта щетинками. По краям тело имеет 17 пар отростков, из них 2 последние достигают до половины тела. Яйцо длиной 0,3 мм, продолговато-овальное, золотисто-желтое, покрыто белым налетом. Личинки вредителя имеет овальную форму, длина их 0,45 мм и покрыта белым налетом, не имеет отростков.

Червец комстока распространяется следующими путями: на саженцев и плодах, в стоках воды, сельскохозяйственными инструментами.

После третьей линки, червец комстока превращается

в имаго и через 10-30 дней начинает откладывать яйца от 250 до 650 шт. В условиях Узбекистана червец комстока дает 3-4 поколения.

Зимуют в виде яйца в корках деревьев, вокруг корней виноградника, остальные формы вредителя (личинка, имаго) погибают. Весной (март-апрель) из яйца выходят личинки, которые распространяются по всему дереву и приносят большой вред.

Червец комстока (*Pseudococcus comstoci* Kuw) заражает более 300 видов сельскохозяйственных и дикорастущих растений. Личинки вредителя в основном располагаются на нижней части листьев растения, поврежденные листья желтеют и высыхают, побеги становятся кривыми, образуются трещины. Поврежденные деревья становятся слабыми и легко заражаются вторичными (короеды) вредителями. В результате заражения урожайность снижается на 30-35%.

Таблица 1.

Биологическая эффективность инсектицидов против червца комстока

№	Варианты	Норма расхода, л/га	Кол-во вредит. до прим-я препарата, шт	Эффективность, %
1.	Багира-Н, 20% к.э.	0,2	21,8	90,8
2.	Имидор, 20% к.э.	0,2	19,4	94,7
3.	Камелот, 20% с.п.	0,2	33,1	91,8
4.	Энджео, 24,7% м.с.к	0,2	27,6	92,9
5.	Циракс, 25% э.к.	0,3	25,5	84,8
6.	Контроль	-	33,3	-

В условиях Ферганской долины против вредителя были применены несколько эффективных инсектицидов (табл 1).

На основании проведенного опыта по эффективности инсектицидов были получены вышеуказанные результаты. Среди использованных инсектицидов показал хороший результат Имидор, 20% к.э.

Саида МИРЗАЕВА,

к.с.х.н., доцент,

Андижанский сельскохозяйственный и агротехнологический институт.

АДАБИЁТЛАР

1. Ходжаев Ш.Т. Интегрированная защита растений и основы агротоксикологии. — Ташкент, 2014.- 311 стр.
2. Набиев У.Я. Вредители и болезни садов и виноградников в приусадебных участках. — Ташкент, 1991. – 34 стр.
3. Мирзаева, С. А. (2020). Биология и вред основного сосущего вредителя гранаты. In EUROPEAN RESEARCH (pp. 58-61).
4. Мирзаева С. А., Азнабакиева Д., Джураева И. (2017). Червец комстока — опасный вредитель граната. In СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ НАУКИ И ТЕХНОЛОГИЙ (pp. 90-92).

ГОЛШТИНЛАШТИРИЛГАН ҚОРА-ОЛА ЗОТЛИ СОҒИН СИГИРЛАРНИНГ СУТДОРЛИК КОЭФФИЦИЕНТИ ТАҲЛИЛИ

In this article, the milk yield of dairy cows and its quality indicators as well as live weight are directly related. Therefore, the milk yield factor is an important indicator in assessing milk productivity. This figure is determined precisely by the level of live weight.

Республикамызда қишлоқ хўжалигининг асосий соҳаси ҳисобланган чорвачиликка алоқаси бўлган барча мутахассислар, ишчи-ҳодимлар ва оддий чорвадорларнинг асосий вазифаси мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутган чорва молларининг маҳсулдорлик бўйича генетик кўрсаткичларини тўлиқ юзага чиқариш ҳисобланади. Бутун дунё мамлакатларида ҳозирги кунда қора-ола зотига мансуб сигирларни ишлари самарали олиб борилмоқда.

Материаллар ва методлар: Чорва молларида кўрсаткичларининг у, ёки бу маҳсулдорликни ўрганишда, тирик вазни эътиборга олинади. Сабаби, ҳайвонларнинг кўпгина селекция белгилари айнан тирик вазн кўрсаткичлари билан боғлиқликда ўзгаради. Биз тажрибаларни “Сиёб Шавкат Орзу” қорамолчилигига ихтисослашган фермасида ўтказдик.

Соғин сигирларнинг сут маҳсулдорлиги, сифат кўрсаткичлари, тирик вазнга боғлиқдир. Шу сабабли сут маҳсулдорлигини баҳолашда сутдорлик коэффициенти муҳим ҳисобланади. Голштинлаштирилган қора-ола зотли соғин сигирларнинг сутдорлик коэффициенти феъл-атвор кўрсаткичлари билан боғлиқлиги ўрганилди.

Тажриба учун генетик келиб чиқиши, маҳсулдорлиги, ёши бўйича бир хил бўлган, сигирлардан I–гуруҳ ўрта фаол голштинлаштирилган қора-ола зотли сигирлар, II-гуруҳ юқори фаол голштинлаштирилган қора-ола зотли сигирлар ва III-гуруҳга ўта фаол голштинлаштирилган қора-ола зотли сигирларини киритдик. Асосан соғин сигирларнинг тирик вазни туққандан кейин лактациянинг 3-ойлигида аниқлаш яхши натижа беради.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили: Гуруҳлар аро тадқиқотларимизда соғин сигирларнинг тирик вазни туққандан кейин лактациясининг 3 ойлигида сутдорлик коэффицентини аниқладик, шу даврдаги тирик вазн кўрсаткичидан фойдаландик, жадвал асосида тажрибадаги сигирларнинг сутдорлик коэффицентини тўғрисидаги маълумотлар берилган.

Ушбу жадвал маълумотларининг таҳлили шундан иборатки, сутдорлик коэффицентига оид бўлган барча кўрсаткичлар бўйича гуруҳлар бўйича фарқ аниқланган. Хусусан, I–гуруҳ ўрта фаол голштинлаштирилган қора-ола зотли сигирлар, II-Юқори фаол голштинлаштирилган қора-ола зотли сигирлар ва III-гуруҳга ўта фаол голштинлаштирилган қора-ола зотли сигирларнинг тирик вазни ҳам бир-биридан фарқланган. Бунда III-гуруҳдаги ўта фаол сигирлар ўз тенгдошлари I ва II-гуруҳлардаги сигирлардан қуйидагича: 2,7 кг ва 8,9 кг, II ва III-гуруҳдаги сигирларни фарқи 6,2 кг га тенг бўлган.

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, I гуруҳ ўрта фаол голштинлаштирилган қора-ола зотли сигирларнинг сутдорлик коэффицентини 710,0 кг ни ташкил қилган. Бу кўрсаткич бўйича улар ўз тенгдошлари, II- юқори фаол голштинлаштирилган қора-ола зотли сигирлар ва III-гуруҳга ўта фаол гуруҳлардаги голштинлаштирилган қора-ола зотли сигирлардан тегишлича: 59,3 кг ёки 8,4 фоиз ва 112,5 кг ёки 15,8 фоиз кўрсаткич билан фарқланишган. Тажрибадаги II ва III гуруҳлардаги сигирларнинг сутдорлик коэффицентини бўйича фарқи 53,2 кг ёки 6,9 фоизга, яъни III-гуруҳга ўта фаол голштинлаштирилган қора-ола зотли сигирлар юқори сутдорлик коэффицентга эга бўлган.

1-жадвал.

Голштинлаштирилган қора-ола зотли сигирларнинг сутдорлик коэффицентини, (n=5)

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		
	I	II	III
	X±Sx	X±Sx	X±Sx
Сут соғими, кг	3244,5±38,9	3535,1±42,1	3830,6±49,4
4% ли сут соғими, кг	2838,5±47,2	3278,8±46,3	3543,3±50,1
Тирик вазни, кг	456,8±5,8	459,5±5,1	465,7±4,7
Сутдорлик коэффицентини, кг	710,0±21,8	769,3±20,7	822,5±20,4
4%-ли сут, кг	621,3±21,1	713,6±20,2	760,9±21,3
Сут ёғи, кг	27,0±1,02	28,6±1,04	30,4±1,07
Сут оқсилли, кг	24,4±0,72	26,2±0,68	28,0±0,74

Соғин сигирларни сут маҳсулдорлиги бўйича баҳолаганда, эътиборга олинадиган асосий кўрсаткичлардан бири, ҳар 100 килограмм тирик вазнга тўғри келадиган 4% ли сут, сут ёғи ва сут оқсиллиги каби кўрсаткичлар ҳисобланади. Биз ўз тажрибамизда 100 кг тирик вазнга тўғри келадиган маҳсулдорлик кўрсаткичларини аниқлаб, жадвалда келтириб ўтдик. Кўриниб турибдики, 4% ли сут маҳсулоти бўйича ҳам фарқ аниқланган бўлиб, бунда III-гурӯҳга ўта фаол голштинлаштирилган қора-ола зотли сигирлар I-II-гурӯҳга қараганда юқори маҳсулдорликка эга бўлган.

Хулоса: Шундай қилиб, голштинлаштирилган қора-ола зотли сигирлар эталогик феъл-атвор жиҳатидан I-гурӯҳ

ўрта фаол, II-Юқори фаолга нисбатан, III-гурӯҳга ўта фаол сигирларни ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига ишлаб чиқарилган сут маҳсулдорлик кўрсаткичлари ҳам ошиб борган, бу ўз навбатида бундай ўта фаол сигирлардан самарали фойдаланиш ва юқори маҳсулдор подалар яратишда муҳим омиллардан эканлигини кўрсатади.

Раҳмон РАХМАТОВ,
магистр,
Зухра МИРСАИДОВА,
докторант,
Журабек ХУЖАМОВ,
қ.х.ф.ф.д.(PhD),

Самарқанд ветеринария медицинаси институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдалниязов Б., Худоёров Р. Голштин қора-ола билан қизил чўл зоти дурагайларининг маҳсулдорлиги. // "Агро илм". 2007. №2. 33-34б.
2. Кахаров А.К. Қорамолларнинг этологик кўрсаткичлари ва унинг маҳсулдорлик билан боғлиқлиги. // «Зооветеринария» журнали. 2009. №6. 26-29 б.
3. Мельдер А.А. Этология и развитие скотоводства на крупных фермах. // «Вестник с-х наук». 1973. №2. С. 43-49.
4. Мешкова Н.Н., Шутова М.М. Хрестоматия по зоопсихологии и сравнительной психологии. М, 1997. С. 84-94.
5. Панов Е.Н., Этология сельскохозяйственных животных. Москва «Колос» 1977. С. 301.

УДК: 628.81.001.895(575.171)

ИССЛЕДОВАНИЕ

ЭФФЕКТИВНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЗЕМЕЛЬНО-ВОДНЫХ РЕСУРСОВ В ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ

Мақолада қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган майдонларнинг динамикаси таҳлил қилинган 1999 – 2020 йил ва шу давр учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шунингдек, мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

The article provides an analysis of the dynamics of sown areas of agricultural crops for 1999 – 2020 and agricultural production for the same period. As well as this information on the efficient use of available water resources.

Обеспечение устойчивого управления водными ресурсами Республики Узбекистан, проведение единой технической политики в водохозяйственной сфере осуществляется путем внедрения передовых технологий, организации эффективного и целевого использования водных ресурсов на основе рыночных механизмов и принципов по использованию воды, разработки точных расчетов по использованию водных ресурсов, своевременного обеспечения водопотребителей водными ресурсами на основании Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан «О совершенствовании организации управления водным хозяйством» за № 320 от 21 июля 2003 года, которое определило переход системы управления водными ресурсами от административного к бассейновому принципу. На основании Постановления Кабинета Министров за № 385 от 3 августа 1993 года «Об ограниченном использовании водными ресурсами в Республике Узбекистан» были определены лимиты по использованию воды.

Основной источник орошения в области является река Амударья. Общий объем водных ресурсов бассейна р. Амударья составляет 78,34 км³, из них: 5,14 км³ формируются на территории Узбекистана, 4,04 км³ - Кыргызстана,

44,18 км³ - Таджикистана, 2,79 км³ - Туркменистана и 22,19 км³ - Афганистана.

Общий объем использования водных ресурсов в области примерно составляет более чем 4,9 км³ (самотечные и насосные орошение).

Обеспечение необходимого количества воды сельскохозяйственных культур осуществляется с помощью существующих оросительных систем. Основные оросительные системы (каналы) области: Ташсака, Шаватская ветка, Киличнйезбай и Газават, с маленькими каналами: Октябрь-Арна, Палван Ургенч-Арна и Питняк-Арна. Общая протяженность оросительных систем примерно составляет 1044 км. В области для улучшения мелиоративного состояния земель имеются следующие системы магистральных коллекторов: Озерно-Уравнительный, Шават-Андреевский, Диванкульский и Дарьялыкский. Они служат для отвода воды из орошаемых земель. А также при маловодье эти мелиоративные системы служат как оросительные системы. За последние 13 лет длина коллекторно-дренажных систем (КДС) увеличилась с 9819 до 10640 км, в том числе межхозяйственная КДС - с 3475 до 3718 км, т.е. на 243 км, внутрихозяйственная КДС - с 6345 до 6922 км - на 577 км.

Орошаемая площадь Хорезмской области 276,4 тыс. га или около 7 % от общей орошаемой площади Республики Узбекистан. В области открытый дренаж занимает более 30 тыс. га поливной площади.

Перед сельским хозяйством области ставятся задачи: повысить эффективность использования орошаемых земель, добиваться получения на этих землях проектной урожайности; поднять технический уровень и качество водохозяйственного строительства; разработать и осуществить меры по ускорению перехода на водосберегающие технологии орошения, к бережливому использованию водных ресурсов и земельных угодий; комплексно решать вопросы мелиорации земель.

Анализ динамики посевных площадей сельскохозяйственных культур за 1999 - 2020 годы показал, что доля зерновых повысилась с 30,8 до 32,3%. А доля хлопководства по области за анализируемый период увеличилась – с 42,2 до 49,1%, и в ходе реформ в борьбе за хлебную независимость были необоснованно сокращены посевы люцерны, а также других кормовых культур. Это отрицательно сказалось на плодородии земель, что привело к снижению производства кормов. Нынешняя структура посевов приобрела «хлопко зерновую» направленность.

Практикой передовых хозяйств и многолетними исследованиями Института хлопководства, зерна, риса и овощеводства доказано, что система севооборотов (рационального чередования посевов сельскохозяйственных культур) является важнейшим условием повышения плодородия земель и урожайности всех возделываемых культур. Без применения органики только за счет внесения минеральных удобрений нельзя повышать плодородие

орошаемых земель, необходимо увеличивать в них запасы гумуса и биологического азота. Ничем не заменимым источником азота являются посевы люцерны и однолетних бобовых культур (гороха, сои). Люцерна за два года роста накапливает в почве 500 - 700 кг/га биологического азота, а однолетние бобовые в повторных посевах 100 - 120 кг/га. Анализ динамики производства сельскохозяйственной продукции за 1999 - 2006 гг. показал, что производство зерна выросло на 104,4%, а производство хлопка-сырца сократилось с 290,1 тыс. тонн. до 274,6 тыс. тонн, что составило 94,4% уровня 1999 года.

Анализ динамики сельскохозяйственных индикаторов за годы независимости свидетельствует о том, что наряду с позитивными процессами по формированию многоукладной экономики и реструктуризации хозяйств, диверсификацией сельскохозяйственного производства.

Деформированная структура сельскохозяйственного производства во многом определялась действующей системой хозяйственного механизма. В современных условиях только ее существенное изменение позволит превратить хозяйственный механизм в экономический рычаг совершенствования структуры производства, тем более, что сельское хозяйство считается наиболее мобильной отраслью экономики страны. Повышение эффективности сельского хозяйства должно осуществляться путем формирования частной собственности и конкурентной среды, развития рыночных отношений на селе, а также рационального и эффективного использования трудовых и земельно-водных ресурсов.

Наргиза ЖУРАЕВА,
зав. лабораторией, ТИИМСХ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Годовые отчеты Хорезмского областного управления водного хозяйства, Хорезмского областного управления сельского и водного хозяйства, 1960-2020 гг.
2. Ирригация Узбекистана. Том 3. Современное состояние и перспективы развития ирригации в бассейне р. Амударьи. — Ташкент, 1979.-249-296 стр.
3. Матякубов Б.Ш. "Современное состояние орошаемого земледелия Хорезмского оазиса"// Журнал Аграрная наука, № 9, стр.27-29.
4. Matyakubov B.Sh. "Efficient use of water in the Khorezm Oasis" // Journal International journal of innovations in engineering research and technology, volume 5, № 11, p. 44-50.

UO'T: 641.535.7

TADQIQOT

RESPUBLIKAMIZDA RAQAMLASHTRISHNING KARTOGRAFIYA SOHASIDAGI RIVOJI INTERAKTIV XARITALAR ISHLAB CHIQISH

This article presents the optimized technological possibilities of manufacturing and production of high-temperature silicon carbide-based imported electric heaters based on a large solar furnace.

Bugungi davr talabi dunyo ta'limi oldiga katta vazifalarni qo'yimoqda, ya'ni o'quvchi kelajakda jamiyatda yashashga tayyor bo'lishi kerak. Bunda birinchi navbatda tez o'zgarayotgan, yangilanib borayotgan axborotlar bilan uyg'un holda faol ishlaydigan kasb egalari timsolini bugungi

o'quvchi yoshlarda shakllantirish lozim. Buning uchun informatika darslarida o'quvchilarni ma'lumotlarga ishlov berish, qayta ishlash, maqsadga ko'ra ularni shakllantirish va real vaqt oralig'ida o'z egasiga yetkazib berish kabi maxsus xizmatlarni amalga oshiruvchi avtomatlashgan

axborot tizimlari bilan ishlashga o'rgatib borish lozim. Quyida maxsus xizmatlarni amalga oshiruvchi QR kodlari to'g'risida tushuncha berish orqali ta'lim jarayonida kartografiya sohasida ushbu yangi zamonaviy axborot texnologiyasidan foydalanish g'oyasini rivojlantirish uchun boshlang'ich nuqta bo'ladi deb umid qilamiz. Demak ushbu maqola ta'lim muassasalari mutaxassislariga o'zlarining nostandart pedagogik texnologiyalarini yaratishga yordam beradi, natijada o'quvchilarning o'qishga bo'lgan qiziqishi oshadi.

Ayni paytda axborot-texnologiyalarning ildam rivojlanishi, QR-kod belgilarning kashf etilishi bosma nashrlarga elektron resurslarni bog'lash imkoniyatini yaratmoqda. QR-kodi (quick response) nima?

Bugungi kunda QR kodlari ko'pchilik uchun allaqachon oddiy narsaga aylangan, lekin ko'pchilik aslida u haqida tushunchaga ega emas, lekin kunda oq fonda sirli qora kvadratchalar bilan tasvirlar reklama afishasi yoki plakating burchagida, paketlarda, jurnal sahifalarida va hatto biznes kartalarida, tovarlar etiketkalarida, kommunal to'lovlar kvitansiyalarida yoki saytlar sahifalarida, endilikda xaritalarda ham ko'radilar. Xo'sh, bu belgi nima va u nima uchun kerak? Mana shu QR-koddir. QR kod mazmun mohiyatiga asosan ingliz tilidan olingan bo'lib "Quick Response" so'zlarining qisqartirmasidir. Uning mazmuni "tezkor javob" ma'nosini beradi.

Kartografiyada Qr kodlar nima uchun kerak ?

Kartografiya – tabiat va jamiyatda vaqt o'tishi bilan o'zgaradigan voqea va hodisalarning tarqalishini, ularning o'zaro bog'liqligini, kartografik ma'lumotlarni belgi-modellar vositasida ko'rgazmali tasvirlash yo'llarini o'rgatuvchi fan hisoblanadi. Kartografiya – qadimiy fanlardan biri bo'lib, dastlab milodning II asrida yashagan Klavdiy Ptolomey tomonidan fanga kiritilgan.

Karta – atamasi yunoncha "kartes" so'zidan olingan bo'lib, xat yozish uchun ishlatiladigan papirus qog'ozining bir varag'i degan ma'noni bildiradi.

Geografik kartalar maxsus matematik yo'l bilan hisoblashlar asosida yer ellipsoidini tekislikda tasvirlash natijasida yuzaga keltiriladi. Geografik kartalarda voqea va hodisalar maxsus obrazli belgilar yordamida tasvirlanadi, ularning miqdori, sifati, joylashgan o'rni va boshqa bir qancha ma'lumotlarni olish imkoniyati yuzaga keladi. Bundan tashqari geografik kartalarning maqsadi, masshtabi va ishlatilishiga bog'liq holda tasvirlanadigan tavsilotlar saralanadi, umumlashtiriladi, ya'ni generalizatsiya qilingan holda kartalarda o'z aksini topadi. Kartografik tasvirlar geografik kartalarning asosiy qismi bo'lib, tasvirlanayotgan hududning tabiiy va ijtimoiy-iqtisodiy jihatlari, voqea-hodisalarning geografik jihatdan joylashish xususiyatlari va ularning o'zaro bog'liq holda rivojlanishini tasvirlaydi. Shuni alohida ta'kidlash lozimki, kartalar xalq xo'jaligini rejalashtirishda, geologik qidiruv ishlarini amalga oshirishda, turli qurilish ishlarida, davlatimizning ishlab chiqaruvchi kuchlarini to'g'ri taqsimlashda, hududlarni kompleks o'rganishda, geografiya fanini chuqur o'rganishda asosiy manba bo'lib xizmat qiladi.

Shuni alohida ta'kidlash joizki, vatandoshimiz Abu Rayhon Beruniy (973 — 1048 yy.) o'z hayotida yozgan

150 ta asaridan 40 tasini geodeziya faniga bag'ishlab, boy va qimmatli ma'lumotlar qoldirgan. Ushbu asarlar Yer shari o'lchamlarini ufq pasayish burchagini o'lchash orqali aniqlash, geodeziyaning to'g'ri va teskari masalalarini yechish yo'llarini tatbiq etib, geografik koordinatalar yordamida yer yuzasida ikki nuqta orasidagi masofaning uzunligini va chiziq yo'nalishini, turli shaharlarning geografik koordinatalarini aniqlash, ixtiro qilingan geodezik asboblarni, kundalik hayotda uchraydigan amaliy geodeziyaga oid masalalarni yechishning nazariy va amaliy yo'llarini belgilash, kartografik proyeksiyalar va boshqa shu kabi muhim mavzularni o'z ichiga qamrab olgan.

Beruniy hisobi bo'yicha Yer radiusi 6339,58 km bo'lib, hozirgi vaqtda ishlatilayotgan (Krasovskiy ellipsoidi) qiymat — 6371,11 km dan farqi atigi 31,5 km ni tashkil qilgan. Bundan tashqari, Beruniy o'zining geodeziyaga oid asarlarida joyda nuqtalarni kuzatishdagi qarash nurining havoda sinishi (refraksiya) va parallaks hodisalari (qaralgan narsaning siljib ko'rinishi) haqida va o'lchash xatolarining asosiy xossalari, gorizont uzoqligini aniqlash kabi masalalar haqida ham o'z fikr va mulohazalarini bayon etgan.

Raqamli iqtisodiyot, raqamli kartografiya elektoral madaniyatning yuksalishi hamdir. U taraqqiy etsa, biz ana shu aqliy qoloqlikdan qutulamiz. Aqliy qoloqlikdan qutulish orqali vaqtdan, og'ir yoki ortiqcha mehnatdan xalos bo'lamiz, sifat ko'rsatkichiga ega chiqamiz, ilg'or davlatlar va xalqlarga yaqinlashamiz, jumladan, kambag'allik ham kamayadi. Aqlni o'stirishning eng asosiy yo'li esa ta'lim tizimini yuksaltirishdir. Xullas, bunday islohotlar kimga yoqmaydi, deysiz? !

Barchaga manzur narsaga ega bo'lish uchun hamma intilishi kerak.

Shunday ekan, davlat rahbari tomonidan 2020- yilga "Ilm, ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili", deb nom berilishi ham bejiz emas. Raqamli iqtisodiyotga o'tish kelgusi kartografiya sohasida ham raqamlashtirish besh yildagi eng ustuvor maqsadimiz bo'lishi haqidagi ta'kid esa bevosita ilm-ma'rifatni rivojlantirish bilan chambarchas bog'liq. Kartografiya sohasini raqamlashtirishga doir islohatlar yurtimizda ham amalga oshirilmog'da. Kartografiya ilmiy-ishlab chiqarish Davlat korxonasining malakali xodimlari tomonidan bir qator raqamlashtirishga doir ilmiy-amaliy ishlar amalga oshirmog'da jumladan;

Xaritalarga QR-kodlarni qo'llash;

Web-xaritalar ishlab chiqish;

Virtual turistik xaritalar ishlab chiqilib yurtdoshlarimizga sifatli xizmat ko'rsatib kelmog'da.

Binobarin, bugungi tezkor zamonda jahon bo'ylab globallashtirish jarayonlari tobora chuqurlashib borayotgan sharoitda raqamli iqtisodiyot, raqamli kartografiya ilg'or davlatlar iqtisodiyotining barcha tarmog'ida keng joriy etilmog'da. Hattoki, ayrim mamlakatlar ushbu sohaning eng yuqori cho'qqisi hisoblangan sun'iy intellektdan faol foydalanishga o'tganiga guvoh bo'lyapmiz.

Otabek ABDULLAYEV,
*kartografiya davlat ilmiy-ishlab
chiqarish korxonasi kartografi.*

ҚИШЛОҚ АЁЛИ



Битта бола туғмаса-да, суяги бўлиниб,
Бир тун бедор алла айтиб, гирён бўлмаса,
Уйим-жойим, рўзғорим деб сарғайиб сўлмаса,
Бир лаҳзада минг тирилиб, минг ўлмаса-да,
Аломатхон тўзиб кетди бу хизматни деб,
Аломатхон тутаб кетди бу қисматни деб,
Аломатхон “портлаб” кетди бу ҳикматни деб,

Сен жим кулиб туравердинг, қишлоқ аёли.
Пахта – шонинг, пахта – номус, оринг, дедилар,
Пахта – нонинг, пахта – номинг, боринг, дедилар,
Тутга осиб боланг ётган беланчагини,
Сен пахтангни теравердинг, қишлоқ аёли.

Турсуной деб кўкка кўтар-кўтар қилдилар,
Сен далангга етолмайин зору ҳасратда,
Масковларда жигар-бағринг нимтаю нимта,
Жим-жимгина ўлавердинг, қишлоқ аёли.

Қаддинг асло тикланмади ерга эгилиб,
Гар устингдан захар сочиб кетса учоқлар,
Тонна-тонна пахта бериб, овқатга мой йўқ,
Дилинг каби совиб қолди қозон-ўчоқлар.

Сўнг дунёга жар солдилар “Ўзбек иши!” деб,
Кўкракдаги сутингга ҳам захарни қўшиб!
Бош эгангни уйдан юлиб қамасалар-да,
Сен жим заққум ютавердинг, қишлоқ аёли.

Камқон бўлдинг, нимжон бўлдинг, чалажон бўлдинг.
Тандирингдан оқиб тушди аралаш унлар,
Кулга ювиб чақалоғинг иштончасини,
Сен жим орзу қилавердинг, қишлоқ аёли.

Сен темирмас, метин эдинг, пўлат эдинг сен,
Бир жонини қирққа бўлган қудрат эдинг сен,
Сен – матонат, сен – жасорат, ибрат эдинг сен,
Лек жимгина юравердинг, қишлоқ аёли.

Кунлар келди, ҳамон юртим, пахта деб ёндинг,
Кетмон бир ёқ, ўроқ бир ён қолди-ю, ҳатто,
Ёнбошингда капгир, қошиқ далага чиқди,
Сен жимгина елавердинг қишлоқ аёли.

Олислардан шоир саси қулоққа инар:
Албат, “бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак!”
Сен яна жим кутавердинг, қишлоқ аёли,
Бир кун ёруғ тонг кулажак, Хурлик келажак!...
Истиқлолнинг насимлари ўзгача елди,
Дарахт, боғинг, еринг, сувинг ўзингга сийлов,
Ҳамон тиниб-тинчимадинг, ҳамон дил – олов.
Ҳамон бахтни меҳнат ичра кўравердинг сен.
Заҳматларинг бошга қўйди юртнинг сорбони,
Солномага мангу битди бир зарҳал сана.
Бу кун Сенинг кунинг бўлди, қишлоқ аёли,

Қаро кунлар ёди ўчди кўпик мисоли...
Чайир, ғадир қўлларингни тавоф этайин,
Шамол ёрган юзларингни бағримга босай,
Туйғуларим оқиб кетди мандан илгари,
Энди ўзим шеър кўтариб қошингга шошай.

Сен чиройли, сен дилбарсан, сенсан дурдона,
Сен азизсан, сен мўътабар, сенсан ягона,
Сен биландир Ўзбекистон – олтин остона,
Эй, жимгина кулиб турган қишлоқ аёли!

Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Маданият ходими,
“Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳибаси.

СЕЛЕКЦИЯ ИЛМИ БИЛИМДОНИ

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги, жумладан, пахтачилик соҳасига муносиб ҳисса қўшиб келаётган селекционер олим, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Абдурашид Қосимов 75 ёшга тўлди.



А.Қосимов 1946 йил 23 декабрда Андижон вилояти Асака туманида деҳқон оиласида таваллуд топган. Меҳнат фаолиятини солиқ СаюзНИХИ Андижон филиали селекция бўлимида 1973 йилда кичик илмий ходимликдан бошлади. Болаликда қишлоқда катта бўлганлиги учун деҳқончиликка меҳр қўйиб, қишлоқ хўжалигида илмий изланишлар олиб боришга бел боғлаган ёшлар каби ғўзанинг янги навларини яратиш бўйича изланди. Натижанда 10 йил давомида олиб борган илмий изланишлар туфайли ғўзада тур ичида навларнинг комбинацияланиш қобилиятлари мавзусида 1993 йилда ғўза селекцияси бўйича Академик А. Имомалиев раҳбарлигида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

Республикамизнинг олимлари каби у ҳам мустақиллик йилларида пахтачинг янги навларини яратиш бўйича самарали тадқиқотлар олиб борди. Жумладан, Унинг солиқ УзПТИ Андижон филиали селекция бўлим мудири раҳбарлигида ғўзанинг Андижон-35 (2006 й), Ибрат (2010 й) Андижон-36 (2011 й), Андижон-37 (2012 й), навлари яратилиб, районлаштирилди ва ишлаб чиқаришга кенг жорий этилди.

Ҳозирги кунда бу навлар Фарғона водийси вилоятларида кенг майдон-

ларда экилиб, юқори ва сифатли ҳосил олинмоқда. Селекция тўтовсиз жараён бўлганлиги учун кейинги йилларда яратилган ЎзПТИ-201, ЎзПТИ-202, ЎзПТИ-203 ғўза навлари истиқболли деб топилиб, ишлаб чиқариш шароитида экилиб, синалмоқда.

Бу навлардан ЎзПТИ-202 нави 2021 йил Андижон вилояти учун районлаштирилиб 1000 гектар ерга экилиб ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Ҳозирги кунда Давлат нав синаш участкаларида СП-204, СП-206, СП-207, СП-208 ғўза навлари синавдан ўтмоқда. Булар орасидан СП-204 2021 йилдан истиқболли деб топилди ва уруғчилик хўжалигида уруғини кўпайтириш ишлари бошланди.

Юқоридаги навларни яратилишида бўлим мудири сифатида бош-қош бўлиб, раҳбарлик қилган олим Андижон-37, ЎзПТИ-202, СП-206, СП-207, СП-208 навлари бош муаллиф, қолган навларга ҳаммуаллиф ҳисобланади. Яратилган навларга, жумладан, Андижон-35 (2008 й) Ибрат (2010 й), Андижон-36 (2011 й), Андижон-37 (2012 й), УзПТИ-201(2018 й), ЎзПТИ-202 (2019 й) тегишли патентлар олинган. Абдурашид Қосимов 2018 йилда “Селекция ва уруғчилик” ихтисослиги бўйича диссертацияси ҳимоясиз селек-

ция ютуғи (ихтиро патенти) асосида фан доктори (DSC) илмий даражасини олган.

Олим Фарғона водийси вилоятларида қишлоқ хўжалик бўйича семинарлари, фермерлар кенгашлари, Уруғчилик апробация семинарларида ўз маърузалари билан мунтазам қатнашиб келмоқда. Яратилган навларга тегишли тавсиялар тайёрлаб нави эккан фермерларга тавсия бериб бораётир.

А. Қосимов илмий тадқиқотлар билан бирга Андижон қишлоқ хўжалик ва агротехнология олийгоҳида ҳам дарс ўтиб, талабаларга “Селекция ва уруғчилик” йўналишида билим бериб келмоқда.

ПСУЕАИТИ Андижон илмий-тажриба станцияси жамоаси номидан етук олим Абдурашид Қосимовни табаррук 75 ёши билан кутлаб, унга сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

ПСУЕАИТИ Андижон ИТС жамоаси.




ПЛЁНКА ПОЛИЭТИЛЕНОВАЯ:

- ГИДРОИЗОЛЯЦИОННАЯ
- ПАРНИКОВАЯ 3-Х ГОДИЧНОГО СРОКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
- ТЕРМОУСАДОЧНАЯ УПАКОВОЧНАЯ
- ТРЁХСЛОЙНАЯ
- МЕШКИ И ПАКЕТЫ

Надёжная полимерная продукция от производителя



(+998) 94-638-33-33

(+998) 95-142-31-19

(+998) 97-342-50-08

 polimergalantery@mail.ru
 www.polimergalantery.uz

Адрес: г. Ташкент, Алмазарский район, улица Янги Олмазор 51.

O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

agrар-iqtisodiy,
ilmiy-ommabop jurnal

СЕЛЬСКОЕ И ВОДНОЕ
ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА

аграрно-экономический,
научно-популярный журнал

Muassislar:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO'JALIGI VA SUV
XO'JALIGI VAZIRLIK LARI

Bosh muharrir:

Tohir DOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Shuhrat G'ANIYEV
Jamshid XO'JAYEV
Shavkat XAMRAYEV
Shuhrat TESHAYEV
Azimjon NAZAROV
Bahodir TOJIYEV
Ravshan MAMUTOV
Abrol VAXOBOV
Bahrom NORQOBILOV
Nizomiddin BAKIROV
Botirjon SULAYMONOV
Ravshanbek SIDDIQOV
Mirziyod MIRSAIDOV
Baxtiyor KARIMOV
Ibrohim ERGASHEV

2021-yil,
Dekabr №12.

Jurnal 1906-yil yanvardan
chiqa boshlagan.

Obuna indeksi 895

Jurnaldan materiallar ko'chirib
olinganda "O'zbekiston qishloq va
suv xo'jaligi" jurnalidan olindi",
deb ko'rsatilishi shart.

MUNDARIJA

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига	1
Касб байрами кенг нишонланмоқда	2
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Пахта хомашёсини етиштириш ва унинг йиғим-терим харажатларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	3
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Ғалла етиштириш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш тўғрисида	4
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида	6
Шу юрт, шу ватан барчамизники	11
М.ТОШБОЛТАЕВ. Хайрли ишлар йўлида	11
У.МАМАЖОНОВ. Сув хўжалиги: тежамкорлик бош мезон	13
К.ЭРҒАШЕВ. Чўпоннинг бугуни ва эртаси	14
К.ҲАЙИТБОЕВ. Олтириқда шундай аёл бор	15
Ш.ЖАББАРОВА. "Анасой" янада кўркамлашади	16
Х.КАРИМОВ. Имкониятларни ишга солиш самараси	17
Ш.НОРМУРОДОВ. Бугунги тадбир – келгуси натижа	18
Ш.БОБОМУРОДОВ. Инсониятнинг бебаҳо неъматлари	20
З.ХАФИЗОВА. Тупроқшунослик илмий маскани 100 ёшда	22
М.РАЖАБОВА. Ўзбекистоннинг экологик сийёсати жаҳон ҳамжамияти эътиборида	24
Тўкин маҳсулотлар – фаровонлик мезони	25
Р.ТОЖАЛИЕВА. Она-юртга ўтли муҳаббат	26
Р.ЮСУПОВА. Барака — ҳалол меҳнатда	27
Самимиятнинг нурли йўллари	29
Ш.СОДИҚОВА. Орзулари мўл деҳқон	30
Н.САНГИРОВ. Якка тартибдаги тадбиркорликда меҳнатга доир муносабатлар	31
А.СУВОНҚУЛОВ. Тадбиркорлик субъектларини банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиш асослари	31
А.РАВШАНОВ, А.БАКИРОВА, А.КУРБОНОВ, В.АВТОНОМОВ, У.КАЮМОВ. Изменчивость признака «высота растения, на 31.08.2019 Г.» у перспективных селекционно-значимых сложных и парных межлинейных гибридных комбинаций хлопчатника вида <i>G.Hirsutum L.</i>	32
Т.МАМАТҚУЛОВ, З.УСАРОВ, А.ХОЛДОРОВ. Арпанинг янги пивобоп "муштарак" нави	34
Б.НОРТОЖИЕВ. Лимон кўчатларини очик майдонларда парваришлаш технологияси	35
З.АБДУЛЛАЕВ. Кавар (<i>Sarraris spinoza</i>) мевасидан маринадланган консерва маҳсулоти тайёрлаш технологияси	36
А.МЕРҒАНОВ, И.КАРИМОВ. Кавар мевасини леофелизация усулида қуритиб кукун тайёрлашда маҳсулот чиқиш миқдори ва сифатига қуритиш усуллари таъсири	38
А.ХУДОЙҚУЛОВ, М.ЗУПАРОВ, М.АБЛАЗОВА. Картошка экинни тупроқсиз зараркундаларининг қишлоқовди популяцияси зичлигини аниқлаш	40
С.МИРЗАЕВА. Червец комстока – опасный вредитель сельскохозяйственных растений	41
Р.РАХМАТОВ, З.МИРСАИДОВА, Ж.ХУЖАМОВ. Голштиглаштирилган қора-ола зотли соғин сигирларнинг сутдорлик коэффициентлари таҳлили	42
Н.ЖУРАЕВА. Эффективное использование земельно-водных ресурсов в Хорезмской области	43
О.АБДУЛЛАЕВ. Respublikamizda raqamlashtirishning kartografiya sohasidagi rivoji interaktiv xaritalar ishlab chiqish	44
Г.ИБОДУЛЛАЕВА. Қишлоқ аёли	46
Селекция илми билимдони	47

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2019-yil 10-yanvarda 0158-raqam bilan qayta ro'yxatga olingan.

Manzilimiz: 100004, Toshkent sh.,
Shayxontohur t., A.Navoiy k., 44-uy.

Tel.: +998 71 242-13-54,
+998 71 249-13-54.

www.qxjurnal.uz
E-mail: uzqx.jurnal@mail.ru,
Telegram: qxjurnal_uz
Facebook: uzqxjurnal

© «O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi»

Bosmaxonaga topshirildi: 2021-yil 13-dekabr.
Bosishga ruxsat etildi: 2021-yil 13-dekabr. Qog'oz
bichimi 60x84 1/8. Ofset usulida ofset qog'oziga
chop etildi. Shartli bosma tabog'i – 4,2. Nashr bosma
tabog'i – 5,0. Buyurtma №12. Nusxasi 1000 dona.

«HILOL MEDIA» MCHJ matbaa
bo'limida chop etildi.

Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Uchtepa
tumani, Sharaf va To'qimachi ko'chalari kesishuvi.

Navbatchi muharrir – B.ESANOV
Dizayner – U.MAMAJONOV



Chorvador.uz

ЭНГ ЯХШИ ЧОРВАДОРЛАРГА




Резина ётоқлар



УТТ аппарати



Сут совутиш ва сақлаш танклари



Чорвачилик комплексларини лойиҳалаштириш



Сигир елинини дезинфекция қилиш
ва ускуналарни ювиш воситалари



Чорвачилик ускуналари ва эҳтиёт қисмлари

Озуқа тайёрлаш ва тарқатиш техникалари



Сигир соғиш ускунаси ва заллари



Тошкент ш., Аҳмад Дониш 22.
тел. (71) 226 65 96; +998 91 192 07 55;
+998 97 444 00 16; +998 94 647 10 03.
E-mail: chorvador@chorvador.uz
www.chorvador.uz

Аму-Қашқадарё ИТХБ ҳузуридаги НСЭАБ жамоаси

**Халқимизни, республикамыз
аграр соҳа вакилларини,
ирригаторларни, фермерларни
Конституция қабул
қилинганлигининг 29 йиллиги
ҳамда Қишлоқ хўжалиги
ходимлари куни билан чин
дилдан табриклайди.
Осмонимиз мусаффо,
дастурхонларимиз тўкин бўлсин!**

